

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**  
**ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ**  
**ТЎПЛАМИ**

**27-сон**  
**(839)**  
**2018 йил**  
**9 июль**

*Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами беш бўлимдан иборат:*

*биринчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;*

*иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор ва фармойишлари эълон қилинади;*

*учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинади;*

*тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;*

*бешинчи бўлимда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.*

**МУНДАРИЖА**

*Биринчи бўлим*

533. «Ўзбекистон Республикаси билан Туркия Республикаси ўртасида экстрадиция тўғрисидаги Битимни (Тошкент, 2018 йил 30 апрель) ратификация қилиш ҳақида» Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 2 июлдаги ЎРҚ–477-сон Қонуни
534. «Жамоат жойларида чилим ва электрон сигареталар чекишни чеклаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 2 июлдаги ЎРҚ–478-сон Қонуни
535. «Ўзбекистон Республикаси билан Тожикистон Республикаси ўртасида ўзбек-тожик Давлат чегарасининг алоҳида участкалари тўғрисидаги Шартномани (Душанбе, 2018 йил 9 март) ратификация қилиш ҳақида» Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 3 июлдаги ЎРҚ–481-сон Қонуни
536. «Медиация тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 3 июлдаги ЎРҚ–482-сон Қонуни

537. «Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 9 июлдаги ЎРҚ-483-сон Қонуни
538. «Ўсимликлар карантини тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 9 июлдаги ЎРҚ-484-сон Қонуни

### *Иккинчи бўлим*

539. «Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 2 июлдаги ПФ-5469-сон Фармони
540. «Тошкент шаҳрида Пучон университетини ташкил этиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 2 июлдаги ПҚ-3821-сон қарори
541. «2018 йилда мактабгача таълим муассасаларини қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш манзилли дастури тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 2 июлдаги ПҚ-3822-сон қарори
542. «Сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 2 июлдаги ПҚ-3823-сон қарори
543. «Фермер хўжаликларида ҳисоб тизимини тубдан яхшилаш ва уларга банк хизматлари кўрсатишни такомиллаштиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 2 июлдаги ПҚ-3824-сон қарори
545. «Ижтимоий реабилитация қилиш ва мослаштириш, шунингдек, оилавий-маиший зўрлик ишлатишнинг олдини олиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 2 июлдаги ПҚ-3827-сон қарори
546. «Корея Республикаси компаниялари билан эришилган келишувларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 3 июлдаги ПҚ-3831-сон қарори
547. «Ўзбекистон Республикасида рақамли иқтисодиётни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 3 июлдаги ПҚ-3832-сон қарори
550. «Давлат органлари ҳузурида жамоатчилик кенгашлари фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 4 июлдаги ПҚ-3837-сон қарори
551. «Иммунология ва инсон геномикаси соҳасида фундаментал ва амалий

тадқиқотлар ҳамда инновацион ишларни ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 июлдаги ПҚ–3838-сон қарори

552. «Ўзбекистон Республикасининг ташқи меҳнат миграция тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 июлдаги ПҚ–3839-сон қарори

### *Бешинчи бўлим*

553. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2018 йил 28 апрелдаги 16/18-сон «Банк хизматлари истеъмолчилари билан ўзаро муносабатларни амалга оширишда тижорат банкларининг фаолиятига қўйиладиган минимал талаблар тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 2 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3030*)
554. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2018 йил 26 майдаги 19/3-сон «Ўзбекистон Республикаси банкларида статистик ҳисоботни ташкил этиш қоидаларини, шунингдек унга ўзгартиришларни ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 2 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 680-2*)
555. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2018 йил 26 майдаги 19/2-сон «Тижорат банкларида статистик ҳисоботларни юриштириш қоидаларини тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 2 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3031*)
556. Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирининг 2018 йил 18 июндаги 6-мх-сон «Мақтабгача таълимга қўйиладиган давлат талабларини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруқни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 3 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2898-1*)
557. Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлиғининг 2018 йил 19 июндаги 114/6-сон «Ўзбекистон Республикаси самовий ҳудудида фуқаро ва экспериментал авиациясининг парвоз қилиш авиация қоидаларининг (ЎЗР АҚ-91) I боб биринчи параграфига ўзгартириш киритиш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 3 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1723-10*)
558. Ўзбекистон Республикаси мактабгача таълим вазирининг 2018 йил 18 июндаги 1-мх-сон «Ўзбекистон Республикасининг илк ва мактабга-

- ча ёшдаги болалар ривожланишига қўйиладиган Давлат талабларини тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 3 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3032*)
559. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлигининг 2018 йил 28 майдаги 19, 100-сон «Ўзбекистон Республикаси Товар-хом ашё биржаси биржа савдоларида омихта ерни сотиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 3 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1884-1*)
560. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлигининг 2018 йил 28 майдаги 18, 99-сон «Омихта ерни биржа савдолари орқали реализация қилиш (сотиш) тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 3 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3033*)
561. Электр энергетикада назорат бўйича давлат инспекцияси, Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлигининг 2018 йил 12 июндаги 7, К-13-сон «Маиший истеъмолчиларнинг электр энергиясини ҳисобга олиш приборларини қиёслашдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 3 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2736-2*)
562. Ўзбекистон Республикаси инновацион ривожланиш вазирининг 2018 йил 4 июндаги 14/6-сон «Давлат илмий-техника дастурлари доирасида яратилган интеллектуал мулк ҳуқуқлари (патентлар)ни хорижда рўйхатдан ўтказиш ва қўллаб-қувватлаш харажатларини тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 5 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3034*)
563. Ўзбекистон Республикаси инновацион ривожланиш вазирининг 2018 йил 4 июндаги 14/4-сон «Илмий лабораторияларни яратиш ва қўшимча жиҳозлаш бўйича танловларни ўтказиш, шунингдек зарур сарфлаш материаллари ва бутловчи қисмлар билан таъминлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 5 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3035*)
564. Ўзбекистон Республикаси инновацион ривожланиш вазирининг 2018 йил 4 июндаги 14/5-сон «Ёш олимларни етакчи хорижий илмий ташкилотларда (марказлар, университетлар ва бошқалар), шу жумладан илмий лабораторияларни жиҳозлаш учун сотиб олинadиган юқори техноло-

гик асбоб-ускуналарда ишлаш методикасини ўзлаштириш учун киска муддатли илмий стажировкаларга юбориш мақсадида уларни танлов асосида саралаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 5 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3036*)

565. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2018 йил 6 июндаги 154-сон «Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги озодликдан маҳрум қилиш туридаги жазони ижро этиш муассасаларининг ички тартиб қоидаларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 5 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2495-2*)
566. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2018 йил 6 июндаги 155-сон «Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги тергов хибсхоналарининг ички тартиб қоидаларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 5 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2456-2*)
567. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2018 йил 5 июлдаги 356-мх-сон «Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлаш ва қабул қилиш қоидаларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 5 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2565-6*)
568. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг 2018 йил 19 июндаги 01-02/20-49, 16/24-сон «Ўзбекистон Республикаси божхона чегараси орқали радиоэлектрон воситалар ва юқори частотали қурилмаларни олиб ўтиш тартибига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 5 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 526-6*)
569. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2018 йил 14 июндаги 01-02/12-47-сон «Импорт қилинадиган товарларни божхонада расмийлаштиришда даврий божхона декларациясини тақдим этиш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида» қарор, шунингдек унга ўзгартиришларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 5 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2419-3*)
570. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2018 йил 14 июндаги 01-02/12-45-сон «Бир ташқи савдо шартномаси доирасида айнан бир хил товарларнинг божхона расмийлаштирувини даврий божхона юк декларацияси тақдим қилиш йўли билан амалга ошириш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 5 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2419-3*)

*публикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 5 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3037)*

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2018 йил 30 июндан 6 июлгача бўлган маълумот

**БИРИНЧИ БЎЛИМ**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ

**533** Ўзбекистон Республикаси билан Туркия Республикаси ўртасида экстрадиция тўғрисидаги Битимни (Тошкент, 2018 йил 30 апрель) ратификация қилиш ҳақида\*Қонунчилик палатаси томонидан  
2018 йил 26 июнда қабул қилинганСенат томонидан 2018 йил 28 июнда  
маъқулланган

Ўзбекистон Республикаси билан Туркия Республикаси ўртасида экстрадиция тўғрисидаги Битим (Тошкент, 2018 йил 30 апрель) ратификация қилинсин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти****Ш. МИРЗИЁЕВ**Тошкент ш.,  
2018 йил 2 июль,  
ЎРҚ-477-сон

---

\* Ушбу Қонун «Халқ сўзи» газетасида 2018 йил 3 июлда эълон қилинган.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

**534 Жамоат жойларида чилим ва электрон сигареталар чекишни чеклаш тўғрисида\***

Қонунчилик палатаси томонидан  
2018 йил 20 июнда қабул қилинган

Сенат томонидан 2018 йил 28 июнда  
маъқулланган

**1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади ва вазифалари**

Ушбу Қонуннинг мақсади жамоат жойларида чилим ва электрон сигареталар чекишни чеклаш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

Ушбу Қонун фуқароларнинг соғлиғини чилим ва электрон сигареталар чекишнинг зарарли таъсиридан, у билан боғлиқ ижтимоий ва бошқа салбий оқибатлардан муҳофаза қилишга, шунингдек жамиятда соғлом турмуш тарзини шакллантириш ҳамда қарор топтиришнинг ташкилий ва ҳуқуқий шароитларини яратишга қаратилган.

**2-модда. Жамоат жойларида чилим ва электрон сигареталар чекишни чеклаш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари**

Жамоат жойларида чилим ва электрон сигареталар чекишни чеклаш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг жамоат жойларида чилим ва электрон сигареталар чекишни чеклаш тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

**3-модда. Чилим**

Чилим тамаки чекиш ёки таркибида тамаки бўлмаган чекиладиган қоришмани (тутатқи қиёмни, тутатқи тошни) истеъмол қилиш учун фойдаланиладиган асбоб бўлиб, унда аэрозоль (буғ) ёки тутун суюқлик солинган идиш (чилим сувдони) орқали ўтади.

Чекиладиган қоришма никотинсиз қоришмадан, чекиладиган мевали аралашмадан, шунингдек уларнинг озик-овқат толалари асосида тамаки барглари хамда бошқа таркибий қисмларни қўшмасдан ва қўлламасдан яратилган, таркибига келиб чиқиши табиий ёки сунъий бўлган озик-овқат маҳсулотлари кирадиган ўхшаш турларидан иборатдир.

Тутатқи қиём глицерин, турли ўсимликларнинг экстрактлари, эриткичлар ва хушбўй моддалар асосидаги тамакисиз маҳсулотдир.

---

\* Ушбу Қонун «Халқ сўзи» газетасида 2018 йил 3 июлда эълон қилинган.



Тутатқи тош келиб чиқиши минерал асосга эга бўлган, хушбўй қиём шимдирилган, никотинсиз говаксимон маҳсулотдир.

#### **4-модда. Электрон сигарета**

Электрон сигарета никотинни ёки никотинсиз маҳсулотни етказиш воситаси сифатида фойдаланиладиган, нафас олиб ютиш учун мўлжалланган аэрозоль (буғ) ҳосил қиладиган электрон мосламадир.

Одамнинг нафас олиш тизимига никотинни ёки никотинсиз маҳсулотни етказиб берувчи электрон тизимларнинг истеъмол хусусиятлари ва истеъмол қилиш усуллари электрон сигаретага ўхшаш бўлган бошқа турлари ҳам электрон сигаретага тенглаштирилади.

#### **5-модда. Жамоат жойларида чилим ва электрон сигареталар чекишни чеклашга доир чора-тадбирлар**

Жамоат жойларида чилим ва электрон сигареталар чекишни чеклашга доир чора-тадбирлар қуйидагилардан иборат:

жамоат жойларида чилим ва электрон сигареталар чекишга йўл қўймаслик;

чилим ва электрон сигареталар чекишни реклама ҳамда тарғиб қилишга йўл қўймаслик;

жамоат жойларида чилим ва электрон сигареталар чекишни чеклашга доир чора-тадбирлар амалга оширилишини таъминлаш учун масъул бўлган шахсларни ҳамда уларнинг мажбуриятларини белгилаш;

жамоат жойларида чилим ва электрон сигареталар чекишни чеклашга доир профилактика чора-тадбирларини амалга ошириш;

жамоат жойларида чилим ва электрон сигареталар чекишни чеклаш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг ижро этилиши устидан назоратни амалга ошириш.

Қонун ҳужжатларида жамоат жойларида чилим ва электрон сигареталар чекишни чеклашга доир бошқа чора-тадбирлар ҳам назарда тутилиши мумкин.

#### **6-модда. Жамоат жойларида чилим ва электрон сигареталар чекишга йўл қўймаслик**

Чилим ва электрон сигареталарни:

стационар савдо объектларида, шунингдек умумий овқатланиш корхоналарида, бундан чилим ва электрон сигареталар чекиш учун махсус ажратилган хоналар мустасно;

кинотеатрларда, театрларда, циркларда, концерт, кўрик ва кўргазма залларида ҳамда оммавий дам олиш учун мўлжалланган бошқа ёпиқ иншоотларда;

клубларда, дискотекаларда, компьютер залларида, Интернет жаҳон ахборот тармоғидан фойдаланиш бўйича хизматлар кўрсатиш учун жиҳозланган хоналарда ёхуд бошқа кўнгилочар (бўш вақт ўтказиладиган) жойларда; музейларда, ахборот-кутубхона муассасаларида ва маърузахоналарда;

махаллий ва узоққа қатнайдиغان поездларда, шаҳар атрофига қатнайдиغان поездларнинг вагонларида (шу жумладан тамбурларида), дарё кемаларида, шаҳарда, шаҳар атрофига, шаҳарлараро ва халқаро қатнайдиغان автобусларда, таксиларда, йўналишли таксиларда ҳамда шаҳар электр транспортида, шунингдек ҳаво кемаларида;

ер ости ўтиш жойларида, транспорт бекатларида ва автотранспорт воситаларини вақтинчалик сақлаш жойларида;

аэропортларнинг, темир йўл, автомобиль вокзалларининг ва сув транспорти бекатларининг биноларида;

давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг, хўжалик бошқаруви органларининг, шунингдек корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг биноларида;

соғлиқни сақлаш тизими муассасалари ва ташкилотларида, таълим муассасаларида, жисмоний тарбия-соғломлаштириш ва спорт иншоотларида;

иш жойлари бўлган хоналарда;

кўп квартиралар уйларнинг йўлакларида, шунингдек уйлар олди ҳудудида жойлашган болалар ва спорт майдончаларида;

ҳиёбонларда, боғларда, кўчаларда ва бошқа жамоат жойларида чекишга йўл қўйилмайди.

Жамоат жойларида жойлашган хоналарни чилим ва электрон сигареталарни чекиш учун бериш, худди шунингдек жамоат жойларида чилимни ва электрон сигареталарни фойдаланишга бериш тақиқланади, бундан ушбу модда биринчи қисмининг иккинчи хатбошисида назарда тутилган ҳоллар мустасно.

Ушбу модда биринчи қисмининг иккинчи хатбошисида кўрсатилган махсус ажратилган хоналарнинг жиҳозларига, чилим ва электрон сигареталарни фойдаланишга бериш тартибига, чилимларни санитария жиҳатдан тозалашга ва чекиладиган қоришмаларни (тутатқи қиёмни, тутатқи тошни) сақлашга доир талаблар, шунингдек тамакига ва чекиладиган қоришмаларга (тутатқи қиёмга, тутатқи тошга) доир гигиеник талаблар қонун ҳужжатларида белгиланади.

### **7-модда. Чилим ва электрон сигареталар чекишни реклама ҳамда тарғиб қилишга йўл қўймаслик**

Чилим ва электрон сигареталар чекишни реклама қилиш, яъни чилим ва электрон сигареталар чекиш усуллари ва йўллари, шунингдек уларни олиш жойлари тўғрисидаги маълумотларни тарқатишга қаратилган фаолиятга йўл қўйилмайди.

Чилим ва электрон сигареталар чекишни тарғиб қилиш, яъни чилим ва электрон сигареталарни чекишни рағбатлантирувчи, шахсда уларни истеъмол қилишнинг зарарсизлиги ҳақидаги тасаввурни шакллантирувчи ғоялар, қарашлар ва бадий образларни очик ёки яширин шаклда тарқатишга қаратилган ҳаракатлар тақиқланади.

**8-модда. Жамоат жойларида чилим ва электрон сигареталар чекишни чеклашга доир чора-тадбирлар амалга оширилишини таъминлаш учун масъул бўлган шахслар ва уларнинг мажбуриятлари**

Корхоналар, муассасалар, ташкилотларнинг мансабдор шахслари (маъмурияти), шу жумладан ўз тасарруфида (мулкида, эгалигида, фойдаланишида) ҳудудлар, бинолар (хоналар), иншоотлар ва жамоат жойларида жойлашган бошқа объектлар, шунингдек ушбу Қонун 6-моддаси биринчи қисмининг олтинчи хатбошисида кўрсатилган транспорт воситалари бўлган шахслар жамоат жойларида чилим ва электрон сигареталар чекишни чеклашга доир чора-тадбирлар амалга оширилишини таъминлаш учун масъул бўлган шахслардир.

Жамоат жойларида чилим ва электрон сигареталар чекишни чеклашга доир чора-тадбирларнинг амалга оширилишини таъминлаш учун масъул бўлган шахслар:

жамоат жойларида чилим ва электрон сигареталар чекишни чеклаш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларини бажариши;

чилим ва электрон сигареталар чекаётган шахсларни жамоат жойларида чилим ва электрон сигареталар чекишга йўл қўйилмаслиги тўғрисида огоҳлантириши, ҳуқуқбузарлик давом эттирилган тақдирда эса ички ишлар органларига хабар бериши;

ҳаммага кўринарли жойга, шу жумладан биноларга (хоналарга) кириш жойларига, транспорт воситаларига ва бошқа объектларга жамоат жойларида чилим ва электрон сигареталар чекишга йўл қўйилмаслиги ҳақида огоҳлантирувчи лавҳаларни жойлаштириши шарт.

Жамоат жойларида чилим ва электрон сигареталар чекишни чеклашга доир чора-тадбирлар амалга оширилишини таъминлаш учун масъул бўлган шахсларнинг зиммасида қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

**9-модда. Жамоат жойларида чилим ва электрон сигареталар чекишни чеклашга доир профилактика чора-тадбирларини амалга ошириш**

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, корхоналар, таълим муассасалари ҳамда бошқа муассасалар чилим ва электрон сигареталар чекишнинг салбий таъсири профилактикаси, жамоатчилик онгида чилим ва электрон сигареталар чекишга нисбатан салбий муносабатни шакллантириш бўйича комплекс ижтимоий, ташкилий-ҳуқуқий ва бошқа чораларни ўз ваколатлари доирасида амалга оширади.

**10-модда. Жамоат жойларида чилим ва электрон сигареталар чекишни чеклаш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг ижро этилиши устидан назорат**

Жамоат жойларида чилим ва электрон сигареталар чекишни чеклаш

тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг ижро этилиши устидан назоратни ички ишлар органлари ўз ваколатлари доирасида амалга оширади.

**11-модда. Низоларни ҳал этиш**

Жамоат жойларида чилим ва электрон сигареталар чекишни чеклаш соҳасидаги низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

**12-модда. Жамоат жойларида чилим ва электрон сигареталар чекишни чеклаш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик**

Жамоат жойларида чилим ва электрон сигареталар чекишни чеклаш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

**13-модда. Ушбу Қонуннинг ижросини, етказилишини, моҳияти ва аҳамияти тушунтирилишини таъминлаш**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

**14-модда. Қонун ҳужжатларини ушбу Қонунга мувофиқлаштириш**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:  
ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштиради;  
давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

**15-модда. Ушбу Қонуннинг кучга кириши**

Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан уч ой ўтгач кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2018 йил 2 июль,  
ЎРҚ-478-сон

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ

**535** Ўзбекистон Республикаси билан Тожикистон Республикаси ўртасида ўзбек-тожик Давлат чегарасининг алоҳида участкалари тўғрисидаги Шартномани (Душанбе, 2018 йил 9 март) ратификация қилиш ҳақида\*

Қонунчилик палатаси томонидан  
2018 йил 31 майда қабул қилинган

Сенат томонидан 2018 йил 28 июнда  
маъқулланган

Ўзбекистон Республикаси билан Тожикистон Республикаси ўртасида ўзбек-тожик Давлат чегарасининг алоҳида участкалари тўғрисидаги Шартнома (Душанбе, 2018 йил 9 март) ратификация қилинсин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2018 йил 3 июль,  
ЎРҚ-481-сон

---

\* Ушбу Қонун «Халқ сўзи» газетасида 2018 йил 4 июлда эълон қилинган.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

**536 Медиация тўғрисида\***

Қонунчилик палатаси томонидан  
2018 йил 12 июнда қабул қилинган

Сенат томонидан 2018 йил 28 июнда  
маъқулланган

**1-боб. Умумий қоидалар****1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади**

Ушбу Қонуннинг мақсади медиация соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

**2-модда. Медиация тўғрисидаги қонун ҳужжатлари**

Медиация тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг медиация тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

**3-модда. Ушбу Қонуннинг амал қилиш соҳаси**

Ушбу Қонуннинг амал қилиши фуқаролик ҳуқуқий муносабатлардан, шу жумладан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш муносабати билан келиб чиқадиган низоларга, шунингдек яққа меҳнат низоларига ва оилавий ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низоларга медиацияни қўллаш билан боғлиқ муносабатларга нисбатан, агар қонунда бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, татбиқ этилади.

Ушбу Қонуннинг амал қилиши медиацияда иштирок этмаётган учинчи шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига, жамоат манфаатларига дахл қиладиган ёки дахл қилиши мумкин бўлган низоларга нисбатан татбиқ этилмайди.

**4-модда. Асосий тушунчалар**

Ушбу Қонунда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

**медиация** — келиб чиққан низони тарафлар ўзаро мақбул қарорга эришиши учун уларнинг ихтиёрий розилиги асосида медиатор кўмагида хал қилиш усули;

---

\* Ушбу Қонун «Халқ сўзи» газетасида 2018 йил 4 июлда эълон қилинган.

**медиатор** — медиацияни амалга ошириш учун тарафлар томонидан жалб этиладиган шахс;

**медиатив келишув** — медиацияни қўллаш натижасида медиация тарафлари томонидан эришилган келишув;

**медиация тартиб-таомилини амалга ошириш тўғрисидаги келишув** — тарафларнинг тузилган пайтдан эътиборан медиация тартиб-таомили амалга ошириладиган келишуви;

**медиацияни қўллаш тўғрисидаги келишув** — низо келиб чиққунига қадар ёки у келиб чиққанидан сўнг тарафларнинг низони медиация тартиб-таомилини амалга оширган ҳолда ҳал этиш зарурлиги тўғрисида тузилган келишуви.

### **5-модда. Медиациянинг асосий принциплари**

Медиация махфийлик, ихтиёрийлик, тарафларнинг ҳамкорлиги ва тенг ҳуқуқлилиги, медиаторнинг мустақиллиги ва холислиги принциплари асосида амалга оширилади.

### **6-модда. Махфийлик принципи**

Медиация иштирокчилари медиация жараёнида ўзларига маълум бўлиб қолган маълумотларни уларни тақдим этган медиация тарафининг, унинг ҳуқуқий ворисининг ёки вакилининг ёзма розилигисиз ошкор қилишга ҳақли эмас.

Медиация иштирокчилари ўзларига медиация жараёнида маълум бўлиб қолган ҳолатлар ҳақида гувоҳ сифатида сўроқ қилиниши мумкин эмас, шунингдек улардан медиацияга тааллуқли ахборотни талаб қилиб олиш мумкин эмас, бундан қонунда назарда тутилган ҳоллар мустасно.

### **7-модда. Ихтиёрийлик принципи**

Медиация тарафларнинг медиацияни қўллаш тўғрисидаги келишувда ифодаланган ўзаро ихтиёрий хоҳиш-истаги бўлган тақдирда қўлланилади.

Медиация тарафлари медиацияни қўллашдан унинг исталган босқичида воз кечишга ҳақли.

Тарафлар ўзаро мақбул келишувни муҳокама қилиш учун масалаларни танлашда эркиндир.

Медиация тартиб-таомилини амалга ошириш вақтида ярашишга мажбурлаш тақиқланади.

### **8-модда. Тарафларнинг ҳамкорлиги ва тенг ҳуқуқлилиги принципи**

Медиация тартиб-таомили медиатив келишув шартларига бир томонлама таъсир кўрсатишни истисно этган ҳолда амалга оширилиши керак.

Медиация тартиб-таомили низо хусусида тарафларнинг ҳамкорлиги асосида ўзаро мақбул қарорга эришиш мақсадида амалга оширилади.

Медиация тарафлари медиаторни, медиация тартиб-таомилини амалга ошириш тартибини, медиация тартиб-таомилидаги ўз нуқтаи назарини, бу

нуктаи назарни ҳимоя қилиш усуллари ва воситаларини танлашда, ахборот олишда, медиатив келишув шартларининг ўзаро мақбулликни баҳолашда тенг ҳуқуқлардан фойдаланади ҳамда уларнинг зиммасида тенг мажбуриятлар бўлади.

### **9-модда. Медиаторнинг мустақиллиги ва холислиги принципи**

Медиация тартиб-таомилини амалга оширишда медиатор мустақилдир. Медиация тартиб-таомилини амалга оширишда медиаторнинг фаолиятига бирор-бир тарзда аралашшига йўл қўйилмайди.

Медиатор холис бўлиши, медиация тартиб-таомилини тарафларнинг манфаатларини кўзлаб амалга ошириши ва медиацияда уларнинг тенг иштирокини таъминлаши, тарафларга ўз мажбуриятларини бажариши ҳамда ўзларига берилган ҳуқуқларни амалга ошириши учун зарур шарт-шароитлар яратиши керак. Медиаторнинг мустақиллиги ва холислигига тўсқинлик қиладиган ҳолатлар мавжуд бўлган тақдирда, у медиация тартиб-таомилини амалга оширишдан воз кечиши керак.

### **2-боб. Медиация иштирокчилари ҳамда уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

#### **10-модда. Медиация иштирокчилари**

Тарафлар ва медиатор медиация иштирокчиларидир. Жисмоний шахслар ҳам, юридик шахслар ҳам медиация тарафлари бўлиши мумкин.

Медиация икки ва ундан ортиқ тарафлар ўртасида бўлиши, шунингдек бир ёки бир нечта медиатор томонидан амалга оширилиши мумкин.

Тарафлар медиацияда шахсан ёки ўз вакили орқали қонун ҳужжатларига мувофиқ иштирок этади.

#### **11-модда. Медиация тарафларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

Медиация тарафлари:

медиаторни ихтиёрий равишда танлашга;

медиатордан воз кечишга;

медиациянинг исталган босқичида унда иштирок этишдан воз кечишга;

медиация тартиб-таомилини амалга оширишда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда шахсан ёки ўз вакиллари орқали иштирок этишга ҳақли.

Медиация тарафлари ўз ўрталарида тузилган медиатив келишувни ушбу келишувда назарда тутилган тартибда ва муддатларда бажариши шарт.

Медиация тарафлари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши ва уларнинг зиммасида ўзга мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

#### **12-модда. Медиаторга доир талаблар**

Медиаторнинг фаолияти профессионал ёки непрофессионал асосда амалга оширилиши мумкин.

Профессионал асосдаги медиатор фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан тасдиқланадиган медиаторларни тайёрлаш



дастури бўйича махсус ўқув курсидан ўтган, шунингдек Профessional медиаторлар реестрига киритилган шахс амалга ошириши мумкин.

Ноprofessional асосдаги медиатор фаолиятини йигирма беш ёшга тўлган ва медиатор вазифаларини бажаришга розилик берган шахс амалга ошириши мумкин.

Ноprofessional асосдаги медиатор фаолиятини амалга оширувчи шахс ҳам Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан тасдиқланадиган медиаторларни тайёрлаш дастури бўйича махсус ўқув курсидан ўтиши мумкин.

Қуйидагилар медиатор бўлиши мумкин эмас:

давлат вазифаларини бажариш учун ваколат берилган ёки унга тенглаштирилган шахс;

муомала лаёқати чекланган ёки муомалага лаёқатсиз деб топилганлиги тўғрисида суднинг қонуний кучга кирган ҳал қилув қарори мавжуд бўлган шахс;

судланганлик ҳолати тугалланмаган ёки судланганлиги олиб ташланмаган шахс;

ўзига нисбатан жиноий таъқиб амалга оширилаётган шахс.

Медиаторнинг фаолияти тадбиркорлик фаолияти ҳисобланмайди.

### **13-модда. Медиаторнинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарлиги**

Медиатор:

медиация тартиб-таомилини амалга ошириш чоғида бир вақтнинг ўзида ҳам тарафларнинг барчаси билан, ҳам тарафларнинг ҳар бири билан алоҳида-алоҳида учрашувлар ўтказишга, уларга низони ҳал этишга доир оғзаки ва ёзма тавсиялар беришга;

медиация тартиб-таомилини амалга ошириши муносабати билан сарфлаган харажатларининг ўрни қопланишини талаб қилишга ҳақли.

Медиатор:

медиация бошлангунига қадар медиация тарафларига медиациянинг мақсадини, шунингдек уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтириши;

медиация тартиб-таомилини амалга ошириш чоғида фақат медиация тарафларининг розилиги билан ҳаракат қилиши;

низо юзасидан ўзаро мақбул келишувга эришишга тарафларни ишонтиришнинг қонуний воситалари ва усулларидадан фойдаланиши;

ўзининг мустақиллиги ва холислигига таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ҳолатлар мавжуд бўлса ёки юзага келса, бу ҳақда тарафларга маълум қилиши шарт.

Медиатор қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга эга бўлиши ва унинг зиммасида бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

Медиатор тарафлар олдида медиация тартиб-таомилини амалга ошириш натижасида етказилган зарар учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

**14-модда. Профессional медиаторлар реестри**

Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари томонидан Professional медиаторлар реестри юритилади, ушбу реестр уларнинг расмий веб-сайтларида, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг расмий веб-сайтида жойлаштирилади.

Шахснинг медиаторларни тайёрлаш дастури бўйича махсус ўқув курсидан ўтиши уни Professional медиаторлар реестрига киритиш учун асос бўлади.

Professional медиаторлар реестрида қуйидагилар бўлиши керак:  
медиаторнинг фамилияси ва исми;  
медиаторнинг жойлашган ери ва алоқа боғлашга доир маълумотлари;  
медиатор ихтисослашган медиация соҳаси;  
медиатор медиация тартиб-таомилини амалга оширишга қодир бўлган тил ҳақидаги маълумотлар.

**3-боб. Медиацияни қўллаш ва медиация тартиб-таомилини амалга ошириш****15-модда. Медиацияни қўллаш шартлари**

Медиация тарафларнинг хоҳиш-истаги асосида қўлланилади.

Медиация суддан ташқари тартибда, низони суд тартибида кўриш жараёнида, суд ҳужжатини қабул қилиш учун суд алоҳида хонага (маслаҳат-хонага) киргунига қадар қўлланилиши мумкин.

Медиация низони ҳакамлик судида кўриш жараёнида ҳам ҳакамлик судининг қарори қабул қилингунига қадар қўлланилиши мумкин.

Медиацияда иштирок этганлик факти айбни тан олиш далили бўлиб хизмат қилиши мумкин эмас.

**16-модда. Медиацияни қўллаш тўғрисидаги келишув**

Медиацияни қўллаш тўғрисидаги келишув шартномадаги унинг таркибий қисми бўлган шарт тарзида ёки алоҳида келишув тарзида ёзма шаклда тузилади.

Медиацияни қўллаш тўғрисидаги келишувда тарафлар ўртасида келиб чиққан ёки келиб чиқиши мумкин бўлган барча ёки муайян низолар медиация тартиб-таомилини амалга ошириш йўли билан ҳал этилиши кераклиги ҳақидаги қоида бўлиши лозим.

Медиацияни қўллаш тўғрисидаги келишувда низо предмети ҳақидаги, медиация тартиб-таомилини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги, медиация тартиб-таомилини амалга ошириш билан боғлиқ харажатларда тарафларнинг иштирок этиш шартлари ҳақидаги, медиация тартиб-таомилини амалга ошириш муддатлари тўғрисидаги маълумотлар бўлиши мумкин.

**17-модда. Давлат органининг иш бўйича медиация тартиб-таомилини амалга ошириш чоғидаги ҳаракатлари**

Қонунда назарда тутилган ҳолларда, ваколатли давлат органи ишнинг

муҳокамасини қолдириб, медиация тартиб-таомилини амалга ошириш учун муддат тайинлаши мумкин.

Медиация тартиб-таомилини амалга ошириш чоғида давлат органининг бевосита аралашуви тақиқланади.

Судда иш қўзғатилганидан кейин медиация тартиб-таомилини амалга оширишнинг ўзига хос хусусиятлари процессуал қонун ҳужжатларида белгиланади.

Суд муҳокамаси жараёнида, низони ваколатли давлат органида кўриш жараёнида медиация тартиб-таомилини амалга ошириш чоғида тарафлар томонидан эришилган медиатив келишув тегишли иш қайси суд ёки ваколатли давлат органининг иш юритувида турган бўлса, дарҳол ўша судга ёки ваколатли давлат органига юборилади.

Низо медиатив келишув билан медиация тартибида ҳал қилинган тақдирда, тўланган давлат божи қайтарилиши лозим.

### **18-модда. Давлат органи иштирокидаги низода медиацияни қўллаш**

Давлат органи иштирокида низо келиб чиққан тақдирда, давлат органи медиацияни қўллаш бўйича чоралар кўриши керак.

### **19-модда. Медиация тартиб-таомилининг бошланиши**

Медиация тартиб-таомили медиация тартиб-таомилини амалга ошириш тўғрисида тарафлар томонидан келишув тузилган кундан эътиборан бошланади.

### **20-модда. Медиация тартиб-таомилини амалга ошириш тўғрисидаги келишув**

Медиация тартиб-таомилини амалга ошириш тўғрисидаги келишув ёзма шаклда тузилади.

Медиация тартиб-таомилини амалга ошириш тўғрисидаги келишувда:  
тарафлар ҳақидаги;

низо предмети тўғрисидаги;

медиация тартиб-таомилини амалга ошириш тартиби, медиатор, тарафлар томонидан келишилган мажбуриятлар, уларни бажариш шартлари ва муддатлари ҳақидаги;

медиация тартиб-таомили амалга ошириладиган тил, жой ва сана тўғрисидаги;

медиация тартиб-таомили амалга ошириладиган муддат ҳақидаги маълумотлар бўлиши керак.

### **21-модда. Даъво муддатининг ўтишини тўхтатиб туриш**

Медиация тартиб-таомили амалга оширилаётганда даъво муддатининг ўтиши тўхтатиб турилади.

**22-модда. Медиация тартиб-таомилини амалга ошириш тартиби**

Медиация тартиб-таомилини амалга ошириш учун тарафлар ўзаро келишувга кўра бир ёки бир неча медиаторни танлайди.

Медиация тартиб-таомилини амалга ошириш тартиби, қоида тариқасида, медиация тартиб-таомилини амалга ошириш тўғрисидаги келишувда белгиланади.

Медиация тартиб-таомилини амалга оширилаётганда медиатор ўзининг ҳаракатлари билан бирор-бир тарафни устун ҳолатга қўйишга, худди шунингдек тарафлардан бирининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини чеклашга ҳақли эмас.

**23-модда. Медиация тартиб-таомилини амалга ошириш муддати**

Медиация тартиб-таомилини амалга ошириш муддати медиация тартиб-таомилини амалга ошириш тўғрисидаги келишувда белгиланади. Бунда медиатор ва тарафлар медиация тартиб-таомилини ўттиз кундан ортиқ бўлмаган муддатда тугалланиши учун барча мумкин бўлган чораларни кўриши керак. Зарур бўлган тақдирда, медиация тартиб-таомилини амалга ошириш муддати тарафларнинг ўзаро розилиги билан ўттиз кунгача узайтирилиши мумкин.

**24-модда. Медиациянинг тугатилиши**

Медиация қўйидаги ҳолатлар муносабати билан тугатилади:  
тарафлар томонидан медиатив келишув тузилганлиги;  
низо хусусида ўзаро мақбул бўлган қарорга эришиш имконияти йўқлиги;  
мавжуд ихтилофлар бўйича келишувга эришмай туриб медиацияни тугатиш тўғрисида тарафларнинг келишуви тузилганлиги (медиация тартиб-таомилини амалга ошириш тўғрисида ёзма келишув мавжуд бўлган тақдирда);  
бирор-бир тарафнинг медиацияни давом эттиришдан воз кечишни маълум қилганлиги;  
медиация тартиб-таомилини амалга ошириш муддатлари ўтганлиги.

**25-модда. Медиацияни қўллаш чоғидаги чекловлар**

Медиацияни қўллаш чоғида медиатор:  
айни бир низо бўйича бирор-бир тарафнинг вакили бўлишга, бундан қонун ҳужжатларида назарда тутилган ва унинг иштирок этишига ҳар иккала тарафнинг ўзаро розилиги бўлган ҳоллар мустасно;  
бирор-бир тарафга юридик, маслаҳат ёрдами ёки бошқа ёрдам кўрсатишга;  
агар у медиацияни амалга ошириш натижасидан шахсан (бевосита ёки билвосита) манфаатдор бўлса, шу жумладан тарафлардан бири бўлган шахс билан қариндошлик муносабатларида бўлса, медиатор фаолиятини амалга оширишга, бундан унинг иштирок этишига ҳар иккала тарафнинг ўзаро розилиги бўлган ҳоллар мустасно;  
тарафларнинг розилигисиз низонинг моҳияти бўйича ошқора баёнотлар беришга ҳақли эмас.

**26-модда. Медиацияга тааллуқли ахборотнинг махфийлиги**

Тарафлар, медиатор, шунингдек медиация тартиб-таомилини амалга оширишда ҳозир бўлган бошқа шахслар муҳокаманинг медиация предмети бўлган низо билан боғлиқ бўлган-бўлмаганлигидан қатъи назар, агар тарафлар бошқача қоида ҳақида келишиб олмаган бўлса, муҳокама жараёнида:

тарафлардан бирининг медиацияни қўллаш тўғрисидаги таклифи ҳақидаги, худди шунингдек тарафлардан бири уни амалга оширишда иштирок этишга тайёр эканлиги тўғрисидаги;

низони ҳал этиш эҳтимоли хусусида тарафлардан бири билдирган фикрлар ёки таклифлар ҳақидаги;

медиация тартиб-таомилини амалга ошириш жараёнида тарафлардан бири томонидан билдирилган эътирофлар тўғрисидаги;

тарафлардан бири медиаторнинг ёки иккинчи тарафнинг низони ҳал этиш ҳақидаги таклифини қабул қилишга тайёрлиги тўғрисидаги ахборотни ҳавола қилишга ҳақли эмас.

**27-модда. Медиацияга тааллуқли ахборотни медиатор томонидан ошкор қилиш шарти**

Агар медиатор тарафларнинг биридан медиацияга тааллуқли ахборотни олган бўлса, у бу ахборотни фақат уни тақдим этган тарафнинг розилиги билан бошқа тарафга ошкор қилиши мумкин.

**28-модда. Медиаторнинг фаолиятига ҳақ тўлаш**

Профессионал асосдаги медиаторнинг фаолияти ҳақ эвазига ёки текин амалга оширилиши мумкин.

Нопрофессионал асосдаги медиаторнинг фаолияти текин амалга оширилади.

Нопрофессионал медиаторга унинг медиация тартиб-таомилини амалга ошириш билан боғлиқ ҳолда қилган харажатларининг, шу жумладан низо ни кўриб чиқиш жойига бориб келиш учун йўл ҳақи, яшаш ва овқатланиш харажатларининг ўрни қопланиши мумкин.

Ҳақ тўлаш ва харажатларнинг ўрнини қоплаш тарафлар томонидан, агар улар бошқача қоида ҳақида келишиб олмаган бўлса, тенг улушларда амалга оширилади.

Медиатор медиация тартиб-таомилини амалга оширишни рад этган тақдирда, у медиация тарафлари томонидан ўзига тўланган пул маблағларини қайтариб бериши шарт.

**29-модда. Медиатив келишув**

Медиация тартиб-таомилини амалга ошириш натижалари бўйича тарафлар келиб чиққан низо хусусида ўзаро мақбул қарорга эришган тақдирда, тарафлар ўртасида ёзма шаклда медиатив келишув тузилади.

Давлат органи ёки бошқа орган томонидан қайси шахснинг манфаатларини кўзлаб даъво тақдим этилган бўлса, ўша шахс мазкур давлат органининг ёки бошқа органнинг иштирокисиз медиатив келишув тузишга ҳақли.

Медиатив келишув уни тузган тарафлар учун мажбурий кучга эга бўлиб, ушбу келишув унда назарда тутилган тартибда ҳамда муддатларда тарафлар томонидан ихтиёрий равишда бажарилади.

Медиатив келишув бажарилмаган тақдирда тарафлар ўз ҳуқуқлари ҳимоя қилинишини сўраб судга мурожаат этишга ҳақли.

Медиатив келишув бажарилмаслигининг оқибатлари тарафлар томонидан ушбу келишувнинг ўзида белгилаб қўйилиши мумкин.

#### **4-боб. Яқунловчи қоидалар**

##### **30-модда. Низоларни ҳал этиш**

Медиация соҳасида келиб чиқадиган низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

##### **31-модда. Медиация тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик**

Медиация тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

##### **32-модда. Ушбу Қонуннинг ижросини, етказилишини, моҳияти ва аҳамияти тушунтирилишини таъминлаш**

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

##### **33-модда. Қонун ҳужжатларини ушбу Қонунга мувофиқлаштириш**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси: ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштиради; давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

##### **34-модда. Ушбу Қонуннинг кучга кириши**

Ушбу Қонун 2019 йил 1 январдан эътиборан кучга кирилади.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2018 йил 3 июль,  
ЎРҚ-482-сон

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ

**537** «Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида\*

Қонунчилик палатаси томонидан  
2018 йил 12 июнда қабул қилинган

Сенат томонидан 2018 йил 28 июнда  
маъқулланган

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 3 декабрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси тўғрисида»ги 712–II-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 1, 16-модда) ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиб, унинг янги тахрири тасдиқлансин (илова қилинади).

**2-модда.** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси: ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин; давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин;

ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

**3-модда.** Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан уч ой ўтгач кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2018 йил 9 июль,  
ЎРҚ–483-сон

---

\* Ушбу Қонун «Халқ сўзи» газетасида 2018 йил 10 июлда эълон қилинган.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ

**Ўзбекистон Республикаси  
Савдо-саноат палатаси тўғрисида**  
(янги таҳрири)**1-боб. Умумий қоидалар****1-модда. Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси**

Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси тадбиркорлик фаолияти субъектларини бирлаштирувчи нодавлат нотижорат ташкилотидир.

«Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси» номидан фақат ушбу Қонуннинг қоидаларига мувофиқ фойдаланилиши мумкин. Бошқа ташкилотлар ўз номларида «савдо-саноат палатаси», «савдо палатаси», «саноат палатаси» деган сўз бирикмаларидан ҳамда улар асосида тузилган сўз бирикмаларидан фойдаланишга ҳақли эмас.

**2-модда. Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси тўғрисидаги қонун ҳужжатлари**

Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси тўғрисидаги Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

**3-модда. Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатасини ташкил этиш мақсади**

Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси (бундан буён матнда Палата деб юритилади) тадбиркорлик ташаббусини амалга ошириш учун қулай ҳуқуқий, иқтисодий ва ижтимоий шарт-шароитларни таъминлаш, бизнес ҳамжамияти ҳамда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, бошқа органлар ва ташкилотлар ўртасида ўзаро манфаатли шерикликни ривожлантириш, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш, ишбилармонлик ва инвестиция муҳитини яхшилашга ҳар томонлама кўмаклашиш, тадбиркорлик субъектларининг ташқи иқтисодий фаолиятини барча чоралар билан қўллаб-қувватлаш мақсадида ташкил этилади.

**4-модда. Палата фаолиятининг асосий принциплари**

Палата фаолиятининг асосий принциплари қонунийлик, Палата аъзоларининг тенг ҳуқуқлилиги, мустақиллик, очиқлик, ошкоралик ҳамда тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари устуворлигидан иборатдир.



**5-модда. Палатанинг вазифалари**

Палатанинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш, айниқса, ўз фаолиятини йўлга қўйиши даврида қўллаб-қувватлаш тизимини шакллантириш, уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш, хусусий мулк ва тадбиркорликнинг ривожланишига, уларнинг устуворлик ролини, шунингдек дахлсизлигини таъминлашга, мамлакат аҳолисини тадбиркорлик фаолиятига жалб этишга барча чоралар билан кўмаклашиш;

тадбиркорлик фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатлари нормаларини такомиллаштиришга оид таклифларни ишлаб чиқиш, тадбиркорлик субъектларининг ишбилармонлик ва инвестиция муҳитини яхшилаш, ушбу соҳадаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг жамоатчилик экспертизасини ташкил этиш ва уларнинг амалга оширилиши устидан жамоатчилик назоратини кучайтиришга доир чора-тадбирларни ишлаб чиқиш жараёнларига жалб этиш;

тадбиркорлик субъектларига бизнесни ташкил этиш, юритиш ҳамда ривожлантиришда ёрдам кўрсатиш, давлат органлари ва бошқа органларнинг, шунингдек бозор инфратузилмаси субъектларининг барча турдаги хизматларидан фойдаланиш учун шарт-шароитлар яратиш ва имконият бериш, маслаҳат ёрдами кўрсатиш ҳамда ахборот билан таъминлаш;

давлат ҳокимиятининг барча тармоқлари — қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти, шунингдек банк-молия ташкилотлари ва бозор инфратузилмасининг бошқа субъектлари билан ҳамкорликни амалга ошириш;

тадбиркорлик тузилмалари учун кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизими сифатини ошириш, иқтисодиёт тармоқларининг эҳтиёжларини инобатга олган ҳолда йўналишлар ва ихтисосликлар бўйича ўқув дастурларини ва таълимни такомиллаштириш;

Ўзбекистон Республикасининг тадбиркорлик субъектларини халқаро ишбилармонлик ҳамжамиятига интеграциялаш, улар маҳсулотларининг ташқи бозорларга чиқарилишини таъминлашда кўмаклашиш, миллий брендларни хорижда илгари суриш, инвестицияларни, шу жумладан чет эл инвестицияларини, шунингдек замонавий технологияларни жалб этиш.

Палата қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа вазифаларни ҳам бажариши мумкин.

**6-модда. Палата фаолиятининг кафолатлари**

Палата ўз фаолиятида давлат ҳокимияти органларидан мустақилдир.

Давлат Палатанинг ахборотни излаш, олиш, тадқиқ этиш, тарқатиш, ундан фойдаланиш ва уни сақлашга бўлган ҳуқуқини қонун ҳужжатларига мувофиқ таъминлайди.

Қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти органлари, шунингдек банк-молия ташкилотлари ҳамда бозор инфратузилмасининг бошқа субъектлари Палатага тадбиркорлик субъектларининг давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан ҳамкорлигини ташкил этишда кўмаклашади.

Давлат органларининг ва улар мансабдор шахсларининг Палата фаолия-

тига аралашшига, худди шунингдек Палатанинг давлат органлари ҳамда улар мансабдор шахслари фаолиятига аралашшига йўл қўйилмайди.

## **2-боб. Палатанинг функциялари**

### **7-модда. Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида Палатанинг функциялари**

Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида Палата қуйидаги функцияларни амалга оширади:

тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилиши ҳолатининг таҳлилини ўтказди;

тадбиркорлик фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатлари нормаларининг ижро этилиши устидан жамоатчилик назорати амалга оширилишини таъминлайди;

давлат ва хўжалик бошқаруви органларига, маҳаллий давлат ҳокимияти органларига нисбатан даъво аризалари берган тадбиркорлик субъектларининг манфаатларини ифода этади;

Палата аъзолари бўлган тадбиркорлик субъектлари фаолиятининг мониторингини амалга оширади ҳамда ушбу фаолиятни текширишларда иштирок этади.

Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида Палата қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа функцияларни ҳам амалга ошириши мумкин.

### **8-модда. Ишбилармонлик ва инвестиция муҳитини яхшилаш соҳасида Палатанинг функциялари**

Ишбилармонлик ва инвестиция муҳитини яхшилаш соҳасида Палата қуйидаги функцияларни амалга оширади:

тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш, қулай ишбилармонлик ва инвестиция муҳитини шакллантириш бўйича давлат дастурларини, шунингдек ҳудудларни комплекс ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқишда иштирок этади;

тадбиркорлик субъектларини ишбилармонлик ва инвестиция муҳитини янада яхшилаш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш, тадбиркорлик тузилмалари билан норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг жамоатчилик экспертизасини ташкил қилиш, шу жумладан эксперт кенгашларини тузиш орқали ташкил этиш жараёнларига жалб қилади;

тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари кафолатларини мустаҳкамлашга, уларнинг ривожланишини рағбатлантиришга қаратилган қонун ҳужжатларини такомиллаштиришга доир таклифлар тайёрлайди;

ишбилармонлик муҳитининг ҳолати, қонун ҳужжатлари нормалари ва талабларининг амалга оширилиши натижалари таҳлилини ўтказди, уларни яхшилашга доир таклифларни белгиланган тартибда киритади.

Ишбилармонлик ва инвестиция муҳитини яхшилаш соҳасида Палата қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа функцияларни ҳам амалга ошириши мумкин.

**9-модда. Тадбиркорлик фаолиятига кўмаклашиш соҳасида Палатанинг функциялари**

Тадабиркорлик фаолиятига кўмаклашиш соҳасида Палата куйидаги функцияларни амалга оширади:

фаолиятини бошлаётган тадабиркорлик субъектларини жойлаштириш учун бизнес-инкубаторлар барпо этади ҳамда ушбу бизнес-инкубаторларнинг фаолиятини ташкил этади, уларга бизнес-режаларни тайёрлашда, тадабиркорлик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ зарур ахборотни олиш ва масалаларни ҳал этишда эксперт, ҳуқуқий ва маслаҳат ёрдами кўрсатади;

инвестиция ва ишлаб чиқариш жараёнларини ташкил этиш бўйича амалий кўникмаларнинг тадабиркорлик субъектлари томонидан ўзлаштирилишида кўмаклашишни таъминлайди;

тадабиркорлик субъектлари тадабиркорлик фаолиятини амалга ошираётганда, уларнинг фаолияти текширувлардан ўтказилаётганда уларни ҳуқуқий, шу жумладан юридик жиҳатдан қўллаб-қувватлайди;

молиявий, товар-хомашё ва табиий ресурслардан, муҳандислик-коммуникация тармоқларидан, технологик машиналар ва ускуналардан, ишлаб чиқариш объектларидан фойдаланишда, шунингдек ер участкаларини олишда ёрдам кўрсатади;

Палата аъзолари ва шериклари иштирокида жамоатчилик асосида кўмиталар, ишбилармонлик ва мувофиқлаштирувчи кенгашларни ташкил этади;

инновация тадабиркорлиги жорий этилишини, «startup» лойиҳалар амалга оширилишини, ёшларнинг, аввало олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари битирувчиларининг бизнесни ташкил қилиш ҳамда юритишга доир тадабиркорлик ташаббусларини, шунингдек аҳоли бандлигининг ва даромадларининг ўсишини таъминлашга кўмаклашувчи кичик, хусусий ҳамда оилавий тадабиркорлик, касаначиликнинг ва ҳунармандчиликнинг турли шакллари ривожлантирилишини қўллаб-қувватлайди.

Тадабиркорлик фаолиятига кўмаклашиш соҳасида Палата қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа функцияларни ҳам амалга ошириши мумкин.

**10-модда. Давлат органлари, бошқа органлар ва ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиш соҳасида Палатанинг функциялари**

Давлат органлари, бошқа органлар ва ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиш соҳасида Палата куйидаги функцияларни амалга оширади:

тадабиркорлик субъектларининг давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, шунингдек маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан ҳамкорлик қилишини «тўғридан-тўғри ва қайта алоқа» принципи бўйича ташкил этишга кўмаклашади;

жисмоний шахсларни ва тадабиркорлик субъектларининг вакилларини қабул қилади ҳамда уларнинг мурожаатларини кўриб чиқади, шунингдек уларнинг ҳал этилиши мониторингини ва таҳлилинини ўтказиши;

Қорақалпоғистон Республикасида, вилоятларда, Тошкент шаҳрида, туманлар ва шаҳарларда тадабиркорликка кўмаклашиш марказлари фаолиятини таш-

кил этади, уларнинг давлат органлари, давлат хизматларини кўрсатувчи бошқа органлар ва ташкилотлар билан ҳамкорлик қилишини таъминлайди.

Давлат органлари, бошқа органлар ва ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиш соҳасида Палата қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа функцияларни ҳам амалга ошириши мумкин.

### **11-модда. Тадбиркорлик субъектларини ўқитиш ва кадрларни тайёрлаш соҳасида Палатанинг функциялари**

Тадбиркорлик субъектларини ўқитиш ва кадрларни тайёрлаш соҳасида Палата қуйидаги функцияларни амалга оширади:

Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси билан Республика тадбиркорлик фаолияти асосларини ўқитиш маркази ҳамда унинг ҳудудий филиаллари фаолияти доирасида ҳамкорлик қилинишини ташкил этади;

Республика тадбиркорлик фаолияти асосларини ўқитиш маркази фаолиятининг йўналишлари бўйича халқаро молия институтлари, чет эллик донорлар ва хорижий мамлакатлардаги тадбиркорлик субъектлари вакиллари ўқитиладиган шундай марказлари билан ҳамкорликни амалга оширади;

тадбиркорлик субъектлари учун ўқув курсларини ишлаб чиқади ҳамда ўтказди, бунда ушбу субъектларнинг бизнес юритиш, бизнес-режалар тузиш, тадбиркорлик фаолияти соҳасида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш, менежмент, молиявий бошқарув асослари ва бошқа зарур фанлар бўйича ўқитишни ташкил этади;

тадбиркорлик тузилмалари учун кадрларни танлаш ва ўқитишда, уларнинг касбий малакасини доимий равишда оширишда тадбиркорлик субъектларига ёрдам кўрсатади, аниқ ҳудудларда ва тадбиркорлик соҳаларида малакали кадрларга бўлган эҳтиёжлардан келиб чиққан ҳолда, ўрта махсус, касб-хунар ва олий таълим муассасаларида мутахассислар тайёрлаш учун давлат буюртмасини шакллантиришда иштирок этади;

ўқитишни ташкил этиш учун олий таълим муассасаларининг, касб-хунар коллежларининг ўқитувчиларини, амалиётчи-мутахассисларни, муваффақиятга эришган тадбиркорларни ва чет эллик мутахассисларни жалб этишни амалга оширади.

Тадбиркорлик субъектларини ўқитиш ва кадрларни тайёрлаш соҳасида Палата қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа функцияларни ҳам амалга ошириши мумкин.

### **12-модда. Ташқи иқтисодий фаолият ва чет эл инвестицияларини жалб этиш соҳасида Палатанинг функциялари**

Ташқи иқтисодий фаолият ва чет эл инвестицияларини жалб этиш соҳасида Палата қуйидаги функцияларни амалга оширади:

бизнес-анжуманлар, кўргазмалар ва ярмаркалар ташкил этади ҳамда ўтказди, уларда маҳаллий тадбиркорлик субъектларининг иштирокини таъминлайди;

тадбиркорлик субъектларига шерикларни, янги бозорларни излашда ва

ўзлари ишлаб чиқарган маҳсулотни ташқи бозорларга олиб чиқишда, экспорт турларини кенгайтириш ва тадбиркорлик субъектларининг экспорт салоҳиятини оширишда, шунингдек уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда кўмаклашади;

ташқил этилган кичик саноат ва эркин иқтисодий зоналарда замонавий ишлаб чиқаришларни ташқил этиш, ички ҳамда ташқи бозорларда талаб юқори бўлган, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича лойиҳаларни амалга ошириш доирасида тадбиркорлик субъектларини, шу жумладан чет эллик инвесторларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлайди;

мазкур соҳадаги вазифаларни амалга ошириш учун Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги, шунингдек Палатанинг хорижий мамлакатлардаги ваколатхоналари билан ҳамкорликни таъминлайди.

Ташқи иқтисодий фаолият ва чет эл инвестицияларини жалб этиш соҳасида Палата қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа функцияларни ҳам амалга ошириши мумкин.

**3-боб. Палатанинг давлат органлари, бошқа органлар ва ташкилотлар билан ҳамкорлиги. Тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текширишларда Палатанинг иштирок этиши**

**13-модда. Палатанинг давлат органлари, бошқа органлар ва ташкилотлар билан ҳамкорлиги**

Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, шунингдек маҳаллий давлат ҳокимияти органлари Палатага ўз вазифалари ва функцияларини амалга оширишида ҳар томонлама кўмаклашади.

Палата ҳуқуқни муҳофаза қилувчи, назорат қилувчи органлар, бошқа давлат органлари ва жамоат бирлашмалари билан биргаликда тадбиркорларнинг ҳуқуқбузарликлари профилактикасида иштирок этади, уларнинг олдини олиш чораларини кўради.

Палата ўз функцияларини амалга ошириш мақсадида давлат органлари, бошқа органлар ва ташкилотлар билан ҳамкорлик тўғрисида битимлар тузишга ҳақли.

Палата вакиллари давлат органлари, шу жумладан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат қилувчи органлар ҳузурида тузиладиган жамоатчилик маслаҳат кенгашлари таркибига киритилади.

**14-модда. Тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текширишларни келишиб олиш ва ўтказишда Палатанинг иштирок этиши**

Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш учун Палата:

уларнинг фаолиятини текширишларни келишиб олишда иштирок этади;  
уларнинг фаолиятини текширишларда бевосита иштирок этади;

ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат қилувчи органларнинг текширишлар якунлари бўйича қабул қилинган қарорлари устидан шикоят қилади.

**4-боб. Палатанинг фаолиятини ташкил этиш****15-модда. Палатани ташкил этиш**

Палата ўз муассисларининг ташаббусига кўра ташкил этилади.

Палата муассислари Палатанинг қурултойини чақиради, унда Палатанинг устави қабул қилинади, бошқарув ва назорат органлари тузилади.

Палатанинг қурултойини чақириш ва ўтказиш, унинг бошқарув ва назорат органлари фаолиятини ташкил этиш тартиби Палата устави билан тартибга солинади.

**16-модда. Палатанинг тизими**

Палатанинг тизимига қуйидагилар киради:

Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси;

Савдо-саноат палатасининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги ҳудудий бошқармалари (бундан буён матнда Палатанинг ҳудудий бошқармалари деб юритилади);

тадбиркорликка кўмаклашиш марказлари;

ҳакамлик судлари;

ҳалқаро тижорат арбитраж суди;

Палатанинг хорижий мамлакатлардаги ваколатхоналари.

Қонун ҳужжатларига мувофиқ Палата унитар корхоналар, таълим муассасалари ва бошқа ташкилотлар ташкил этишга ҳақли.

Палата, унинг ҳудудий бошқармалари, тадбиркорликка кўмаклашиш марказлари, унитар корхоналари, хориждаги ваколатхоналари, шунингдек бошқа муассасалари ва ташкилотлари Палатанинг ягона тизимини ташкил этади.

**17-модда. Палатага аъзолик**

Палатага аъзолик кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун ихтиёрий, бошқа тадбиркорлик субъектлари учун эса мажбурийдир.

Палатага аъзолик тадбиркорлик фаолияти субъекти ёки тадбиркорлик фаолияти субъектларининг бирлашмаси ёхуд тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш учун ташкил этилган бошқа ташкилот, чет эл компанияларининг ваколатхоналари ва Палата ўртасида шартнома тузиш йўли билан расмийлаштирилади.

Палата аъзолари Палата уставида ҳамда аъзолик тўғрисидаги шартномада белгиланган тенг ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлади.

**18-модда. Палатанинг устави**

Палатанинг уставида қуйидагилар кўрсатилиши керак:

Палатанинг номи ва жойлашган ери (почта ва электрон манзили);

Палатанинг мақсад ва вазифалари;

Палатанинг ҳудудий бошқармаларини ва тадбиркорликка кўмаклашиш марказларини ташкил этиш тартиби;

Палатанинг бошқарув ва назорат органларини шакллантириш тартиби ҳамда уларнинг ваколатлари, бу ваколатларнинг муддатлари ва мазкур органларнинг қарорлар қабул қилиш тартиби;

Палата аъзолигига қабул қилиш ҳамда аъзоликдан чиқиш шартлари ва тартиби;

Палата аъзоларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари;

Палатанинг пул маблағлари ва бошқа мол-мулкини шакллантириш манбалари;

Палатанинг уставига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тартиби;

Палатани қайта ташкил этиш ва тугатиш тартиби;

Палата тугатилган тақдирда унинг мол-мулкидан фойдаланиш тартиби.

Палата уставига қонун ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа қоидалар ҳам бўлиши мумкин.

Палатанинг уставига киритиладиган ўзгартиш ва қўшимчалар Палата қандай тартибда рўйхатдан ўтказилган бўлса, шундай тартибда рўйхатдан ўтказилиши лозим.

### **19-модда. Палатанинг бошқарув органлари**

Палатанинг бошқарув органлари қуйидагилардан иборат:

Палата қурултойи;

Палата Раёсати;

Палата ижроия қўмитаси.

Палатанинг тўрт йилда камида бир марта чақириладиган қурултойи Палата бошқарувининг юқори органидир.

Қурултой делегатлари томонидан йигирма беш нафар кишидан иборат таркибда сайланадиган Палата Раёсати Палата бошқарувининг қурултойлар оралигидаги раҳбар органидир.

Палата бошқарувининг ижро этувчи органи унинг ўз фаолиятида Палата Раёсатига бевосита ҳисобдор бўлган Палата ижроия қўмитасидир.

Палата раиси Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимномасига кўра Палата қурултойи делегатлари томонидан лавозимга сайланади.

Палата раиси лавозимига кўра Палата Раёсатининг раиси бўлиб, у Палата ижроия қўмитасининг ишига раҳбарлик қилади.

Палата раисининг биринчи ўринбосари ва ўринбосарлари Палата раисининг тақдимномасига кўра Палата Раёсати томонидан лавозимга тайинланади.

### **20-модда. Палатани давлат рўйхатидан ўтказиш**

Палатани давлат рўйхатидан ўтказиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан амалга оширилади.

Палатанинг ҳудудий бошқармаларини давлат рўйхатидан ўтказиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари томонидан амалга оширилади.

**21-модда. Палатанинг ҳуқуқлари**

Палата қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига, вазирликларга, давлат қўмиталарига ва идораларга ишбилармонлик ҳамда инвестиция муҳитини яхшилаш масалалари юзасидан, шу жумладан тадбиркорлик фаолиятининг ривожланишига тўсқинлик қилаётган ёки унинг ривожланишини чеклаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек уларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида таклифлар киритиш;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг жамоатчилик экспертизасини ўтказиш ва тадбиркорликнинг бошқа масалаларини муҳокама қилиш учун тадбиркорлик субъектлари иштирокида эксперт кенгашларини тузиш;

тадбиркорлик субъектлари ва давлат органлари ўртасидаги низонинг ҳал этилишини таъминлаш, шунингдек бозорларни ўрганиш ҳамда таҳлил қилиш мақсадида давлат ва хўжалик бошқаруви органларидан, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларидан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидан ва уларнинг мансабдор шахсларидан зарур маълумотлар, ҳужжатлар, материалларни ҳамда статистика маълумотларини сўраб олиш, бундан қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар мустасно;

тарафлар ўртасидаги низоларни судгача ҳал этишни амалга ошириш;

Палата аъзоларининг, шунингдек ўз манфаатларини кўзлаб судларга давлат божи тўламасдан даъволар тақдим этиш, давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари, улар мансабдор шахсларининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан шикоят қилиш;

жиноят ишлари бўйича иш юритишда тадбиркорлик субъектларининг жамоатчилик ҳимоячилари сифатида иштирок этиш;

давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари, улар мансабдор шахсларининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан шикоят қилинганда тадбиркорлик субъекти номидан суд муҳокамасининг исталган босқичида иштирок этиш (иккала тараф Палата аъзолари бўлган ҳоллар бундан мустасно), шунингдек даъво аризалари билан бир қаторда апелляция, кассация шикоятлари, аризалар, шу жумладан назорат тартибида протест келтириш ҳақида илтимосномалар бериш;

давлат активларини хусусийлаштириш, шу жумладан давлат мулки объектларини «ноль» харид қиймати бўйича реализация қилиш, шунингдек давлат органлари функцияларининг ва давлат хизматларининг айрим турларини хусусий секторга ўтказиш, давлат-хусусий шерикликнинг таъсирчан механизмларини жорий этиш тўғрисида таклифлар киритиш;

ўз тузилмасида таълим муассасаларини ташкил этиш;

Ўзбекистон Республикасида ва чет давлатларда ташкилотлар ташкил этиш, ўз ваколатхоналарини очиш;

тадбиркорлик фаолияти субъектларига ихтироларни, фойдали моделларни, саноат намуналарини патентлашда, товар белгиларини, хизмат кўрсатиш белгиларини ва товарлар келиб чиққан жой номларини рўйхатдан ўтказишда қўмаклашиш;



Ўзбекистон Республикасида ва унинг ҳудудидан ташқарида кўргазмалар ҳамда ярмаркалар ташкил этиш ва ўтказиш;

тадбиркорлик фаолияти субъектларига ҳуқуқий ва бошқа хил ёрдам кўрсатиш;

газеталар, журналлар ва бошқа босма материаллар нашр этиш, шунингдек тадбиркорлик фаолиятини таъминлаш учун ноширлик ҳамда реклама хизматлари кўрсатиш;

халқаро ва чет эл ташкилотларида Палата аъзоларининг тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ манфаатларини ифода этиш;

тадбиркорлик субъектларининг фаолияти масалаларига доир норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқишда ва муҳокама қилишда иштирок этиш;

иқтисодий низоларни ҳал қилиш учун қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳакамлик судларини, шунингдек халқаро тижорат арбитраж судини ташкил этиш;

чет эллик шериклар мурожаат этган ҳолларда, товарларнинг келиб чиқиши тўғрисидаги сертификатларни тасдиқлаш;

Палата аъзолари бўлган тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текширишларда иштирок этиш;

чет эл ва халқаро ташкилотларнинг молиявий ҳамда техник ёрдамини жалб этишда тадбиркорлик фаолияти субъектларига қўмаклашиш.

Палата қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

## **22-модда. Қонун ижодкорлиги фаолияти соҳасида Палатанинг ваколатлари**

Палата норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг тадбиркорлик фаолиятига таъсирини баҳолаш учун улар юзасидан хулосалар берувчи ваколатли органдир.

Тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишга бевосита ёки билвосита таъсир қиладиган масалаларга доир норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг лойиҳалари мажбурий тартибда Палата билан келишилиши лозим.

Палата норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасининг мазмунига умуман ёки унинг бирор қисмига рози бўлмаган тақдирда, норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қабул қиладиган органга тегишли хулоса киритишга ҳақли.

Тадбиркорлик фаолиятининг ривожланишига тўсқинлик қиладиган ёки унинг ривожланишини чеклаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек уларни ўз кучини йўқотган деб топиш зарурлиги тўғрисидаги Палата тавсиялари ва ёзма сўровлари қонунда белгиланган муддатларда мажбурий равишда кўриб чиқилиб, кейинчалик Палатага уларни кўриб чиқиш натижалари ҳақида асосланган хулосалар юборилиши лозим.

## **23-модда. Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ижро этилиши устидан жамоатчилик назорати**

Палата ва унинг ҳудудий бошқармалари тадбиркорлик фаолияти соҳа-

сидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ижро этилиши устидан жамоатчилик назоратини қўйидаги йўллар билан амалга оширади:

давлат органларининг, биринчи навбатда, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари бажарилиши, тадбиркорлик фаолиятига қўмаклашиш, ишбилармонлик ва инвестиция муҳитини яхшилаш бўйича фаолиятига доир зарур маълумотларни сўраб олиш ҳамда таҳлил қилиш;

давлат органларининг, шу жумладан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва бошқа органларнинг жамоатчилик-маслаҳат кенгашлари фаолиятида мажбурий равишда иштирок этиш;

давлат органларининг, шу жумладан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва бошқа органларнинг тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ва таъминлаш соҳасидаги фаолияти тўғрисида тадбиркорлик субъектлари ўртасида сўров ўтказиш ҳамда уларнинг фикр-мулоҳазаларини таҳлил қилиш;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ва улар лойиҳаларининг тадбиркорлик фаолиятига таъсирини баҳолаш юзасидан жамоатчилик экспертизасини тадбиркорлик субъектларини жалб этган ҳолда ўтказиш;

тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга, қулай ишбилармонлик ва инвестиция муҳитини шакллантиришга доир давлат дастурларини, шунингдек ҳудудларни комплекс ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқишда иштирок этиш;

Палата аъзолари бўлган тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текширишлар мониторингини амалга ошириш ва ушбу текширишларда иштирок этиш.

Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ижро этилиши устидан жамоатчилик назорати қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа усулларда ҳам амалга оширилиши мумкин.

#### **24-модда. Палатанинг ҳудудий бошқармалари**

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида Палатанинг тегишинча битта ҳудудий бошқармаси ташкил этилиши мумкин.

Палатанинг ҳудудий бошқармаси юридик шахс бўлиб, у Палата томонидан тасдиқланадиган низом асосида фаолият кўрсатади.

#### **25-модда. Тадбиркорликка қўмаклашиш марказлари**

Тадбиркорликка қўмаклашиш марказлари Тошкент, Нукус шаҳарларида ва вилоятлар марказларида ташкил этилади, туманлар ва шаҳарларда эса уларнинг бўлинмалари ташкил этилади ҳамда улар белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилади.

Тадбиркорликка қўмаклашиш марказлари фаолиятининг асосий вазифалари қўйидагилардан иборат:

зарур шарт-шароитлар яратиш ҳамда давлат органларининг ва бозор инфратузилмаси субъектларининг барча турдаги хизматларидан ҳамда бизнес-хизматлардан бир жойнинг ўзида фойдаланиш имкониятини бериш орқали тадбиркорлик субъектларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш;

тадбиркорлик субъектларига муҳандислик-коммуникация тармоқларига уланишда, ахборот билан таъминланишда, давлат хизматларидан фойдаланишда (рўйхатдан ўтказиш, рухсат бериш, лицензиялаш ҳужжатларини ва бошқа ҳужжатларни олишда) кўмаклашиш;

бизнес-режалар ишлаб чиқиш, шунингдек лизинг, суғурта ва баҳолаш хизматларидан фойдаланиш учун зарур ҳужжатларни тайёрлаш;

молиявий, товар-хом ашё ва табиий ресурслардан, муҳандислик-коммуникация тармоқларидан, технологик машиналар ва ускуналардан, ишлаб чиқариш объектларидан фойдаланишда, шунингдек ер участкалари олишда кўмаклашиш;

солиқ солиш, ходимларни ёллаш, статистика, молия, солиқ ҳисоботларини ҳамда бошқа ҳисоботларни топшириш, банк хизматлари, бинолар ва хоналарнинг ижараси ва (ёки) уларни олиш, шу жумладан давлат мулки объектларини «ноль» харид қиймати бўйича олиш соҳасида маслаҳатлар бериш;

халқаро стандартларни ва сертификатлаштириш тизимини жорий этишда, кооперация алоқаларини йўлга қўйишда, шу жумладан ташқи савдодаги шериклар билан йўлга қўйишда, шунингдек ташқи иқтисодий фаолиятни амалга оширишда кўмаклашиш;

тадбиркорлик субъектлари учун тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш ҳамда амалга ошириш билан боғлиқ бўлган масалалар бўйича давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, бозор инфратузилмаси субъектлари билан икки томонлама ва кўп томонлама музокараларни ташкил этиш.

Тадбиркорликка кўмаклашиш марказлари ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда амалга оширади.

### **26-модда. Ҳакамлик судлари**

Палата ва унинг ҳудудий бошқармалари ҳузурида ҳакамлик судлари фаолият кўрсатади.

Ҳакамлик судлари ўз фаолиятини қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширади.

### **27-модда. Халқаро тижорат арбитраж суди**

Палата ҳузурида чет эллик инвесторларнинг, шунингдек хорижий шериклар билан ўзаро муносабатларда миллий компанияларнинг ҳамда тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш бўйича Халқаро тижорат арбитраж суди ташкил этилади.

Халқаро тижорат арбитраж суди ўз фаолиятини қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширади.

### **28-модда. Палатанинг хориждаги ваколатхоналари**

Палата хорижий мамлакатларда ваколатхоналар ташкил этишга, шу жумладан савдо-инвестиция уйлари тарзида ваколатхоналар ташкил этишга ҳақли.

Хорижий мамлакатлардаги савдо-инвестиция уйлари Ўзбекистон Респуб-

ликасининг қонун ҳужжатларида ва ушбу савдо-инвестиция уйлари қайси давлатлар ҳудудида ташкил этилган бўлса, ўша давлатларнинг қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда, ўз харажатларининг ўрнини ўзи қоплаш ҳамда ўзини ўзи молиявий жиҳатдан таъминлаш принциплари асосида фаолият кўрсатади.

Палата хорижий мамлакатлардаги савдо-инвестиция уйлари орқали қуйидаги функцияларни амалга оширади:

мамлакатимизда тайёрланган, экспортга йўналтирилган маҳсулотни хорижий бозорларда илгари суриш;

Ўзбекистон Республикасининг инвестициявий имкониятларини ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш ҳамда чет эллик инвесторлар ва уларнинг шериклари учун ахборот-маслаҳат бериб борилишини ташкил этиш;

илғор технологияларни, шу жумладан мини-технологияларни уларни кейинчалик Ўзбекистон Республикаси тадбиркорларига етказиб бериш учун танлашда қўмаклашиш;

Палата ва унинг аъзолари манфаатларини хорижий мамлакатларда ифода этиш.

### **29-модда. Палатанинг эксперт кенгашлари**

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг, шунингдек улар лойиҳаларининг жамоатчилик экспертизасини ўтказиш мақсадида Палата ҳузурида эксперт кенгашлари ташкил этилади.

Эксперт кенгашлари ҳуқуқий масалалар бўйича, шунингдек саноат, транспорт, қурилиш, молия, ахборот-коммуникация технологиялари, савдо ва хизматлар, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ҳамда фаолиятнинг бошқа соҳалари бўйича ташкил этилиши мумкин.

Эксперт кенгашлари таркибига Палатанинг, тадбиркорлик субъектларининг, давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ҳамда назорат қилувчи органларнинг, шунингдек таълим, илмий-тадқиқот, эксперт муассасаларининг ва бошқа муассасаларнинг вакиллари киради.

Зарур ҳолларда, эксперт кенгашлари мажлисларининг натижалари бўйича Палата ишбилармонлик ва инвестиция муҳитини яхшилашга доир норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш юзасидан таклифлар киритади.

Эксперт кенгашлари муҳокама этилаётган масалалар юзасидан қарорлар қабул қилади, қарорлар мажбурий тартибда кўриб чиқиш ва натижалари ҳақида маълум қилиш учун тегишли давлат органларига юборилади.

Эксперт кенгашларининг фаолиятини ташкил этиш тартиби Палата ижроия қўмитаси томонидан тасдиқланадиган низомда белгиланади.

### **30-модда. Палатанинг мулки**

Бинолар, иншоотлар, ускуналар, инвентарь, пул маблағлари, шу жумладан чет эл валютасидаги пул маблағлари, қимматли қоғозлар ҳамда уставда белгиланган вазифаларни бажариш учун зарур бўлган бошқа мол-мулк Палатанинг мулки бўлиши мумкин.

Палатанинг мулки қонун билан муҳофаза қилинади.

**31-модда. Палатанинг мол-мулкани шакллантириш манбалари**

Палатанинг мол-мулкани шакллантириш манбалари қўйидагилардан иборат:

Палата аъзоларининг кириш ва аъзолик бадаллари;

Хусусийлаштирилган корхоналарга қўмаклашиш жамғармасидан келиб тушадиган, фақат бозор инфратузилмасини ривожлантириш, тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ҳамда ўқитиш учун мақсадли йўналтириладиган маблағлар;

вақтинча бўш турган маблағларни тижорат банкларининг депозитлари-га ва бошқа молиявий воситаларга жойлаштиришдан олинган даромадлар; пуллик хизматлар кўрсатишдан олинган даромадлар;

тадбиркорлик ва бошқа хўжалик фаолиятидан олинган даромадлар;

Палата томонидан таъсис этиладиган корхоналарнинг фойдасидан ажратмалар;

халқаро донорларнинг грантлари ва хомийларнинг маблағлари;

қонун ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа маблағлар ва тушумлар.

**32-модда. Палата аъзоларининг кириш ва аъзолик бадаллари**

Палата аъзолари Палата уставида белгиланадиган тартибда ҳамда миқдорларда кириш ва аъзолик бадаллари тўлайди.

**5-боб. Яқунловчи қоидалар****33-модда. Палатанинг халқаро ҳамкорлиги**

Палата қонун ҳужжатларига мувофиқ халқаро нодавлат нотижорат ташкилотларига аъзо бўлиши, тўғридан-тўғри халқаро мулоқотлар ва алоқаларни йўлга қўйиши, ҳамкорлик тўғрисида тегишли битимлар тузиши мумкин.

**34-модда. Низоларни ҳал этиш**

Палатанинг фаолияти соҳасидаги низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

**35-модда. Палата ва унинг аъзолари мажбуриятлари бўйича жавобгарлик**

Палата ўз мажбуриятлари бўйича ўзига қаршли барча мол-мулк билан жавоб беради. Палата ўз аъзоларининг мажбуриятлари бўйича жавоб бермайди. Палата аъзолари Палатанинг мажбуриятлари бўйича жавоб бермайди.

**36-модда. Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик**

Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

**538 «Ўсимликлар карантини тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида\***

Қонунчилик палатаси томонидан  
2018 йил 20 июнда қабул қилинган

Сенат томонидан 2018 йил 28 июнда  
маъқулланган

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 31 августда қабул қилинган «Ўсимликлар карантини тўғрисида»ги 113–I-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 9, 188-модда; 1996 йил, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 4-5, 126-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2009 йил, № 12, 472-модда; 2014 йил, № 9, 244-модда) ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиб, унинг янги таҳрири тасдиқлансин (илова қилинади).

**2-модда.** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:  
ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин;  
давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин;  
ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

**3-модда.** Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2018 йил 9 июль,  
ЎРҚ–484-сон

---

\* Ушбу Қонун «Халқ сўзи» газетасида 2018 йил 10 июлда эълон қилинган.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ

**Ўсимликлар карантини тўғрисида**  
(янги таҳрири)**1-боб. Умумий қоидалар****1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади**

Ушбу Қонуннинг мақсади ўсимликлар карантини соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

**2-модда. Ўсимликлар карантини тўғрисидаги қонун ҳужжатлари**

Ўсимликлар карантини тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг ўсимликлар карантини тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

**3-модда. Асосий тушунчалар**

Ушбу Қонунда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

**карантин остидаги маҳсулот** — ўсимликлар карантини объектлари-ни ташувчилар бўлиши мумкин бўлган ўсимликлар, уларнинг қисмлари, экиш материаллари, қайта ишлаш маҳсулоти, бошқа маҳсулот ва юклар;

**карантин рухсатномаси** — карантин остидаги маҳсулотни белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб киришга ёки унинг ҳудудидан транзит тарзида олиб ўтишга рухсат берилганлигини тасдиқлайдиган, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўсимликлар карантини давлат инспекцияси томонидан берилган ҳужжат;

**карантин чекловлари** — карантин остидаги маҳсулотни Ўзбекистон Республикасига олиб киришни, Ўзбекистон Республикасидан олиб чиқишни, ташишни ва улардан фойдаланишни ўсимликлар карантини объектлари тарқалишининг олдини олиш мақсадида муайян муддатга чекловчи фитосанитария тадбирлари;

**ўсимликлар карантини** — қишлоқ хўжалигига ва бошқа ўсимликлар дунёсига зарар етказиши мумкин бўлган ўсимликлар карантини объектлари кириб келишининг, тарқалишининг олдини олишга ҳамда бундай объектларни бартараф этишга қаратилган тадбирлар мажмуи;

**ўсимликлар карантини объекти** — дунёда карантин аҳамиятига эга бўлган, Ўзбекистон Республикаси ҳудудига мавжуд бўлмаган ёки чекланган тарзда тарқалган зарарли организмлар;

**ўсимликлар карантини объектларини ташувчилар** — ўсимликлар карантини объектларининг тарқалишига имконият туғдириши мумкин бўлган транспорт воситалари, қишлоқ хўжалиги машиналари, ерга ишлов бериш

қуроллари, идишларнинг барча турлари, айрим саноат товарлари, қадоқлаш воситалари, шунингдек ўсимлик маҳсулотларидан тайёрланган буюмлар, яхлит тошлар, тупроқ намуналари ва (ёки) бошқа объектлар;

**фитосанитария сертификати** — карантин остидаги маҳсулотда ўсимликлар карантини объектлари мавжуд эмаслигини тасдиқловчи халқаро намунадаги ҳужжат;

**фумигация** — ўсимликлар карантини объектларини ва бошқа зарарли организмларни йўқ қилиш мақсадида уларни кимёвий воситаларнинг газлари билан зарарсизлантириш.

#### **4-модда. Фитосанитария талаблари**

Карантин остидаги маҳсулотга, уни олиб киришга, олиб чиқишга, ишлаб чиқаришга, қайта ишлашга, сақлашга, ташишга, реализация қилишга ва йўқ қилишга доир талабларни белгилайдиган, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, юридик ва жисмоний шахслар томонидан бажарилиши шарт бўлган ҳужжатлар фитосанитария талабларидир.

Фитосанитария талаблари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўсимликлар карантини давлат инспекцияси (бундан буён матнда Ўсимликлар карантини давлат инспекцияси деб юритилади) томонидан тасдиқланади ва агар ҳужжатларнинг ўзида бошқа кечроқ муддат кўрсатилмаган бўлса, расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

#### **2-боб. Ўсимликлар карантини соҳасини тартибга солиш**

#### **5-модда. Ўсимликлар карантини соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари**

Ўсимликлар карантини соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат:

ўсимликлар карантини соҳасидаги тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

ўсимликлар карантини бўйича давлат назоратини амалга ошириш;

ташқи ва ички ўсимликлар карантини бўйича тадбирлар тизимини амалга ошириш;

ўсимликлар карантини соҳасида фитосанитар хавфсизликни таъминлаш;

ўсимликлар карантини соҳасида самарали мониторинг олиб бориш тизимини ишлаб чиқиш;

ўсимликлар карантини соҳасида халқаро ҳамкорликни ривожлантириш.

#### **6-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ўсимликлар карантини соҳасидаги ваколатлари**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

ўсимликлар карантини соҳасида ягона давлат сиёсати амалга оширилишини таъминлайди;

ўсимликлар карантини соҳасидаги давлат дастурларини тасдиқлайди ва уларнинг бажарилиши устидан назоратни амалга оширади;



давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг ўсимликлар карантини соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштиради;

ўсимликлар карантини соҳасидаги ҳужжатларни, хусусан, карантин рухсатномасини, транспорт бирликларини очиш тўғрисидаги далолатномани, карантин кўриги далолатномасини, фитосанитария сертификатини, ички фитосанитария сертификатини ва реэкспорт учун фитосанитария сертификатини бериш тартибини белгилайди;

ўсимликлар карантини соҳасида мониторингни амалга ошириш тартибини белгилайди;

Ўсимликлар карантини бош давлат инспекторининг тақдимномасига кўра Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳудудларини ўсимликлар карантини остида деб эълон қилади ҳамда зарур карантин чекловларини ўрнатади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

#### **7-модда. Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ўсимликлар карантини соҳасидаги ваколатлари**

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари:

ўсимликлар карантини соҳасидаги давлат дастурларини амалга оширишда иштирок этади;

ўсимликлар карантини соҳасидаги ҳудудий дастурларни тасдиқлайди ва амалга оширади;

ўсимликлар карантини давлат инспекторларининг тақдимномаларига кўра тегишли ҳудудларни ўсимликлар карантини остида деб эълон қилади ва зарур карантин чекловларини ўрнатади;

ўсимликлар карантинига доир тадбирларни ўтказишда давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг ҳудудий бўлинмалари фаолиятини мувофиқлаштиради.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

#### **8-модда. Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг, нодавлат ноғижорат ташкилотларининг ва фуқароларнинг ўсимликлар карантинига доир тадбирларни ўтказишдаги иштироки**

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари:

ўсимликлар карантини соҳасидаги давлат дастурларини, ҳудудий ва бошқа дастурларни амалга оширишда иштирок этади;

тегишли ҳудудда ўсимликлар карантини соҳасида жамоатчилик назоратини амалга оширади;

тегишли ҳудуд аҳолисини ўсимликлар карантини объектлари тарқалганлиги тўғрисида хабардор қилишда ўсимликлар карантини давлат инспекторларига кўмаклашади.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа тадбирларни ўтказишда ҳам иштирок этиши мумкин.

Нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролар Ўзбекистон Республикаси ҳудудини ўсимликлар карантини объектларининг кириб келишидан ёки тарқалишидан ҳимоя қилишда (фитосанитар хавфсизлик) давлат органларига ва бошқа органларга зарур ёрдам кўрсатиши мумкин.

### **3-боб. Ўсимликлар карантини бўйича давлат хизмати тизими ва унга раҳбарлик қилиш**

#### **9-модда. Ўсимликлар карантини бўйича давлат хизмати тизими**

Ўсимликлар карантини бўйича давлат хизмати тизимини:

Ўсимликлар карантини давлат инспекцияси;

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ўсимликлар карантини давлат инспекциялари;

Ўсимликлар карантини илмий маркази;

автомобиль йўлларидаги, темир йўл станцияларидаги, аэропортлардаги, дарё портидаги ўсимликлар карантини чегара пунктлари ва почтамтдаги ўсимликлар карантини пункти ташкил этади.

Ўсимликлар карантини давлат инспекцияси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига бўйсунди.

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ўсимликлар карантини давлат инспекциялари Ўсимликлар карантини давлат инспекциясига, шунингдек тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига бўйсунди.

Ўсимликлар карантини илмий маркази Ўсимликлар карантини давлат инспекциясига бўйсунди.

Туманлар ва шаҳарларнинг ўсимликлар карантини давлат инспекторлари, автомобиль йўлларидаги, темир йўл станцияларидаги, аэропортлардаги, дарё портидаги ўсимликлар карантини чегара пунктлари ва почтамтдаги ўсимликлар карантини пункти тегишинча юқори турувчи ўсимликлар карантини давлат инспекцияларига бўйсунди.

#### **10-модда. Ўсимликлар карантини бўйича давлат хизматига раҳбарлик қилиш**

Ўзбекистон Республикасининг ўсимликлар карантини бўйича давлат хизматига раҳбарликни Ўсимликлар карантини давлат инспекцияси амалга оширади.

Қорақалпоғистон Республикасида, вилоятларда ва Тошкент шаҳрида ўсимликлар карантини бўйича давлат хизматига раҳбарликни тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ўсимликлар карантини давлат инспекциялари амалга оширади.

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ўсимликлар карантини давлат инспекцияларининг бошлиқлари Ўсимликлар каран-

тини давлат инспекцияси томонидан тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг тақдимномасига биноан лавозимга тайинланади ҳамда лавозимидан озод қилинади. Туманлар ва шаҳарларнинг ўсимликлар карантини давлат инспекторлари Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ўсимликлар карантини давлат инспекцияси томонидан лавозимга тайинланади ҳамда лавозимидан озод қилинади.

Автомобиль йўлларидаги, темир йўл станцияларидаги, аэропортлардаги, дарё портидаги ўсимликлар карантини чегара пунктларидаги ва почтамтдаги ўсимликлар карантини пунктидаги ўсимликлар карантини бўйича давлат хизматига ўсимликлар карантини тегишли чегара пунктларининг ўсимликлар карантини давлат инспекцияси томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимидан озод қилинадиган мудирлари бошчилик қилади.

### **11-модда. Ўсимликлар карантини давлат инспекциясининг ваколатлари**

Ўсимликлар карантини давлат инспекцияси:

ўсимликлар карантини соҳасидаги давлат дастурларини, ҳудудий ва бошқа дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда иштирок этади;

ўсимликлар карантини бўйича дастурлар ва тадбирларнинг ўз вақтида бажарилиши устидан давлат назоратини амалга оширади, бу дастурлар ва тадбирларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ўз вақтида бажарилиши учун жавобгар бўлади;

ўз ваколатлари доирасида юридик ва жисмоний шахслар томонидан бажарилиши шарт бўлган буйруқлар чиқаради, йўриқномаларни, ўсимликлар карантини қоидаларини ва фитосанитария талабларини белгиланган тартибда тасдиқлайди ҳамда ташкилотлар ва аҳоли эътиборига етказди;

карантин остидаги маҳсулотни олиб кириш чоғидаги ўсимликлар карантини қоидаларини белгилайди, халқаро савдо контрактларига (шартномаларига) Ўзбекистон Республикасининг ҳудудига ўсимликлар карантини объектлари кириб келишининг ва тарқалишининг олдини олишни таъминлайдиган талаблар киритилишини кўриб чиқади, шунингдек хулосалар беради;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси билан келишган ҳолда Ўзбекистон Республикаси учун карантин аҳамиятига эга бўлган зарарли организмлар рўйхатини тасдиқлайди;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кирилиши тақиқланган экиш материаллари, карантин остидаги маҳсулотлар ва уларнинг тарқалиш ҳудудлари рўйхатини тасдиқлайди;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан олиб чиқилиши тақиқланган карантин остидаги маҳсулотлар рўйхатини тасдиқлайди;

фитосанитария талабларини тасдиқлайди;

автомобиль йўлларидаги, темир йўл станцияларидаги, аэропортлардаги, дарё портидаги ўсимликлар карантини чегара пунктлари ва почтамтдаги ўсимликлар карантини пункти, шунингдек ўсимликлар карантини объект-

ларига қарши курашиш бўйича махсус фумигация бўлинмалари тўғрисидаги низомларни тасдиқлайди;

карантин рухсатномасини беради;

Ўсимликлар карантини соҳасида халқаро ҳамкорликни амалга оширади, халқаро ташкилотларда ўсимликлар карантини бўйича Ўзбекистон Республикасининг манфаатларини ҳимоя қилади;

Ўсимликлар карантини объектларига қарши курашиш бўйича махсус фумигация бўлинмаларини ташкил этади, ўсимликлар карантини объектларига қарши кураш олиб боришда шахсий томорқа, фермер ва дехқон хўжаликларига, ўрмон хўжаликларига, шунингдек бошқа юридик ва жисмоний шахсларга хизматлар кўрсатади;

экспортга жўнатилаётган ва хорижий мамлакатлардан Ўзбекистон Республикасига олиб кирилаётган карантин остидаги маҳсулотнинг ҳамда ўсимликлар карантини объектларини ташувчиларнинг карантин текширувини ва лаборатория экспертизасини ўтказиши;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудларини карантиндаги ҳудудларга ва микроҳудудларга бўлиб чиқади;

карантиндаги зараркунандаларга, ўсимликлар касалликларига ва бегона ўтларга қарши курашиш борасидаги илм-фан ютуқларини ва илғор тажрибани, инновацион услублар, воситалар ва усулларни тарғиб қилиш ҳамда ишлаб чиқаришга кенг жорий этишга, аҳоли ўртасида ўсимликлар карантини объектлари тўғрисидаги билимларни тарқатишга доир ишларни ташкил этади;

тегишли ҳудудда карантинни жорий этиш (бекор қилиш) тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига, маҳаллий давлат ҳокимияти органларига тақдимномалар киритади;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси билан келишган ҳолда ўсимликлар карантини, карантин чекловларини қўллаш бўйича ҳар йилги дастурларни ҳамда тадбирлар режаларини тасдиқлайди;

Ўзбекистон Республикаси учун карантин аҳамиятига эга бўлган зарарли организмлар рўйхатини, Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кирилиши тақиқланган экиш материаллари, карантин остидаги маҳсулотлар ва уларнинг тарқалиш ҳудудлари рўйхатини, Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан олиб чиқилиши тақиқланган карантин остидаги маҳсулотлар рўйхатини қайта кўриб чиқиш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритади.

Ўсимликлар карантини давлат инспекцияси қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

## **12-модда. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ўсимликлар карантини давлат инспекцияларининг ваколатлари**

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ўсимликлар карантини давлат инспекциялари:

карантин остидаги маҳсулотни сақлаш, қайта ишлаш, реализация қилиш,

қабул қилиш пунктлари жойлашган ерларни ва уларга туташ ҳудудларни, қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларни, ўрмон фондининг, муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг ерларини ўсимликлар карантини объектларини ўз вақтида аниқлаш мақсадида назорат текширувларидан ўтказишни ташкил этади;

аниқланган зарарланиш ўчоқларининг кенгайишига йўл қўймаслик ва уларни бартараф этиш, шунингдек ўсимликлар карантини объектларини олиб кириш йўлларини аниқлаш ҳамда тўсиш бўйича шошилиш чоралар кўради;

фитосанитария сертификатини, ички фитосанитария сертификатини, реэкспорт учун фитосанитария сертификатини, транспорт бирликларини очиш тўғрисидаги далолатномани ва карантин кўриги далолатномасини беради;

Ўзбекистон Республикасига хорижий мамлакатлардан келадиган карантин остидаги маҳсулотни соғломлаштириш ва зарарсизлантириш, шунингдек транспорт воситаларини зарарсизлантириш устидан назоратни амалга оширади;

тегишли ҳудудни ўсимликлар карантини остида деб эълон қилиш (карантинни бекор қилиш), зарур карантин чекловларини қўллаш тўғрисида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига тақдимномалар юборади.

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ўсимликлар карантини давлат инспекциялари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

### **13-модда. Ўсимликлар карантини илмий маркази**

Ўсимликлар карантини бўйича давлат хизматининг илмий таъминотини Ўсимликлар карантини илмий маркази амалга оширади.

Ўсимликлар карантини илмий маркази ўсимликлар карантини объектларининг биоэкологик хусусиятларини ва уларга қарши курашиш усулларини ўрганиш бўйича илмий тадқиқотлар олиб боради.

Ўсимликлар карантини илмий маркази ўсимликлар карантини объектларига қарши курашиш соҳаси ходимларининг касбий билимлари ва малакаси оширилишини, ўсимликлар карантини объектлари тўғрисидаги билимларнинг аҳоли ўртасида тарқатилишини таъминлайди.

### **14-модда. Ўзбекистон Республикаси Давлат чегарасидаги ўсимликлар карантини пунктлари**

Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудига олиб кириладиган карантин остидаги маҳсулотни (шу жумладан транзит юкларни) текшириш ўсимликлар карантини давлат инспекторлари томонидан ўсимликлар карантини чегара пунктларида ўтказилади.

Ўсимликлар карантини чегара пункти Ўзбекистон Республикаси давлат чегараси пунктида, ички ҳудудлараро чегара пунктларида ташкил қилинади ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан хоналар билан, текширувлар ўтказиш ва намуналар олиш, фитосанитария

экспертизасини ва фумигация ишларини амалга ошириш учун воситалар, алоқа воситалари ва Интернет тармоғи билан таъминланади.

Ўсимликлар карантини давлат инспектори фитосанитария сертификати-нинг қалбакилигини, белгиланган талабларга мувофиқ эмаслигини аниқла-ган ёки карантин остидаги маҳсулотларда ўсимликлар карантини объектла-ри мавжудлиги тўғрисида шубҳа бўлган тақдирда, ушбу карантин остидаги маҳсулот ўсимликлар карантини тегишли чегара пунктида ушлаб турилади ва бу ҳақда Ўсимликлар карантини давлат инспекциясига хабар берилади.

#### **15-модда. Ўсимликлар карантини давлат инспекторлари**

Ўсимликлар карантини давлат инспекциясининг бошлиғи Ўзбекистон Республикаси Ўсимликлар карантини бош давлат инспекторидир, унинг ўринбосарлари ва Ўсимликлар карантини илмий марказининг директори Ўзбекистон Республикаси Ўсимликлар карантини бош давлат инспектори-нинг ўринбосарларидир.

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ўсимлик-лар карантини давлат инспекцияларининг бошлиқлари Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ўсимликлар карантини бош давлат инспекторларидир.

Туманлар ва шаҳарлар ўсимликлар карантини давлат инспекторлари ўз фаолиятини тегишли ҳудудда амалга оширади.

Ўсимликлар карантини давлат инспекциясининг, Қорақалпоғистон Рес-публикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ўсимликлар карантини давлат инспекцияларининг агрономлари, автомобиль йўлларидаги, темир йўл стан-цияларидаги, аэропортлардаги, дарё портидаги ўсимликлар карантини чегара пунктларининг, шунингдек почтамтдаги ўсимликлар карантини пункти-нинг мудирлари ва агрономлари, ўсимликлар карантини объектларига қар-ши курашиш бўйича махсус фумигация бўлинмаларининг бошлиқлари ва мутахассислари ўсимликлар карантини давлат инспекторларидир.

#### **16-модда. Ўсимликлар карантини давлат инспекторларининг ҳуқуқлари**

Ўсимликлар карантини давлат инспекторлари ўз ваколатлари доираси-да қуйидагиларга ҳақли:

карантин остидаги маҳсулотни етиштириш, тайёрлаш, сақлаш, ташиш, қайта ишлаш ҳамда реализация қилиш билан шуғулланувчи давлат ва хўжа-лик бошқаруви органларининг, юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳудудига монеликсиз киришга;

ўсимликлар карантини қоидалари ва фитосанитария талабларининг бу-зилишларини бартараф этиш ҳамда уларнинг олдини олиш бўйича бажари-лиши мажбурий бўлган тақдимномалар киритишга;

лаборатория текширувлари ва тегишли экспертиза ўтказиш учун каран-тин остидаги маҳсулотдан намуналар олишга;

ўсимликлар карантини объектлари аниқланганда ўсимликлар карантини қоидаларига мувофиқ карантин чекловлари ўрнатишга, олиб кирилган

карантин остидаги маҳсулотни ушлаб туришга, олиб қўйишга ёки қайтариб юборишга;

кириб келаётган ва жўнатилаётган, ушбу Қонуннинг 20-моддасига мувофиқ ўсимликлар карантинига доир тадбирлар татбиқ этиладиган юклар тўғрисида божхона органларидан, темир йўл станцияларининг, автовокзалларнинг (автостанцияларнинг), аэропортларнинг, дарё портларининг (пристанларининг), почтамтларнинг, деҳқон бозорларининг ва бошқа ташкилотларнинг маъмуриятларидан маълумотлар талаб қилишга;

зарур бўлган тақдирда карантин остидаги маҳсулотни кўздан кечириш ва зарарсизлантириш ишларини амалга ошириш учун ёрдамчи ишчилар, хизмат хоналари ва ёрдамчи материаллар берилишини юкларнинг эгаларидан талаб қилишга.

Ўсимликлар карантини давлат инспекторлари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

#### **17-модда. Ўсимликлар карантини давлат инспекторларининг мажбуриятлари**

Ўсимликлар карантини давлат инспекторлари:

ўсимликлар карантини объектларининг ўсимликлар карантини объектларидан холи бўлган ҳудудга кириб келишининг олдини олиш бўйича зарур чоралар кўриши;

ўсимликлар карантини объектларига ташхис қўйиш мақсадида лаборатория текширувлари ва бошқа текширувлар ўтказилишини ташкил этиши; тегишли органлар ва ташкилотларни чегараолди ҳудудларда, қўшни давлатларда юзага келган карантин ҳолати тўғрисида хабардор қилиши, ўсимликлар карантинига доир тадбирларни амалга ошириши ҳамда зарур тавсиялар бериши;

давлат ва хўжалик бошқаруви органларига, юридик ва жисмоний шахсларга зарур фитосанитария талабларини бажариш тўғрисида тақдимномалар юбориши;

ўсимликлар карантини қоидаларига номувофиқлик ва фитосанитария талаблари бузилганлиги фактлари аниқланганда темир йўл вагонларидан, кемалардан, самолётлардан ва бошқа транспорт воситаларидан фойдаланишга доир тақиқ ўрнатиши шарт.

Ўсимликлар карантини давлат инспекторларининг зиммасида қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

#### **4-боб. Давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг, юридик ва жисмоний шахсларнинг ўсимликлар карантини соҳасидаги ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

#### **18-модда. Давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг, юридик ва жисмоний шахсларнинг ўсимликлар карантини соҳасидаги ҳуқуқлари**

Карантин остидаги маҳсулотни етиштириш, тайёрлаш, сақлаш, ташиш,

қайта ишлаш ҳамда реализация қилиш билан шуғулланувчи давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, юридик ва жисмоний шахслар қуйидаги ҳуқуқларга эга:

зарур ҳолларда, ўсимликлар карантини бўйича давлат хизмати вакиллари билан биргаликда ўсимликлар карантини қоидалари ва фитосанитария талаблари сўзсиз бажарилишини таъминловчи тадбирлар мажмуини ишлаб чиқиш;

ўсимликлар карантини объектларини аниқлаш учун ўсимликлар карантини бўйича давлат хизматидан карантин остидаги маҳсулотни сақлаш, қайта ишлаш, реализация қилиш ва қабул қилиш пунктлари жойлашган ерларни, уларга туташ ҳудудларни, қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларни, ўрмон фонди ва муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг ерларини назорат текширувларидан ўтказишни талаб қилиш;

ўсимликлар карантини объектлари тўлиқ йўқ қилинганидан кейин ўсимликлар карантини бўйича давлат хизматига ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларига карантин чекловларини бекор қилиш бўйича таклифлар кириштириш.

Карантин остидаги маҳсулотни етиштириш, тайёрлаш, сақлаш, ташиш, қайта ишлаш ҳамда реализация қилиш билан шуғулланувчи давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, юридик ва жисмоний шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

**19-модда. Давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг, юридик ва жисмоний шахсларнинг ўсимликлар карантини соҳасидаги мажбуриятлари**

Карантин остидаги маҳсулотни етиштириш, тайёрлаш, сақлаш, ташиш, қайта ишлаш ҳамда реализация қилиш билан шуғулланувчи давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, юридик ва жисмоний шахслар:

ўсимликлар карантини бўйича давлат хизмати назорати остида текширишга (кўздан кечиришга) ва ўсимликлар карантини объектларига қарши курашишга доир ишларни, шунингдек ушбу карантин объектлари тарқалишининг олдини олишга доир тадбирларни амалга ошириши;

белгиланган тартибда карантин рухсатномаси ва (ёки) ички фитосанитария сертификати олинмаган карантин остидаги маҳсулотни қабул қилмаслиги;

хорижий мамлакатлардан ва Ўзбекистон Республикасининг ўсимликлар карантини остида деб эълон қилинган ҳудудларидан карантин остидаги маҳсулотни олиб киришда ўсимликлар карантини қоидаларига риоя қилиши;

тегишли юқлар сақланадиган омборхоналарда ҳар йили камида бир марта профилактик фумигация ишларини белгиланган тартибда амалга ошириши шарт.

Карантин остидаги маҳсулотни етиштириш, тайёрлаш, сақлаш, ташиш, қайта ишлаш ҳамда реализация қилиш билан шуғулланувчи давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, юридик ва жисмоний шахслар зиммасида қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

Қишлоқ хўжалиги ўсимликлари, доривор ўсимликлар, дарахт ва бута-



лар етиштириш, ўсимликларнинг янги навлари селекцияси билан шуғулланувчи юридик ва жисмоний шахслар ўсимликлар карантини объектларини ўз вақтида аниқлаш мақсадида экинлар ва дарахтларни тизимли равишда кузатиб боришни амалга ошириши, улар аниқланган тақдирда эса бу ҳақда маҳаллий давлат ҳокимияти органларини, ўсимликлар карантини бўйича давлат хизматини дарҳол хабардор қилиши, шунингдек аниқланган ўсимликлар карантини объектларини бартараф этиш бўйича чоралар кўриши шарт.

### **5-боб. Ўсимликлар карантинига доир тадбирлар ва уларни амалга ошириш**

#### **20-модда. Ўсимликлар карантинига доир тадбирлар**

Ўсимликлар карантинига доир тадбирларнинг мақсади ўсимликлар карантини объектларининг хорижий мамлакатлардан, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг ўсимликлар карантини объектлари тарқалган ҳудудидан Ўзбекистон Республикасининг ўсимликлар карантини объектларидан холи бўлган ҳудудларига кириб келиши натижасида зарар етказилиши хавфининг олдини олиш, уни чеклаш ва бартараф этишдан иборат.

Ўсимликлар карантинига доир тадбирлар:

табiiй шароитлардаги мавжуд ўсимлик дунёсига, қишлоқ хўжалигига, ўрмонларга, доривор, манзарали ўсимликларга, шу жумладан уларнинг уруғлари, кўчатлари ва қисмларига (қаламчаси, пиёзи, тугунаги, мевасига ва бошқаларга), шунингдек ўсимликлар карантини объектларини ташувчи бўлиши мумкин бўлган бошқа ўсимлик маҳсулотига;

тирик замбуруғларга, бактериялар, вируслар, нематодалар, каналар, хашаротларга;

хашаротларнинг, ўсимликлар касалликларини қўзғатувчиларнинг коллекцияларига ва улар етказадиган зарарларнинг намуналарига, шунингдек гербарийларга ва уруғларнинг коллекцияларига;

хорижий мамлакатлардан ва Ўзбекистон Республикасининг ўсимликлар карантини остида деб эълон қилинган ҳудудларидан кириб келаётган ўсимликларга, қишлоқ хўжалиги машиналарига, ерга ишлов бериш қуролиларига, идишларнинг барча турларига, айрим саноат товарларига, қадоқлаш воситаларига, шунингдек ўсимлик материалларидан тайёрланган буюмларга, яхлит тошларга, тупроқ намуналарига, транспорт воситаларига ҳамда бошқа ўсимликлар карантини объектларини ташувчиларга;

ўсимлик маҳсулотини етиштирадиган, тайёрлайдиган, ғамлайдиган, қайта ишлайдиган ҳамда реализация қиладиган корхоналар ва ташкилотларнинг ҳудудлари ва биноларига, қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларга ва ўрмон фонди ерларига, юридик ва жисмоний шахсларнинг ер участкаларига, шунингдек қишлоқ хўжалиги мақсадларида фойдаланилмайдиган ерларга (йўлларга, электр ўтказгичлар атрофидаги ерларга ва бошқаларга) ҳамда давлатнинг чегараолди ҳудудларига нисбатан татбиқ этилади.

**21-модда. Карантин ўрнатиш ва уни бекор қилиш тартиби**

Ўсимликлар карантини объектлари аниқланган ҳолларда туман (шаҳар) ўсимликлар карантини давлат инспекторининг тақдимномасига кўра маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари билан фермер ва деҳқон хўжалиқларининг, ўрмон хўжалиқларининг ҳамда бошқа юридик ва жисмоний шахсларнинг ер участкалари, темир йўл станциялари, аэропортлар, дарё портлари, шаҳарчалар, посёлкалар, қишлоқлар, овуллар, шунингдек уларга туташ ҳудудлар ўсимликлар карантини остида деб эълон қилинади ёки уларда зарур карантин чекловлари ўрнатилади.

Туманлар ва шаҳарларни ўсимликлар карантини остида деб эълон қилиш ёки карантин чекловларини ўрнатиш тегишли ўсимликлар карантини бош давлат инспекторларининг тақдимномасига кўра Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг қарорлари билан амалга оширилади.

Қорақалпоғистон Республикасининг, вилоятларнинг ва Тошкент шаҳрининг ҳудудларини ўсимликлар карантини остида деб эълон қилиш ёки карантин чекловини ўрнатиш Ўзбекистон Республикаси Ўсимликлар карантини бош давлат инспекторининг тақдимномасига кўра Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан амалга оширилади.

Ўсимликлар карантини остида деб эълон қилинган ҳудудда ўсимликлар карантини ўчоғининг тарқалишига йўл қўйилмайди, унга туташ ҳудудларда ўсимликлар карантини объектлари тарқалишининг олдини олишга ва уларни йўқ қилишга қаратилган ўсимликлар карантинига доир тадбирлар ўтказилади.

Карантин остидаги маҳсулотни карантин чекловлари ўрнатилган ҳудудлардан олиб чиқиш ва улардан фойдаланиш шартлари ўсимликлар карантини қоидалари ва фитосанитария талаблари асосида амалга оширилади, бундан зарарланган маҳсулот мустасно.

Зарарланган маҳсулотдан фойдаланиш шартлари ўсимликлар карантини қоидаларига мувофиқ ўсимликлар карантини давлат инспекторлари томонидан белгиланади.

Ҳудудда ўрнатилган карантин чекловлари ўсимликлар карантини бўйича зарур тадбирлар ўтказилганидан ва ўсимликлар карантини объектлари тўлиқ йўқ қилинганидан кейин, тегишли ўсимликлар карантини бош давлат инспекторларининг тақдимномаларига кўра чекловлар ўрнатган Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг қарорлари билан ёки Ўзбекистон Республикаси Ўсимликлар карантини бош давлат инспекторининг тақдимномасига кўра Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан бекор қилинади.

**22-модда. Фитосанитар дала назорати ва уни ташкил этиш**

Фитосанитар дала назорати ўсимликларнинг ва ўсимлик маҳсулотининг фитосанитар тозалигини таъминлаш, уларда ўсимликлар карантини объект-

ларининг мавжудлигини ёки мавжуд эмаслигини аниқлаш мақсадида амалга оширилади.

Фитосанитар дала назорати ўсимликлар карантини давлат инспекторлари томонидан амалга оширилади.

Фитосанитар дала назорати ўтказилганидан кейин далолатнома тузилади ва амалга оширилиши зарур бўлган тадбирлар белгиланади.

### **23-модда. Ўсимликлар карантини соҳасидаги лаборатория текширувлари**

Ўсимликлар карантини соҳасидаги лаборатория текширувлари карантин остидаги маҳсулотнинг қисмларини ва (ёки) намуналарини улар зарарланганлигини ёки зарарланмаганлигини, уларда ўсимликлар карантини объектлари мавжудлигини ёки мавжуд эмаслигини аниқлаш мақсадида ўтказиладиган тадқиқотлардан иборат ва бу тадқиқотлар қонун ҳужжатларига мувофиқ аккредитация қилинган лабораторияларда ўтказилади.

Ўсимликлар карантини соҳасидаги лаборатория текширувлари:

карантин остидаги маҳсулотнинг ўсимликлар карантини қоидаларига ҳамда фитосанитария талабларига мувофиқлигини аниқлаш;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ўсимликлар карантини соҳасида мониторинг олиб бориш;

фитосанитар хавфни таҳлил қилиш;

фитосанитария сертификатини бериш;

карантин рухсатномасини бериш;

илмий изланишларни амалга ошириш мақсадида ўтказилади.

Ўсимликлар карантини соҳасидаги лаборатория текширувлари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мақсадларда ҳам амалга оширилиши мумкин.

### **24-модда. Карантин остидаги маҳсулотнинг фумигацияси**

Карантин остидаги маҳсулот олиб кирилаётганда, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ташилаётганда, олиб чиқиляётганда транспорт воситаларидаги ва бўш омборлардаги фумигация ишлари фақат ўсимликлар карантини объектларига қарши курашиш бўйича махсус фумигация бўлинмалари томонидан амалга оширилиб, уларнинг якуни бўйича зарарсизлантириш тўғрисидаги далолатнома расмийлаштирилади.

### **25-модда. Ўсимликлар карантини соҳасида мониторинг юритиш**

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ўсимликлар карантини соҳасида мониторинг юритиш ўсимликлар карантини объектларини аниқлаш, кузатиш, таҳлил қилиш, баҳолаш ва уларнинг тарқалишини прогноз қилиш тизимидан иборатдир.

Ўсимликлар карантини соҳасидаги мониторинг:

ўсимликлар карантини объектларининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида кириб келишига, тарқалишига ҳамда биоэкологик хусусиятларга таъсир кўрсатишига қўмаклашувчи омилларни аниқлаш ва баҳолаш;

Ўсимликлар карантини объектларининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудига кириб келиш йўлларини ва тарқалган ҳудудларни аниқлаш;

Ўсимликлар карантини объектлари ўчоқларини аниқлаш;

Ўсимликлар карантини объектларига қарши курашиш учун зарур чоратадбирларни ишлаб чиқиш;

фитосанитар хавфни аниқлаш ва таҳлил қилиш мақсадида амалга оширилади.

Ўсимликлар карантини соҳасидаги мониторинг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгилаган тартибда ўсимликлар карантини бўйича давлат хизмати томонидан амалга оширилади.

### **6-боб. Ўсимликлар карантини соҳасидаги ахборотнинг очиклиги**

#### **26-модда. Ахборотдан фойдаланиш**

Ўсимликлар карантини соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, техник жиҳатдан тартибга солишга оид норматив ҳужжатлар, шу жумладан фитосанитария талаблари, шунингдек карантин остидаги ҳудудлар, ўсимликлар карантини бўйича давлат хизмати томонидан амалга оширилаётган тадбирлар тўғрисидаги маълумотлар ҳамда ўсимликлар карантини соҳасидаги бошқа ахборот оммавий ахборот воситаларида ва Ўсимликлар карантини давлат инспекциясининг расмий веб-сайтида эълон қилинади.

#### **27-модда. Ўзбекистон Республикаси ҳудудининг фитосанитар ҳолати тўғрисидаги миллий маъруза**

Ўсимликлар карантини давлат инспекцияси Ўзбекистон Республикаси ҳудудининг фитосанитар ҳолати тўғрисидаги миллий маърузани тайёрлайди ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тақдим этади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудининг фитосанитар ҳолати тўғрисидаги миллий маъруза ҳақидаги ахборот Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси билан келишилган ҳолда Ўсимликлар карантини давлат инспекциясининг расмий веб-сайтида эълон қилиниши лозим.

#### **7-боб. Карантин остидаги маҳсулотни олиб кириш ва олиб чиқиш**

#### **28-модда. Олиб кирилаётган, олиб чиқилаётган ва транзит тарзида олиб ўтилаётган карантин остидаги маҳсулотга нисбатан талаблар**

Олиб кирилаётган, олиб чиқилаётган ва транзит тарзида олиб ўтилаётган карантин остидаги маҳсулот ўсимликлар карантини объектларидан холи бўлиши ҳамда унинг ҳар бир туркуми фитосанитария сертификатларининг асл нусхалари билан таъминланган бўлиши керак.

Карантин остидаги маҳсулот олиб кирилаётганда, олиб чиқилаётганда

ва транзит тарзида олиб ўтиладиганда ўсимликлар карантини қоидалари ҳамда фитосанитария талабларига риоя қилиниши керак.

### **29-модда. Карантин остидаги маҳсулотни олиб кириш**

Карантин остидаги маҳсулотни олиб киришга карантин рухсатномаси, экспорт қилувчи мамлакатнинг ўсимликлар карантини ва уларни химоя қилиш бўйича давлат органлари томонидан бериладиган фитосанитария сертификати ёки гувоҳномаси мавжуд бўлган тақдирда йўл қўйилади.

Ўсимликлар карантини ва уларни химоя қилиш бўйича давлат органларига эга бўлмаган хорижий мамлакатлардан карантин остидаги маҳсулотни олиб киришга ўсимликлар карантини давлат инспекцияси томонидан карантин остидаги маҳсулотнинг ҳар бир туркумига алоҳида-алоҳида бериладиган карантин рухсатномаси мавжуд бўлган тақдирда йўл қўйилади.

Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, юридик ва жисмоний шахслар карантин остидаги маҳсулотни олиб киришда:

карантин остидаги маҳсулотни Ўзбекистон Республикасига етказиб беришга ёки унинг худудидан транзит тарзида олиб ўтишга доир савдо шартномаларига (контрактларига) ўсимликлар карантини объектларининг Ўзбекистон Республикаси худудига кириб келишининг олдини олишни таъминлайдиган фитосанитария талабларини киритиши;

хорижий мамлакатлардан карантин остидаги маҳсулотни харид қилиш чоғида, зарур бўлган тақдирда, бу мамлакатлардаги карантин остидаги маҳсулотнинг фитосанитар ҳолатини ўрганиш учун ўсимликлар карантини бўйича мутахассисларни юборишни назарда тутиши шарт.

Олиб кириладиган карантин остидаги маҳсулот ўсимликлар карантини чегара пунктларида ўсимликлар карантини давлат инспекторлари томонидан мажбурий текширувдан ўтказилиши лозим.

Карантин остидаги маҳсулотни олиб кириш амалга ошириладиган ўсимликлар карантини чегара пунктлари ўсимликлар карантини давлат инспекцияси томонидан белгиланади.

Қўшни давлатлардан ўсимликлар карантини объектларининг Ўзбекистон Республикаси худудига кириб келиши ва тарқалиши таҳдиди юзага келган тақдирда, ваколатли органларнинг қарорига кўра хавф туғдирувчи участкалардаги чегара вақтинча ёпиб қўйилади.

Ўсимликлар карантини объектлари аниқланган карантин остидаги маҳсулотни олиб кириш тақиқланади, бундан уларнинг илмий мақсадларда олиб кириладиган намуналари мустасно.

Уруғликларни ва экиш материалларини хорижий мамлакатлардан Ўзбекистон Республикасида яшовчи фуқароларга почта жўнатмаларида юбориш, шунингдек юк билан олиб ўтиш тақиқланади. Ўсимликлар карантини объектлари билан зарарланмаган айрим меваларни, янги хўл мева ва сабзавотларни йўловчиларнинг қўл юкида ўтказишга ўсимликлар карантини давлат инспектори томонидан рухсат берилади. Алоҳида қимматга эга бўлган уруғлар, ўсимликлар ёки экиш материаллари илмий-тадқиқот муассасаларининг манзилига йўлланган тақдирда, улар ўсимликлар карантини давлат инспек-

торининг хулосасига кўра интродукция карантин кўчатхонасига текшириш учун юборилиши керак.

Ўзбекистон Республикасида аккредитация қилинган дипломатик ваколатхоналар, консуллик муассасалари ва савдо ваколатхоналари томонидан карантин остидаги маҳсулотни хорижий мамлакатлардан Ўзбекистон Республикасига юк билан олиб кириш ва почта орқали жўнатиш, мамлакат ичида ташиш ҳамда ундан фойдаланиш ўсимликлар карантини қоидаларига мувофиқ амалга оширилади.

Олиб кирилган карантин остидаги маҳсулотда ўсимликлар карантини объектлари аниқланган тақдирда, улар белгиланган тартибда бир сутка ичида мажбурий фумигация қилинади ёки бошқа усуллар билан зарарсизлантирилади, бегона ўтлардан тозаланади, яширин зарарланишларни аниқлаш ва соғломлаштириш мақсадида оранжереяларга ва карантин кўчатхоналарига ўсимликлар карантини қоидаларига мувофиқ экилади. Бу ўсимлик материаллига техник жиҳатдан ишлов берилади ёки улардан ҳудуди ўсимликлар карантини объектлари тарқалиши хавфидан холи бўлган туманларда фойдаланилади. Яширин зарарланишни аниқлаш алоҳида ҳолларда лаборатория текшируви асосида амалга оширилиши мумкин.

Олиб кирилган карантин остидаги маҳсулотни зарарсизлантириш билан боғлиқ барча харажатлар, шу жумладан ишчи кучидан, транспортдан, хоналардан ва ёрдамчи материаллардан фойдаланиш тегишли юкни олувчилар ёки карантин остидаги маҳсулотни жўнатувчилар ҳисобидан амалга оширилади.

Карантин остидаги маҳсулот мавжуд бўлган транзит юклар ўсимликлар карантини бўйича давлат хизмати томонидан мажбурий текширувдан ўтказилиши лозим. Ўсимликлар карантини объектлари аниқланган тақдирда, мазкур юклар ушлаб турилиши, зарарсизлантирилиши ёки уни экспорт қилган мамлакатга қайтариб юборилиши керак.

### **30-модда. Карантин остидаги маҳсулотни олиб чиқиш**

Ўзбекистон Республикасидан олиб чиқиладиган карантин остидаги маҳсулот ўсимликлар карантини қоидаларига, фитосанитария талабларига, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг ўсимликлар карантини соҳасидаги халқаро шартномалари қоидаларига мувофиқ бўлиши ҳамда Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан олиб чиқилиши тақиқланган карантин остидаги маҳсулотлар рўйхатига киритилмаган бўлиши керак.

Карантин остидаги маҳсулотнинг ҳар бир туркумига белгиланган намунадаги фитосанитария сертификати илова қилинган бўлиши керак.

Карантин остидаги маҳсулотни экспорт қилиш билан шуғулланувчи юридик ва жисмоний шахслар, тегишли ўсимликлар карантини давлат инспекциясини карантин остидаги маҳсулотни юклар жўнатиш санаси тўғрисида камида ўн кун олдин хабардор қилиши, маҳсулотни юклар жўнатиш учун мақбул бўлган жойни улар билан биргаликда белгилаши, юклар жўнатиш санасидан уч кун олдин экспорт қилинаётган маҳсулотни текшириш учун тақдим этиши шарт.

**8-боб. Якунловчи қоидалар****31-модда. Ўсимликлар карантини соҳасидаги халқаро ҳамкорлик**

Ўсимликлар карантини соҳасидаги халқаро ҳамкорлик Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига ва қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

**32-модда. Ўсимликлар карантини бўйича давлат хизмати тизимини молиялаштириш**

Ўсимликлар карантини бўйича давлат хизмати тизими Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети маблағлари ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан молиялаштирилади.

Ўсимликлар карантини объектларига қарши курашиш бўйича махсус фумигация бўлинмалари зарарсизлантириш бўйича бажарилган ишлардан олинган тушумлар ҳисобидан тўлиқ ўзини ўзи молиялаштириш асосида ўз фаолиятини амалга оширади.

Ўсимликлар карантини объектларига қарши курашиш ва фитосанитар хавфсизликни таъминлаш учун ҳар йили Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетидан маблағлар ажратилади.

Ўсимликлар карантини соҳасида кўрсатиладиган пуллик хизматлардан олинган даромадлар ўсимликлар карантини бўйича давлат хизмати тизими ходимларини рағбатлантиришга, ўсимликлар карантини давлат инспекцияларининг моддий-техника базасини ривожлантиришга ҳамда уларнинг фаолияти билан боғлиқ бўлган бошқа харажатларнинг ўрнини қоплашга сарфланади.

Ўсимликлар карантини бўйича давлат хизматининг олиб кирилаётган, олиб чиқиладиган ва транзит тарзида олиб ўтиладиган карантин остидаги маҳсулотни текшириш ҳамда кўздан кечириш, шунингдек зарур ҳужжатларни расмийлаштириш билан боғлиқ барча харажатларининг ўрни тегишли юридик ва жисмоний шахслар маблағлари ҳисобидан қопланади.

**33-модда. Низоларни ҳал этиш**

Ўсимликлар карантини соҳасидаги низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

**34-модда. Ўсимликлар карантини тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик**

Ўсимликлар карантини тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

**ИККИНЧИ БЎЛИМ****ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ФАРМОНИ****539 Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва нафақалар  
миқдорини ошириш тўғрисида\***

Республика аҳолисининг даромадлари ва турмуш даражасини янада муттасил ошириб бориш, фуқароларга ижтимоий мададни кучайтириш мақсадида:

1. 2018 йилнинг 15 июлидан бошлаб бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ҳамда нафақалар миқдори ўрта ҳисобда 1,07 баравар оширилсин.

2. 2018 йилнинг 15 июлидан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудида энг кам:

иш ҳақи — ойига 184 300 сўм;

ёшга доир пенсиялар — ойига 360 460 сўм;

болалиқдан ногиронларга бериладиган нафақа — ойига 360 460 сўм;

зарур иш стажига эга бўлмаган кекса ёшдаги ва меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга бериладиган нафақа ойига 221 190 сўм миқдорида белгилансин.

3. Белгилаб қўйилсинки, иш ҳақи ҳамда пенсияларга қўшилган устама ва қўшимча ҳақларнинг барча турлари, энг кам иш ҳақига нисбатан белгиланган компенсация ва бошқа тўловлар 2018 йилнинг 15 июлидан бошлаб мазкур Фармонда белгиланган энг кам иш ҳақи миқдоридан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан молиялаштирилладиган ташкилот ҳамда муассасалар билан биргаликда пенсиялар, стипендиялар ҳамда бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг лавозим маошлари миқдорини мазкур Фармон қоидаларидан келиб чиққан ҳолда ўз вақтида қайта ҳисоблаб чиқишни таъминласин.

5. Бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар, нафақалар ва стипендияларнинг оширилиши билан боғлиқ сарфхаражатлар Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилсин.

Хўжалик ҳисобидаги корхона ва ташкилотлар 2018 йилнинг 15 июлидан бошлаб мазкур Фармонда белгиланган энг кам иш ҳақи мувофиқ, ишлаб

---

\* Ушбу Фармон «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 3 июлда эълон қилинган.



чиқариш самарадорлигини ошириш ва меҳнат сарфини камайитириш ҳисоби-га иш ҳақи миқдорини оширсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 ноябрдаги «Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида»ги ПФ-5245-сон Фармони (6-банди истисно қилинган ҳолда) 2018 йилнинг 15 июлидан ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

7. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Молия вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

8. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — молия вазири Ж.А. Қўчқоров зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2018 йил 2 июль,  
ПФ-5469-сон

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ҚАРОРИ**

**540 Тошкент шаҳрида Пучон университетини ташкил  
этиш тўғрисида\***

Умумэътироф этилган халқаро талаблар ва стандартларга мувофиқ олий маълумотли юқори малакали кадрларни тайёрлашни ташкил этиш, мамлакатнинг мактабгача таълим муассасаларида кўп йиллар давомида етишмай келаётган педагог ва тарбиячилар ўрнини тўлдириш, инновацион муҳитни шакллантириш, ривожланган хорижий мамлакатларнинг етакчи олий таълим муассасалари билан узоқ муддатли муносабатларни янада ривожлантириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги ва Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Пучон университетининг (Корея Республикаси) Тошкент шаҳрида Пучон университетини (кейинги ўринларда Университет деб юритилади) ташкил этиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

---

\* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 3 июлда эълон қилинган.

2. Маълумот учун қабул қилинсинки, Пучон университети (Корея Республикаси):

ўқув бинолари, ўқув-лаборатория базаси, талабалар турар жойлари ва Университетнинг бошқа иншоотларини мебель, инвентарь, ўқув ва илмий жиҳозлар, ташкилий техника ва компьютерлар билан жиҳозлашни ўз маблағлари ҳисобидан амалга оширади, шунингдек, ахборот-коммуникация технологиялари воситалари билан таъминлайди;

Университетнинг кутубхона фондини шакллантиришга ва уни замонавий ўқув, ўқув-методик ҳамда илмий-техник адабиётлар билан тўлдиришга (шу жумладан, Пучон университетининг (Корея Республикаси) ресурслар базасидан фойдаланиш имкониятини яратган ҳолда), замонавий ахборот-ресурс маркази ташкил этилишига кўмаклашади;

ёш истиқболли маҳаллий илмий-педагог кадрларнинг, шу жумладан чет элда малака оширишига кўмаклашади.

3. Қўйидагилар Университетнинг асосий вазифалари этиб белгилансин: мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш истиқболларига, шунингдек, 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларга мувофиқ мактабгача таълим, архитектура ва дизайн соҳасида, шунингдек, талаб юқори бўлган таълимнинг бошқа йўналишларида юқори малакали кадрларни тайёрлаш;

мактабгача таълим, архитектура ва дизайн тизимида, шунингдек, талаб юқори бўлган таълимнинг бошқа йўналишларига замонавий таълим технологиялари асосида ўқув-тарбия жараёнини ташкил этиш бўйича илғор хорижий тажрибани жорий этиш, очиқ ахборот-таълим муҳитини ривожлантиришга кўмаклашиш;

мавжуд муаммолар ва меҳнат бозорининг эҳтиёжларини инobatга олган ҳолда мактабгача таълим, архитектура ва дизайн соҳасида, шунингдек, талаб юқори бўлган таълимнинг бошқа йўналишларида илмий-тадқиқот фаолиятини амалга ошириш;

республикада мактабгача таълим, архитектура ва дизайн тизимини, шунингдек, талаб юқори бўлган таълимнинг бошқа йўналишларини ривожлантиришга, илмий-тадқиқот ва таълим муассасалари, бошқа корхоналар ва ташкилотлар ўртасида мустаҳкам ўзаро ҳамкорликни ўрнатишга кўмаклашиш.

4. Белгилансинки:

Университет олий таълим муассасаси — юридик шахс шаклидаги Ўзбекистон Республикаси резиденти ҳисобланади, алоҳида мол-мулкка, мустақил балансга эга, ўз мажбуриятлари бўйича тасарруфидаги пул маблағлари ва мол-мулк билан жавоб беради;

Университет таълим фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг таълим соҳасидаги қонун ҳужжатлари талабларини ҳисобга олган ҳолда Пучон университетининг (Корея Республикаси) ўқув режалари ва дастурлари асосида амалга оширади;

Университетда кадрлар, биринчи навбатда, мактабгача таълим муассасаларининг педагог кадрларга, шунингдек, архитектура ва дизайн соҳасида

ҳамда талаб юқори бўлган таълимнинг бошқа йўналишларида малакали кадрларга бўлган эҳтиёжларни ҳисобга олган ҳолда тайёрланади;

Университетда таълим олиш ўзбек, рус ва инглиз тилларида, кундузги, сиртки ва кечки шаклларда, тўлов-контракт асосида, шу жумладан, потенциал иш берувчилар — юридик шахслар томонидан тақдим этиладиган таълим грантлари бўйича, шунингдек, асосан мамлакат минтақалари ёшларининг таълим олиши учун ажратиладиган ҳомийлик хайриялари ҳисобига амалга оширилади;

Университетга қабул 2018/2019 ўқув йилидан бошлаб мактабгача таълим, корейс тили, шунингдек, архитектура ва дизайн йўналишлари бўйича умумий ўрта, ўрта махсус, касб-хунар маълумотга эга шахслар ўртасида кириш имтиҳонлари ўтказиш орқали амалга оширилади. Кириш имтиҳонларини ўтказиш шакли, тартиби ва муддати Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан келишилган ҳолда Пучон университети (Корея Республикаси) томонидан белгиланади;

Университет битирувчиларига қўшимча юридик тартиб-таомилларсиз Ўзбекистон Республикасида олий маълумот тўғрисидаги ҳужжат сифатида эътироф этиладиган Пучон университетининг (Корея Республикаси) белгиланган намунадаги дипломи берилади;

Университетни молиялаштириш талабаларни тўлов-контракт асосида ўқитишдан тушадиган маблағлар, хўжалик фаолиятдан ва шартнома асосида хизматлар кўрсатишдан олинadиган даромадлар, юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳомийлик хайриялари, тегишли шартномалар асосида манфаатдор ташкилотлар томонидан тақдим этиладиган грантлар, шунингдек, қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади.

5. Тошкент шаҳрида Пучон университетини ташкил этиш бўйича Ташкилий комиссия 1-иловага\* мувофиқ таркибда тузилсин.

Қуйидагилар Ташкилий комиссиянинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

Университетни ташкил этиш бўйича фаолиятни оператив бошқариш, унинг тўлақонли фаолиятини йўлга қўйиш билан боғлиқ ташкилий, молиявий, юридик, иқтисодий, ўқув-методик, моддий-техник ва бошқа масалаларни ҳал этиш;

Университетни ташкил этиш масалалари бўйича Пучон университети (Корея Республикаси) раҳбарияти билан музокаралар олиб бориш ва ўзаро ҳамкорлик қилиш;

зарур лойиҳа, қурилиш-монтаж ва таъмирлаш-тиклаш ишларини амалга ошириш, Университетни жиҳозлаш, инфратузилмасини яратиш, моддий-техник таъминлаш жадвалларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш;

Университетни ташкил этиш бўйича тасдиқланган жадвалларда белгиланган вазифаларнинг бажарилиши юзасидан мунтазам назорат ва мониторинг олиб бориш.

6. Белгилансинки, Университет фаолиятининг жамоатчилик бошқаруви

---

\* 1-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

олий органи 2-иловага\* мувофиқ таркибдаги унинг Васийлик кенгаши ҳисобланади.

Қуйидагилар бўйича кўмаклашиш Васийлик кенгашининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

таълим жараёнини, талабаларнинг ишлаб чиқариш амалиётини самарали ташкил этиш ва такомиллаштириш, бакалавр ва магистрлар тайёрлаш сифатини тизимли ошириш, Университет битирувчиларини ишга жойлаштириш, меҳнат бозорининг янада ривожланишини ҳисобга олган ҳолда мутахассислар ва илмий-техник кадрлар тайёрлашнинг истиқболли йўналишларини белгилаш;

таълим жараёнига ўқитишнинг илғор шакллари ва усулларини, педагогик, компьютер ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш, илмий-тадқиқот ва инновацион фаолиятни ривожлантириш ва молиялаштириш, самарали фундаментал (амалий) илмий тадқиқотлар ва ишланмаларни амалга ошириш, ўқув, илмий ва илмий-методик материалларни эълон қилиш, Университетда ўқув ва илмий жараёнларни оқилона интеграциялаш;

Университетнинг моддий-техник, ўқув-методик базасини мустаҳкамлаш, уни замонавий ўқув-лаборатория ускуналари ва ўқув-методик адабиётлар билан жиҳозлаш, Университетнинг ижтимоий ва маиший инфратузилмасини яхшилаш;

Университетнинг таълим ва илмий-тадқиқот жараёнига хорижий мамлакатлардан малакали ва тажрибали педагоглар ҳамда мутахассисларни жалб этиш, педагог кадрларнинг меҳнат шароитларини яхшилаш ва уларнинг малака оширишдан ўтишларини ташкил этиш;

Университет фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлаш учун ҳомийлик хайриялари, техник кўмак маблағларини (грантларни) ва бошқа бюджетдан ташқари маблағларни жалб этиш;

талабаларни, энг аввало, етим болалардан ва ота-она васийлигисиз қолган болалардан иборат талабаларни ижтимоий ҳимоя қилишни таъминлаш, иқтидорли талабаларни ўқитиш учун стипендиялар ажратиш, талабаларнинг яшаш шароитларини яхшилаш ва уларнинг яшаш жойларида бўш вақтларини фойдали ташкил этиш, шунингдек, талабаларнинг дам олишлари учун шарт-шароитлар яратиш;

ижтимоий-иқтисодий соҳанинг юқори малакали мутахассисларга бўлган эҳтиёжларидан келиб чиқиб, 2018/2019 ўқув йилида ва кейинги йилларда Университетга қабул қилиш квоталарини ва ўқиш учун контракт суммасини белгилаш;

махсус стипендиялар бериш орқали Пучон университетига (Корея Республикаси) ва хорижнинг соҳавий бошқа етакчи таълим муассасаларига тажриба орттиришга юбориш учун энг истиқболли талабаларни танлов асосида танлаб олишни ташкил этиш;

Университетнинг профессор-ўқитувчилар таркиби ва докторантлари учун халқаро тажриба алмашишни ташкил этиш.

---

\* 2-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

7. Университетнинг Васийлик кенгаши Пучон университети (Корея Республикаси) билан келишган ҳолда:

а) бир ой муддатда:

Университет Уставини тасдиқласин, шунингдек, унинг давлат рўйхатидан ўтказилишини таъминласин;

Университетнинг тузилмаси ва штат жадвалини тасдиқласин;

б) 2018/2019 ўқув йили бошлангунига қадар Университетни Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фаолият кўрсатувчи олий таълим муассасаларида фойдаланиладиган зарур ўқув-методик комплекслар билан таъминласин.

8. Университетга:

2019/2020 ўқув йилидан бошлаб кадрларга бўлган эҳтиёж ва мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш суръатларидан келиб чиқиб, Пучон университети (Корея Республикаси), Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Иқтисодиёт вазирлиги билан келишган ҳолда ўқишнинг янги истиқболли йўналишлари ва мутахассисликларини очишга;

Университетга ўқитувчилик қилиш ва илмий иш олиб бориш учун таклиф этиладиган хорижлик профессорлар ва ўқитувчиларнинг яшаши ҳамда транспорт харажатларига Ўзбекистон Республикаси фуқаролари учун белгиланган тарифлар бўйича, тузиладиган шартномалар асосида ҳақ тўлашга рухсат берилсин.

9. Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, Қатортол кўчаси, 2-берк кўча, 38а-уй манзилида жойлашган Чилонзор педагогика коллежининг бино ва иншоотлари оператив бошқариш ҳуқуқи билан Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига берилсин, кейинчалик бепул фойдаланиш учун Университетга ўтказилсин.

Чилонзор педагогика коллежининг ўқувчилари ўқишни тамомлагунарига қадар Университетга берилган биноларда ўқишни давом эттиришлари белгилаб қўйилсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Мактабгача таълим вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги белгиланган тартибда:

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш доирасида 2018 йил учун назарда тутилган капитал қўйилмаларнинг тежалган ёки ўзлаштирилмаган лимитларини ушбу қарорнинг 9-бандида кўрсатилган бинолар ва иншоотларнинг лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқишга ҳамда уларни реконструкция қилишга йўналтириш орқали қайта тақсимланишини;

ушбу қарорнинг 9-бандида кўрсатилган бинолар ва иншоотларни 2019 йил ва ундан кейинги йиллар учун мўлжалланган Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш давлат дастурининг қурилиш, реконструкция қилиш ва мукамал таъмирлаш объектларига киритилишини таъминласин.

11. 2021 йилнинг 1 июлигача:

Университет — барча турдаги солиқларни тўлашдан ва мақсадли давлат жамғармаларига мажбурий ажратмалардан;

Университетнинг жалб этиладиган хорижлик ходимлари — ягона ижтимоий тўловни ва жисмоний шахсларнинг даромадларига солинадиган солиқни тўлашдан;

Пучон университети (Корея Республикаси) Ўзбекистон Республикасидаги фаолиятдан ҳам доимий муассаса орқали, ҳам тўлов манбаидан олинган даромадлар бўйича фойда солиғини тўлашдан;

Университетни жиҳозлаш ва фаолиятини таъминлаш мақсадида ўрнатилган тартибда шакллантириладиган рўйхат бўйича олиб келинадиган ускуналар, компьютер техникаси ва ташкилий техникалар, ўқитишнинг техник воситалари, адабиёт, мультимедиа маҳсулоти, инвентар ва бошқа моддий-техника ресурслари божхона тўловларидан (божхона йиғимларидан ташқари) озод этилсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Университет буюртмаларига биноан мазкур қарорни амалга ошириш доирасида жалб қилинадиган хорижий профессор-ўқитувчилар ва маъмурий ходимлар, шунингдек, уларнинг оила аъзолари учун кириш визалари консуллик ҳамда бошқа йиғимлар ундирилмасдан, белгиланган тартибда расмийлаштирилишини таъминласин.

13. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Университет буюртмаларига биноан Университет хорижий профессор-ўқитувчилари ва маъмурий ходимларига ҳамда уларнинг оила аъзоларига давлат божлари тўлашдан озод этган ҳолда кўп марталик визалар берилиши ва узайтирилишини, шунингдек, уларнинг яшаш жойида вақтинчалик рўйхатдан ўтказилиши ҳамда вақтинчалик рўйхатдан ўтказиш муддати узайтирилишини белгиланган тартибда таъминласин.

14. Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги Университет буюртмаларига биноан малакали хорижий (Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлмаган) мутахассисларни республикага жалб этиш учун белгиланган тартибда рухсатномалар берилишини (муддати узайтирилишини), шунингдек, кўрсатиб ўтилган фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида меҳнат фаолияти ҳуқуқига тасдиқномалар берилишини (муддати узайтирилишини) таъминласин.

15. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.А. Абдухақимов, Ўзбекистон Республикаси мактабгача таълим вазири А.В. Шин ҳамда Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазири И.У. Мажидов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси**  
**Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2018 йил 2 июль,  
ПҚ-3821-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ҚАРОРИ**541 2018 йилда мактабгача таълим муассасаларини қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш манзилли дастури тўғрисида\***

Мактабгача таълим тизимининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, мактабгача таълим муассасалари тармоғини кенгайтириш, болаларни умумий ўрта таълимга тайёрлаш учун зарур шарт-шароитлар яратиш мақсадида, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 3 февралдаги «2018 йилга мўлжалланган инвестиция ва инфратузилма лойиҳалари рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида»ги ПҚ–3507-сон қарорига мувофиқ:

1. Маълумот учун қабул қилинсинки:

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги Мактабгача таълим вазирлиги билан биргаликда хорижий тажрибадан келиб чиқиб ва мамлакатимизнинг табиий-иқлим шароитларини инобатга олган ҳолда 60, 135, 160, 235 ва 385 ўринли замонавий мактабгача таълим муассасаларининг намунавий лойиҳалари ишлаб чиқилди;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 3 февралдаги «2018 йилга мўлжалланган инвестиция ва инфратузилма лойиҳалари рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида»ги ПҚ–3507-сон қарори билан мактабгача таълим муассасаларини қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш учун Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Таълим ва тиббиёт муассасаларининг моддий-техника базасини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан марказлаштирилган капитал қўйилмалар лимитлари ажратилиши кўзда тутилди;

Қорақалпоғистон Республикаси Нукус шаҳрида ихтисослаштирилган мактабгача таълим муассасасини қуриш ва 48-сон мактабгача таълим муассасасини реконструкция қилиш, Тошкент шаҳар Яккасарой туманидаги ихтисослаштирилган мактабгача таълим муассасасини ва Мирзо Улуғбек туманидаги 324-сон мактабгача таълим муассасасини реконструкция қилиш ишлари ҳомийлик хайрия маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

2. Қўйидагилар:

2018 йилда мактабгача таълим муассасаларини қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлашнинг асосий параметрлари 1-иловага\*\* мувофиқ;

2018 йилда мактабгача таълим муассасаларини қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлашнинг манзилли дастурлари 2 — 4-иловаларга\*\* мувофиқ тасдиқлансин.

3. Мактабгача таълим муассасаларини қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кен-

---

\* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 3 июлда эълон қилинган.

\*\* 1 — 4-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

гаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳузуридаги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компаниялари буюртмачи этиб белгилансин.

4. Белгилаб қўйилсинки:

янги давлат мактабгача таълим муассасаларининг қурилиши Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги томонидан Мактабгача таълим вазирлиги билан биргаликда ишлаб чиқилган намунавий лойиҳаларга қатъий риоя қилинган ҳолда амалга оширилади;

ташқи муҳандислик коммуникацияларининг қурилиши «Ўзбекэнерго» АЖ ва «Ўзтрансгаз» АЖ ташкилотлари томонидан ушбу ташкилотларнинг ўз маблағлари ҳисобидан амалга оширилади;

давлат мактабгача таълим муассасаларига олиб борадиган автомобил йўллари таъмирлаш, сув таъминоти ва канализация ташқи тармоқларини олиб келиш ишлари Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджети ҳисобидан амалга оширилади;

мактабгача таълим муассасаларининг қурилиши, реконструкция қилиниши ва капитал таъмирлаш ишларини молиялаштириш Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 3 февралдаги ПҚ–3307-сон қарори билан тасдиқланган марказлаштирилган капитал қўйилмалар лимитлари, Ўзбекистон Республикаси бюджети, Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларининг қўшимча маблағлари ҳисобидан 5-иловага\* мувофиқ молиялаштирилади.

5. Мазкур қарорнинг 1-банди тўртинчи хатбошида кўрсатилган мактабгача таълим муассасаларини қуриш ва реконструкция қилиш доирасида 2019 йилнинг 1 январига қадар:

буюртмачилар ва бош пудратчи ташкилотлари — улар томонидан бажариладиган қурилиш ва реконструкция ишлари ҳажмлари қисмида;

қурилиш материаллари ва жиҳозларини етказиб берувчилар — буюртмачи ва бош пудратчи ташкилотларга сотиладиган қурилиш моллари ва жиҳозлари қисмида қўшимча қиймат солиғидан озод этилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги қурилиш-монтаж ишларининг сифатли бажарилиши ва шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига риоя этилиши устидан тизимли назорат ўрнатсин.

7. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори О.Б. Муродов ва Ўзбекистон Республикаси мактабгача таълим вазири А.В. Шин зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси**  
**Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2018 йил 2 июль,  
ПҚ–3822-сон

---

\* 5-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ҚАРОРИ**542 Сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини  
ошириш чора-тадбирлари тўғрисида\***

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 17 апрелдаги ПҚ–3672-сонли қарорини ижро этиш, шунингдек, сув ресурсларидан тежамли ва оқилона фойдаланишни таъминлашнинг иқтисодий механизмларини такомиллаштириш мақсадида:

1. 2018 йил 1 октябрдан бошлаб сув ресурсларидан фойдаланиш учун солиқ ставкалари иловага\*\* мувофиқ белгилаб қўйилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси билан биргаликда 2018 йилнинг 1 октябригача сув ресурсларидан фойдаланувчиларни хатловдан ўтказиш чора-тадбирларини икки ҳафта муддатда ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Сув хўжалиги вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда Ўзбекистон Республикасининг 2019 йилги Давлат бюджети параметрларини шакллантириш доирасида барча тоифадаги солиқ тўловчиларнинг сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ ставкаларини танқидий қайта кўриб чиқсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг 2018 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида» 2017 йил 29 декабрдаги ПҚ–3454-сонли қарори 3-бандининг ўнинчи хатбоши, шунингдек, унинг 13-илласи ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

5. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — молия вазири Ж.А. Қўчқоров ва Ўзбекистон Республикаси сув хўжалиги вазири Ш.Р. Ҳамроев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2018 йил 2 июль,  
ПҚ–3823-сон

---

\* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 3 июлда эълон қилинган.

\*\* Илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ҚАРОРИ**543 Фермер хўжаликларида ҳисоб тизимини тубдан яхшилаш ва уларга банк хизматлари кўрсатишни такомиллаштиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида\***

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ–3574-сон «Пахта хом ашёси ва бошоқли дон етиштиришни молиялаштириш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 28 февралдаги қароридан келиб чиқиб ва фермер хўжаликларида ҳисоб тизимини тубдан яхшилаш, уларга банк хизматлари кўрсатишни янада такомиллаштириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Давлат статистика қўмитаси ва Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашининг (кейинги ўринларда Кенгаш деб аталади) туман фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашлари ҳузурида Фермер хўжаликларида бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини юритиш марказларини (кейинги ўринларда Марказ деб аталади) ташкил этиш ҳақидаги таклифига розилик берилсин.

Туман фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашлари ҳузуридаги Фермер хўжаликларида бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини юритиш марказларининг намунавий тузилмаси 1-иловага\*\* мувофиқ тасдиқлансин.

Белгилаб қўйилсинки, марказлар юридик шахс сифатида ташкил этилади, банкда ҳисоб рақамларига, шахсий ғазна ҳисоб рақамларига, ўз номи давлат тилида ёзилган муҳрга эга бўлади.

2. Марказлар томонидан фермер хўжаликларига қўйидаги асосий хизматлар кўрсатилиши маъқуллансин:

фермер хўжаликлари бўйича бухгалтерия ҳисоби юритилишини таъминлаш;

фермер хўжаликлари ишчиларига иш ҳақи ва ундан мажбурий ажратмалар ҳисобланишини таъминлаш;

мавсум якуни бўйича фермер хўжаликларининг асосий воситалари, товар-моддий захиралари, пул маблағлари, дебиторлик ва кредиторлик қарзларини инвентаризациядан ўтказишни таъминлаш;

солиқлар бўйича ҳисоб-китоблар, солиқ органлари билан қарздорлик бўйича солиштирма далолатномаларини тузиш ҳамда солиқ ва бошқа мажбурий тўловларнинг ўз вақтида тўланишини ташкил этиш;

молиявий ва статистика ҳисоботларини тузиш ва уларнинг тегишли органларга тақдим этилишини ташкил этиш;

---

\* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 3 июлда эълон қилинган.

\*\* 1-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

фермер хўжалигининг йил якунига кўра даромадлари ва харажатларини таҳлил қилиш ва кейинги йилга бизнес режа тузишда амалий ёрдам бериш.

3. Марказларнинг жойлашуви улар томонидан хизмат кўрсатиладиган фермер хўжаликларининг сонидан ва фермер хўжаликлари учун қулайлигидан келиб чиққан ҳолда туман ҳокимликлари ҳамда туман фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашлари томонидан белгиланади.

4. Марказларнинг фаолияти Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари, фермер хўжаликлари томонидан тўланадиган аъзолик бадаллари ва пуллик хизматлар кўрсатишдан олинadиган даромадлар ҳисобига молиялаштирилиши белгилаб қўйилсин.

Бунда, иш ҳақи ва унга тенглаштирилган харажатлар Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Ҳар ой якуни бўйича ходимларга, иш кўрсаткичлари бажарилишига қараб, ойлик иш ҳақининг икки бараваригача миқдордаги мукофотлар ва бошқа харажатлар фермер хўжаликлари томонидан тўланадиган аъзолик бадаллари ва бошқа даромадлар ҳисобидан молиялаштирилади.

Туман фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашлари ҳузуридаги Фермер хўжаликларига бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини юритиш марказлари ходимларининг ойлик маошлари миқдорлари 2-иловага\* мувофиқ тасдиқлансин.

Кенгашга тушадиган бадаллар тушуми ва харажатлар миқдоридан келиб чиқиб, Молия вазирлигига молиялаштириш манбаларига ўзгартириш киритиш ваколати берилсин.

5. Белгилансинки:

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги 2019 йилдан бошлаб Марказлар фаолиятини молиялаштириш учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети параметрларида маблағ ажратилишини назарда тутди, 2018 йилда Ўзбекистон Республикаси республика бюджети даромадларининг белгиланган прогнозлари ошириб бажарилиши ҳисобига молиялаштирилишини таъминлайди;

Марказларни моддий-техник таъминлаш тенг улушларда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг захира жамғармаси ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликларининг захира жамғармалари ва Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва вилоятлар маҳаллий бюджетларининг белгиланган прогнозларни ошириб бажарилиши ҳисобидан молиялаштирилади.

6. Кенгаш, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликларининг:

Марказлар томонидан, Кенгашга аъзо бўлган ва ўрнатилган тартибда аъзолик бадалларини тўлаган, давлат харидлари учун пахта ва ғалла етиштирувчи фермер хўжаликларига бепул, бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштирувчи фермер хўжаликларига пуллик асосда бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини юритиш бўйича хизматлар кўрсатилиши;

---

\* 2-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Кенгашга, пахта хом ашёси ва бошоқли дондан бошқа маҳсулот етиштирувчи ҳамда аъзолик бадалини ўз вақтида тўлаб келаётган, ер, сув ва бошқа ресурслардан унумли фойдаланаётган ҳамда молиявий имконияти чекланган фермер хўжалиklarини қўллаб-қувватлаш, шунингдек бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини юритиш издан чиққан айрим хўжалиklarда ҳисоботни тиклаш мақсадида, Марказлар томонидан бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини юритишни маълум муддатга бепул амалга ошириш тўғрисида тавсия кириши ваколатини бериш ҳақидаги таклифлари маъқуллансин.

7. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳудудий молия органлари томонидан Марказларга бухгалтерия ҳисоби ва солиққа тортиш масалалари юзасидан доимий равишда услубий кўмак бериб борилишини таъминласин.

8. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг туман Бандликка кўмаклашиш марказлари ҳар бир тумандаги Марказларга ходимлар билан ишлаш масалалари бўйича биттадан мутахассис бириктирилиши ва фермер хўжалиklarига тегишли амалий кўмак бериб борилишини таъминласин.

9. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси, Давлат статистика қўмитаси, Давлат солиқ қўмитаси, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Кенгаш билан биргаликда фермер хўжалиklarига бириктирилган ер майдонларини хўжалиklarнинг ихтисослашувидан келиб чиқиб, экин турлари ва контурлари кесимида икки ой муддатда хатловдан ўтказсин ва фермер хўжалиklarининг ер майдонлари бўйича ягона электрон маълумотлар базасини шакллантирсин.

10. «Агробанк» АТБнинг Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ва Кенгаш билан биргаликда:

бир ой муддатда фермер хўжалиklarида содалаштирилган тартибда бухгалтерия ҳисобини юритишга мўлжалланган дастурий таъминот ишлаб чиқиш, уни Марказларда қўллаш, келгусида такомиллаштириб бориш, Марказларга ва Кенгашга аъзо бўлган фермер хўжалиklarига бепул тарқатиш;

давлат эҳтиёжлари учун пахта хом ашёси ва бошоқли дон етиштирувчи фермер хўжалиklarининг агротехкарталари асосида ажратилган кредит ресурсларини онлайн тарзда бошқариш, тўловларни амалга ошириш ва қолдиқларни назорат қилиб бориш имкониятини берувчи махсус мобил банкинг дастурий таъминотини ишлаб чиқиш ва унга оид янгиликларни доимий равишда Кенгашнинг ҳамда «Агробанк» АТБнинг веб-сайтида эълон қилиб бориш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

11. Кенгаш Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Давлат статистика қўмитаси билан биргаликда икки ҳафта муддатда Марказларни юқори малакали бухгалтер ва солиқ маслаҳатчилари билан таъминлаш, уларнинг мала-

касани доимий равишда ошириб бориш бўйича чора-тадбирлар режасини тасдиқласин.

Бухгалтерлар жамоат бирлашмалари ҳамда солиқ маслаҳатчилари бирлашмаларига Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар марказларида филиалларини очиш, Марказларда фаолият юритаётган бухгалтер ва солиқ маслаҳатчилари учун малака ошириш курсларини ташкил этиш тавсия этилсин.

12. Кенгаш Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишган холда икки ой муддатда:

туман фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашлари ҳузуридаги Фермер хўжаликларида бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини юриштиш марказлари тўғрисидаги низомни;

туман фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашлари ҳузуридаги Фермер хўжаликларида бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини юриштиш марказлари томонидан бепул консалтинг хизматлари кўрсатиш тартибини ишлаб чиқиб белгиланган тартибда тасдиқласин.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари фаолиятини янада ривожлантириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида» 2017 йил 10 октябрдаги ПҚ-3318-сон қарорига 3-иловага\* мувофиқ ўзгартириш киритилсин.

14. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — молия вазири Ж.А. Қўчқоров, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари З.Т. Мирзаев ва Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши раиси вазифасини бажарувчи А.А. Хаитов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси**  
**Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2018 йил 2 июль,  
ПҚ-3824-сон

---

\* 3-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ҚАРОРИ**545 Ижтимоий реабилитация қилиш ва мослаштириш, шунингдек, оилавий-маиший зўрлик ишлатишнинг олдини олиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида\***

Мамлакатимизда фуқароларнинг эркинлик ва шахсий дахлсизликка доир ҳуқуқларини таъминлаш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда, шахсга ўз имкониятларини рўёбга чиқариши учун самарали механизмлар яратилган, умуман жамият манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлайдиган суд-ҳуқуқ тизими самарали фаолият кўрсатмоқда.

Бундан ташқари, жамиятнинг пойдевори сифатида оила институтини янада мустаҳкамлаш ва ривожлантириш, оила манфаатларини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий ва ижтимоий-иқтисодий асосларини кучайтириш, унинг хавфсизлигини ва уйғунлигини қўллаб-қувватлаш бўйича кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Кўрилган чоралар хотин-қизларнинг сиёсий ва ижтимоий фаоллигини ошириш, уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига шак-шубҳасиз риоя қилиш, маънавий-ахлоқий асосларни ва оилавий қадриятларни мустаҳкамлаш учун пойдевор яратди.

Республикада оғир ижтимоий аҳволда қолган, шу жумладан жисмоний, ахлоқий ёки мулкий зарар етказиш натижасида содир этилган ҳуқуқбузарликлар туфайли жабр кўрган шахсларга кўмаклашиш ва ҳар томонлама ёрдам кўрсатиш бўйича инфратузилмани яратиш алоҳида аҳамиятга эга.

Шу билан бирга, амалиётда фуқароларнинг, энг аввало, ёрдамга муҳтож хотин-қизларнинг ҳуқуқларини қўшимча равишда таъминлаш, давлат органларининг фуқаролик жамияти институтлари, шу жумладан оммавий ахборот воситалари билан амалий муносабатларини кучайтириш, мазкур масалаларда жамоатчилик назорати жорий этилишини давом эттириш юзасидан кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар кўришни талаб қиладиган айрим муаммолар ва камчиликлар сақланиб қолмоқда.

Ижтимоий реабилитация қилиш ва мослаштириш, оилавий-маиший зўрлик ишлатишнинг олдини олиш тизимини тубдан такомиллаштириш мақсадида, шунингдек, 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларни инобатга олган ҳолда:

1. Ўзбекистон Республикасида фуқароларнинг, шу жумладан хотин-қизлар ва эркакларнинг тенг ҳуқуқлилиги кафолатлангани, шунингдек, қийноққа солганлик, зулм қилганлик ва бошқача тарзда шафқатсиз ёки инсон қадрқимматини таҳқирловчи муомалада бўлганлик учун жавобгарлик белгилаб қўйилгани маълумот учун қабул қилинсин.

\* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 4 июлда эълон қилинган.

2. Қуйидагилар ижтимоий реабилитация қилиш ва мослаштириш, шунингдек, оилавий-маиший зўрлик ишлатишнинг олдини олиш тизимини такомиллаштиришнинг устувор йўналишлари этиб белгилансин:

Ўз жонига қасд қилишга мойил хулқ-атворни ҳамда жамиятдаги ва оиладаги маънавий-ахлоқий муҳитга салбий таъсир кўрсатувчи бошқа ҳолатларни қўзғата оладиган оилавий ва шахслараро низоларнинг, депрессив вазиятларнинг эрта олдини олиш, шунингдек, ушбу жараёнда кенг жамоатчилик иштирок этишини таъминлаш;

ижтимоий реабилитация қилиш ва мослаштириш тизимини йўлга қўйишда, юзага келадиган низоли вазиятларни, биринчи навбатда оилавий-маиший низоли вазиятларни ҳал қилишда давлат органларининг ўзаро ҳамкорлигини, шу жумладан фуқаролик жамияти институтлари билан самарали ҳамкорлик тизимини шакллантириш;

низоли вазиятларнинг эрта олдини олишга, энг аввало, «хавф остидаги гуруҳ»да бўлган шахслар ва оилаларни аниқ мақсадда қўллаб-қувватлаш орқали ижтимоий реабилитация қилиш ва мослаштириш тизимини такомиллаштиришга фуқаролик жамияти институтларини кенг жалб қилиш;

низоли вазиятлар, шу жумладан оилавий-маиший зўрлик ишлатиш сабабларини, ўз жонига қасд қилиш кайфиятини қўзғатадиган омилларни аниқлаш ҳамда ўрганиш, уларни бартараф этиш чораларини кўриш;

жамиятда оилавий-маиший тусдаги зўрлик ишлатишнинг ҳар қандай кўринишига нисбатан, биринчи навбатда, яқин қариндошлар томонидан мурасасиз муносабат муҳитини, шу жумладан жазо муқаррарлигини таъминлаш, оғир ижтимоий аҳволдаги шахсларни қўллаб-қувватлаш орқали қарор топтириш;

жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни ошириш, оилавий ва шахслараро муносабатлар соҳасида қонунийликни мустаҳкамлаш, ижтимоий реабилитация қилиш ва мослаштириш жараёнларига дахлдорлик ҳиссини кучайтириш.

3. Ижтимоий реабилитация қилиш ва мослаштириш, шунингдек, оилавий-маиший зўрлик ишлатишнинг олдини олиш тизимини такомиллаштириш бўйича амалий чора-тадбирлар дастури (кейинги ўринларда Дастур деб юритилади) иловага\* мувофиқ тасдиқлансин.

Вазирлик ва идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари раҳбарларининг зиммаларига Дастурда назарда тутилган тадбирларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилиши учун шахсий жавобгарлик юклансин.

4. Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги «Оила» илмий-амалий тадқиқот маркази (кейинги ўринларда — «Оила» маркази), «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, Республика болалар ижтимоий мослашув маркази, «Соғлом авлод учун» ҳукуматга қарашли бўлмаган халқаро хайрия фонди, «Sen Yolg'iz Emassan» республика ижтимоий болалар жамғармаси, Ўзбекистон Ёшлар иттифоқининг қуйидагилар тўғрисидаги таклифи маъқуллансин:

зўрлик ишлатишдан жабр кўрган шахсларга ўз вақтида ва манзилли ёрдам

---

\* Илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

кўрсатиш ва уларни химоя қилиш, ўз жонига қасд қилишга мойил хулқ-атвор пайдо бўлишига йўл қўймаслик ва унга эрта барҳам бериш мақсадида нодавлат нотижорат ташкилоти шаклида Зўрлик ишлатишдан жабр кўрган шахсларни реабилитация қилиш ва мослаштириш ҳамда ўз жонига қасд қилишнинг олдини олиш республика марказини (кейинги ўринларда — Республика маркази) ташкил этиш;

таъсисчилар маблағларини, шунингдек, қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбаларни Республика марказининг фаолиятини молиялаштириш манбалари этиб белгилаш.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссиясига Республика марказининг буюртманомалари асосида унинг асосий вазифаларини бажариш билан боғлиқ тадбирларни молиялаштириш учун зарур маблағларни ҳар йили назарда тутиш тавсия этилсин.

5. Республика марказининг асосий вазифалари ва фаолияти йўналишлари қуйидагилардан иборат эканлиги маълумот учун қабул қилинсин:

оғир ижтимоий аҳволда қолган, шу жумладан оилавий муаммолар ва турмушида зўрлик ишлатилишига дуч келган шахсларга аноним тарзда шошилиш тиббий, рухий, ижтимоий, педагогик, ҳуқуқий ва бошқа ёрдам кўрсатиш;

ўз жонига қасд қилишга мойил бўлган ёки ўз жонига қасд қилган шахслар билан бирламчи ва изчил профилактика тадбирларини ўтказиш;

низоли вазиятларни, оилавий-маиший зўрлик ишлатиш ҳолларини ва ўз жонига қасд қилишга мойил хулқ-атворни эрта бартараф этиш мақсадида давлат органлари, шу жумладан ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, шунингдек, фуқаролик жамияти институтлари ва фуқаролар билан ўзаро самарали ҳамкорлик ўрнатиш;

ижтимоий реабилитация қилиш ва мослаштириш бўйича ҳудудий давлат ва нодавлат муассасаларининг фаолиятини ташкил этишда, уларнинг моддий-техник ва услубий базасини мустаҳкамлашда, мазкур муассасаларнинг кадрлар салоҳиятини шакллантириш ва қўллаб-қувватлашда, муҳтож шахсларга, шу жумладан «ишонч телефони» орқали маслаҳат бериш тизимини яратиш ва унинг фаолиятини йўлга қўйишда кўмаклашиш;

долзарб ижтимоий муаммоларни аниқлаш мақсадида вақти-вақти билан жамоатчилик фикрини ўрганиш, уларнинг асосида низоли вазиятларни, оилавий-маиший зўрлик ишлатиш ва ўз жонига қасд қилишга мойил хулқ-атворни бартараф этишга доир дастурлар ва услубий тавсиялар ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш;

низоли вазиятларни, оилавий-маиший зўрлик ишлатишни ва ўз жонига қасд қилишга мойил хулқ-атворни, уларнинг келиб чиқишига олиб келадиган сабаблар ва шарт-шароитларни таҳлил қилиш ҳамда умумлаштириш, ахборот-таҳлилий материалларни, шу жумладан оммавий ахборот воситаларида ва Интернет тармоғида тарқатиш орқали ушбу соҳадаги муаммолар ҳақида жамоатчиликнинг хабардор этилишини таъминлаш;



давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ходимлари учун низоли вазиятларни, оилавий-маиший зўрлик ишлатишни ва ўз жонига қасд қилишга мойил хулқ-атворни бартараф этиш масалаларига бағишланган амалиётлар, семинар ва тренинглар ўтказиш.

6. Тошкент шаҳар ҳокимлиги Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси билан биргаликда бир ой муддатда Республика марказини жойлаштириш учун бепул фойдаланиш ҳуқуқи асосида бино ажратилишини, шунингдек, у зарур мебель, компьютер техникаси, алоқа воситалари ва бошқа моддий-техник ресурслар билан жиҳозланишини таъминласин.

7. Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг қуйидагилар тўғрисидаги таклифлари қабул қилинсин:

а) Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитасининг ҳудудий бўлинмалари ҳузурида Зўрлик ишлатишдан жабр кўрган шахсларни реабилитация қилиш ва мослаштириш ҳамда ўз жонига қасд қилишнинг олдини олиш марказларини (кейинги ўринларда — Марказлар) босқичма-босқич ташкил этиш. Бунда қуйидагилар назарда тутилсин:

биринчи босқичда Қорақалпоғистон Республикасида, вилоятларда ва Тошкент шаҳрида биттадан Марказ фаолиятини йўлга қўйиш;

иккинчи босқичда туманлар (шаҳарлар) эҳтиёжларидан келиб чиқиб, шу жумладан туманлараро тамойил асосида минтақалардаги Марказлар сонини ошириш;

учинчи босқичда республиканинг туманларини (шаҳарларини) имкон қадар қамраб олган ҳолда Марказлар фаолиятини таъминлаш;

б) Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ва БМТТДнинг «Давлат бошқарувида иштирок этиш учун хотин-қизларнинг ҳуқуқлари ва имкониятларини кенгайтириш ҳамда ижтимоий-иқтисодий ҳаётда уларнинг фаоллигини ошириш» деб номланган қўшма лойиҳаси доирасида Зўрлик ишлатишдан жабр кўрган шахсларни реабилитация қилиш ва мослаштириш ҳамда ўз жонига қасд қилишни олдини олиш бўйича дастлабки марказни ташкил этишга доир лойиҳани энг яхши халқаро амалиётни ҳисобга олган ҳолда амалга ошириш;

в) давлат-хусусий шериклиги усулларидан кенг фойдаланиш, шу жумладан Марказларнинг фаолиятини йўлга қўйиш ҳамда ижтимоий реабилитация қилиш ва мослаштириш, шунингдек, оилавий-маиший зўрлик ишлатилишининг олдини олиш тизимини такомиллаштириш учун нодавлат нотижорат ташкилотларини ва халқаро (хорижий) ташкилотларни жалб қилиш.

Белгилаб қўйилсинки, Марказлар биринчи навбатда ташкил этиладиган туманлар (шаҳарлар) рўйхати Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси томонидан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва тегишли ҳокимликлар билан келишилган ҳолда аниқланади.

8. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Ички ишлар

вазирлиги Марказлар ташкил этилишига қараб, ушбу марказларни мазкур вазирликлар хузурида фаолият кўрсатадиган шунга ўхшаш вазифа ва функцияларни бажарувчи реабилитация қилиш ва мослаштириш муассасаларини оптималлаштириш ҳисобига тегишли мутахассислар билан таъминласин.

9. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат кўмитасининг ҳудудий органлари билан биргаликда Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитасининг мурожаатларига мувофиқ ташкил этиладиган Марказларнинг тўлақонли фаолият юртишини таъминлаш мақсадида уларнинг жойлаштирилишини, жиҳозланишини ташкил этсин ҳамда бошқа ташкилий масалаларни ҳал қилсин.

10. Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги фуқаролар билан ўзаро алоқани амалга ошириш ва шошилинч рухий, психотерапевтик, ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш, кўшимча ёрдам кўрсатиши мумкин бўлган ташкилотлар тўғрисида маслаҳат бериш ва ахборот тақдим этиш учун мўлжалланган «ишонч телефони»ни (республика доирасида ягона қисқа рақам бўйича ҳамма фойдаланиши мумкин бўлган «тезкор алоқа»ни) ташкил этиш мақсадида Марказларни, шу жумладан Республика марказини кўп каналли телефон алоқаси билан таъминлашда кўмак берсин.

11. Белгилаб қўйилсинки, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қуйидаги масалалар юзасидан Марказлар билан ҳамкорлик қилади:

низоли вазиятлар, шу жумладан оилавий-маиший зўрлик ишлатишни ўз вақтида аниқланишини, бартараф этилишини ва олди олинишини таъминлаш, уларнинг оқибатларини, шунингдек, бундай турдаги хатти-ҳаракатлар содир этилишига олиб келадиган сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этиш;

оғир ижтимоий аҳволдаги шахсларга, биринчи навбатда, оилавий низоларни ҳал қилиш орқали таъсирчан ёрдам кўрсатиш бўйича аниқ мақсадли ишларни амалга ошириш;

жамиятда оилавий-маиший сабабларга кўра содир этилган зўрлик ишлатишнинг ҳар қандай кўринишига муросасиз муносабат муҳитини шакллантириш мақсадида низоли вазиятларнинг, шу жумладан оиладаги низоли вазиятларнинг эрта олдини олиш бўйича аҳоли ўртасида тушунтириш ишларини ташкил этиш.

12. Вазирликлар ва идоралар, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, шунингдек, хўжалик бошқаруви органлари Марказлар, шу жумладан Республика маркази билан яқин ўзаро ҳамкорлик олиб борилишини, уларда юклатилган вазифаларни бажариш учун зарур қулай шарт-шароитлар яратилишини, ўз вақтида зарур ёрдам берилишини, аниқ чоралар кўрган ҳолда уларнинг мурожаатлари кўриб чиқилишини таъминласин.

13. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги халқаро алоқаларни амалга оширишда, хорижда ижтимоий реабилитация қилиш ва мослаштириш бўйича ташкилотлар билан алоқалар ўрнатишда, халқаро (хорижий) ташкилотлар ва уларнинг ваколатхоналари билан битимлар тузишда

Республика Марказига ва Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитасига ҳар томонлама кўмаклашсин.

14. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ва Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси билан биргаликда уч ой муддатда «Маиший зўрлик ишлатишнинг олдини олиш тўғрисида»ги қонун лойиҳасини белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин. Қонун лойиҳасида қуйидаги масалалар назарда тутилсин:

маиший зўрлик ишлатиш тушунчасини таърифлаш, зўрлик ишлатиладиган ҳолат турларини ажратиб кўрсатиш;

ваколатли органларнинг вазифалари ва функционал мажбуриятларини белгилаш;

маиший зўрлик ишлатишнинг эрта олдини олишга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш, шунингдек, бундай қилмишларни содир этганлик учун жавобгарликни фарқлаш;

муайян тақиқлар ўрнатишни, шу жумладан жабрланганлар билан мулоқот қилишга, уларнинг иш жойига, ўқиш жойига, яшаш жойига боришга тақиқлар қўйишни ва уларни ҳимоя қилиш бўйича бошқа чора-тадбирларни назарда тутадиган ҳимоявий кўрсатмалар институтини жорий этиш;

судгача ва суд текшируви жараёнида маиший зўрлик ишлатишдан жабр кўрган шахсларни ҳимоя қилишга қаратилган махсус процессуал кафолатларни жорий этиш.

15. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси:

оилавий-маиший соҳада қонунийликни ва ҳар бир оилавий-маиший зўрлик ишлатиш, шахсий ҳаётга аралашув ҳолати бўйича жавобгарликнинг муқаррарлигини таъминлаш устидан қатъий назорат ўрнатсин;

Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Ички ишлар вазирлиги билан биргаликда оилавий-маиший зўрлик ишлатишдан жабр кўрган шахсларнинг қонун ҳужжатларига мувофиқ эътирозсиз ва қаршиликсиз одил судловдан фойдаланишини ва тўлиқ ҳимоя қилинишини таъминлаш чораларини кўрсин;

Ички ишлар вазирлиги билан биргаликда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларига низоли вазиятларда ва оилавий-маиший зўрлик ишлатиш аниқланган ҳолларда самарали ҳаракат қилиш ўргатилишини таъминласин.

16. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги «хавф остидаги гуруҳ»да бўлган оила аъзоларига нисбатан ҳар бир зўрлик ишлатилган ҳолат ҳақида ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларини, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитасининг ҳудудий бўлинмаларини ва «Оила» марказини зудлик билан хабардор қилишни таъминласин.

17. Адлия вазирлиги Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар билан биргаликда икки ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига:

Марказлар, шунингдек, уларнинг тузилмалари тўғрисидаги намунавий низомни тасдиқлаш тўғрисидаги ҳукумат қарори лойиҳасини;

конун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида таклифлар киритсин.

18. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ушбу қарорнинг мазмун-моҳияти кенг ёритилишини ва аҳолига етказилишини таъминласин.

19. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси раиси Т.К. Нарбаева, Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори О.Б. Муродов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Б.М. Мавлонов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2018 йил 2 июль,  
ПҚ-3827-сон

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ҚАРОРИ**

**546 Корея Республикаси компаниялари билан эришилган келишувларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида\***

Корея Республикаси компаниялари билан ўзаро фойдали ҳамкорликни янада чуқурлаштириш, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, савдо-иқтисодий алоқаларни кенгайтириш, шунингдек, замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш мақсадида:

1. Маълумот учун қабул қилинсинки:

а) 2018 йил 18 — 22 июнь кунлари Сеул шаҳрида (Корея Республикаси) Корея фонд бозори иштирокчилари уюшмаси (KOSDAQ), Корея халқаро савдо уюшмаси (КІТА), Миллий агромаданий кооперативлар федерацияси (Nonghyuc), Кореянинг блокчейн-тадбиркорлар уюшмаси ва Кореянинг йирик компаниялари билан музокаралар ўтказилди;

---

\* Ушбу қарор «Конун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 4 июлда эълон қилинган.

б) ўтказилган музокаралар яқунлари бўйича қуйидагилар тўғрисида келишувларга эришилди:

2018 йилнинг иккинчи ярим йиллигида Тошкент шаҳрида Корея фонд бозори иштирокчилари уюшмаси (KOSDAQ) билан ҳамкорликда бизнес-форум ўтказиш;

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги ва Корея халқаро савдо уюшмаси (КІТА) ўртасида Стратегик шериклик тўғрисида битим имзолаш;

Ўзбекистон Республикасининг қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда кўмаклашиш ва тўғридан-тўғри инвестицияларни амалга ошириш масалаларини муҳокама қилиш учун Миллий агромаданий кооперативлар федерацияси (Nonghyup) раҳбариятининг ташрифи;

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг айрим объектларини ва соғлиқни сақлаш тизимини модернизация қилиш, Тошкент вилоятида болалар кўнгилочар боғини, Тошкент шаҳрида тижорат ва турар жой кўчмас мулк объектларини қуриш лойиҳаларини, энергия ресурсларини ҳисобга олишнинг автоматлаштирилган тизимларини жорий этиш, ҳисобга олиш асбоб-ускуналари ва улар учун концентраторлар ишлаб чиқарадиган қўшма корхона ташкил этиш бўйича тажриба лойиҳаларини Корея компаниялари билан рўёбга чиқариш;

в) Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги ва Кореянинг блокчейн-тадбиркорлар уюшмаси ўртасида Ўзбекистон Республикасида блокчейн технологияларни жорий этишда Корея томонидан техник кўмак берилишини назарда тутадиган Ҳамкорлик тўғрисида битим имзоланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги ушбу бандда назарда тутилган тадбирлар ва лойиҳаларни амалга оширишга кўмаклашиши белгилаб қўйилсин.

2. Ушбу қарорнинг 1-бандида кўрсатилган лойиҳаларни амалга ошириш доирасида 2021 йил 1 июлга қадар муддатга:

бош лойиҳа, пудрат ва субпудрат ташкилотлари — лойиҳа-қидирув ва қурилиш-монтаж ишларининг бажарилаётган ҳажмлари бўйича барча турдаги солиқлар ва давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий ажратмалардан;

буюртмачи, бош лойиҳа ва пудрат ташкилотлари, ишлаб чиқарувчилар ва субпудрат ташкилотлари томонидан харид қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар), жумладан хом ашё, материаллар, эҳтиёт қисмлар, бутловчи буюмлар ва асбоб-ускуналар — қўшилган қиймат солиғидан;

белгиланган тартибда шакллантириладиган рўйхат бўйича буюртмачи, бош пудрат ва субпудрат ташкилотлари томонидан олиб келинадиган ва республикада ишлаб чиқарилмайдиган товарлар (ишлар, хизматлар), жумладан хом ашё, материаллар, эҳтиёт қисмлар, бутловчи буюмлар ва асбоб-ускуналар — божхона тўловларидан (божхонада расмийлаштируви учун йиғимлар бундан мустасно) озод этилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги ушбу қарорнинг

1-бандида кўрсатилган тадбирларни ўтказиш ва лойиҳаларни амалга ошириш доирасида жалб этиладиган хорижлик мутахассисларга Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлигининг буюртманомаларига биноан консуллик ва бошқа йиғимлар ундирилмасдан кириш визалари расмийлаштирилишини таъминласин.

4. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ушбу қарорнинг 1-бандида кўрсатилган тадбирларни ўтказиш ва лойиҳаларни амалга ошириш доирасида жалб этиладиган хорижлик мутахассисларга Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги буюртманомаларига биноан давлат божи ундирилмасдан кўп марталик визалар расмийлаштирилиши, берилиши ва узайтирилишини, шунингдек, уларнинг вақтинчалик рўйхатга олиниши, турган жойи бўйича ҳисобга олинишини ва вақтинчалик рўйхатга олиниши, турган жойи бўйича ҳисобга олиниши узайтирилишини таъминласин.

5. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги буюртманомаларига биноан ушбу қарорнинг 1-бандида кўрсатилган лойиҳаларни амалга ошириш учун республикага юқори малакали хорижлик мутахассисларни жалб қилиш учун рухсатномалар берилишини (узайтирилишини), шунингдек, жалб этиладиган хорижлик мутахассисларга Ўзбекистон Республикаси ҳудудида меҳнат фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқига тасдиқномалар берилишини (узайтирилишини) таъминласин.

6. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, заруратга кўра, ушбу қарорнинг 1-бандида кўрсатилган ижтимоий лойиҳаларни амалга ошириш учун жалб этиладиган хорижий кредитлар ва қарзлар бўйича Ўзбекистон Республикаси давлат кафолатлари берилишини таъминласин.

7. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги директори Ш.М. Садиқов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2018 йил 3 июль,  
ПҚ-3831-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ҚАРОРИ**547 Ўзбекистон Республикасида рақамли иқтисодиётни  
ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида\***

Иқтисодиётнинг рақамли секторини ривожлантириш борасида давлат томонидан кенг кўламли чора-тадбирлар кўрилмоқда, электрон ҳужжат айланиши тизимлари жорий этилмоқда, электрон тўловлар ривожлантирилмоқда ва электрон тижорат соҳасидаги норматив-ҳуқуқий база такомиллаштирилмоқда.

Ахборот-технологик платформаларда фаолият кўрсатадиган рақамли иқтисодиёт жадал ривожланмоқда, бу эса шундай платформаларнинг янги моделларини яратиш заруратини тақозо этмоқда.

«Блокчейн» технологиялари (маълумотларнинг тақсимланган реестри технологиялари), «сунъий ақл», суперкомпьютерлар имкониятларидан фойдаланиш, шунингдек, крипто-активлар бўйича фаолият жаҳоннинг кўплаб мамлакатларида рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йўналишларидан бири ҳисобланади. «Блокчейн» технологиялари нафақат иқтисодиётнинг кўплаб секторларига, балки давлат бошқаруви тизими ва бошқа жамоатчилик муносабатларига аста-секин жорий этилмоқда.

Давлат бошқаруви тизимини янада такомиллаштириш, рақамли иқтисодиётни жорий этиш ва ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш, инвестиция муҳитини яхшилаш, шунингдек, 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини амалга ошириш мақсадида:

1. Қуйидагилар рақамли иқтисодиётни янада ривожлантириш бўйича энг муҳим вазифалар деб ҳисоблансин:

инвестициявий ва тадбиркорлик фаолиятининг турли шакллари диверсификация қилиш учун крипто-активлар айланмаси соҳасидаги фаолиятни, жумладан майнинг (турли криптовалюталарда янги бирликлар ва комиссия йиғимлари форматида мукофот олиш имконини берадиган тақсимлаш платформасини таъминлаш ва янги блоклар яратиш бўйича фаолият), смарт-контракт (рақамли транзакцияларни автоматик тартибда амалга ошириш орқали ҳуқуқ ва мажбуриятлар бажарилишини назарда тутувчи электрон шаклдаги шартнома), консалтинг, эмиссия, айирбошлаш, сақлаш, тақсимлаш, бошқариш, суғурталаш, крауд-фандинг (жамоавий молиялаштириш), шунингдек, «блокчейн» технологияларини жорий этиш ва ривожлантириш;

«блокчейн» технологияларини ишлаб чиқиш ва улардан фойдаланиш соҳасида замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда амалий иш кўникмаларига эга малакали кадрларни тайёрлаш;

крипто-активлар бўйича фаолият ва «блокчейн» технологиялари соҳасида халқаро ва хорижий ташкилотлар билан ҳамкорликни ҳар томонлама

---

\* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 4 июлда эълон қилинган.

ривожлантириш, рақамли иқтисодиётда лойиҳаларни биргаликда амалга ошириш учун «блокчейн» технологияларини ишлаб чиқиш соҳасида фаолият кўрсатадиган юқори малакали хорижлик мутахассисларни жалб қилиш;

хорижий мамлакатларнинг илғор тажрибасини ҳисобга олган ҳолда «блокчейн» технологияларини жорий этиш учун зарур ҳуқуқий базани яратиш;

рақамли иқтисодиётни янада ривожлантириш учун инновацион ғоялар, технологиялар ва ишланмаларни жорий этиш соҳасида давлат органлари ва тадбиркорлик субъектларининг яқин ҳамкорлигини таъминлаш.

## 2. Белгилаб қўйилсинки:

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги рақамли иқтисодиётни жорий этиш ва ривожлантириш соҳасидаги ваколатли орган ҳисобланади;

«блокчейн» технологиялари жорий этиладиган аниқ фаолият соҳалари манфаатдор вазирлик ва идораларнинг таклифлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги томонидан белгиланади;

рақамли иқтисодиётни ривожлантиришни ва «блокчейн» технологияларини жорий этишни назарда тутадиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлигида мажбурий тартибда экспертизадан ўтказилиши лозим;

крипто-активлар айланмаси махсус норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан тартибга солинади;

юридик ва жисмоний шахсларнинг крипто-активлар айланмаси билан боғлиқ операциялари, жумладан норезидентлар томонидан амалга ошириладиган операциялар солиқ солинадиган объект ҳисобланмайди, мазкур операциялар юзасидан олинган даромадлар эса солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича солиқ солинадиган базага киритилмайди;

крипто-активлар айланмаси соҳасидаги фаолиятни амалга ошириш учун белгиланган тартибда лицензия олган шахслар томонидан ўтказиладиган крипто-активлар айланмаси билан боғлиқ валюта операцияларига валютани тартибга солиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари нормалари татбиқ этилмайди.

3. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги ҳамда Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги 2018 — 2020 йилларда қуйидагиларни назарда тутадиган «Блокчейн» технологияларини ривожлантириш дастурини (кейинги ўринларда Дастур деб юритилади) ишлаб чиқсин ва амалга оширсин:

а) крипто-активлар айланмаси соҳасидаги фаолиятни, жумладан мазкур фаолиятни ташкил этишнинг ҳуқуқий асосларини яратиш орқали жорий этиш ва ривожлантириш, бунда крипто-активларни маҳаллий ва халқаро крипто-биржаларда реализация қилиш имкониятини назарда тутишни;

б) 2021 йил 1 январдан бошлаб «блокчейн» технологияларини:

давлат органлари фаолиятига, жумладан бошқа давлат органлари ва ташкилотлари билан ҳамкорлик қилишда, давлат харидларини амалга ошириш-



да, давлат хизматларини кўрсатишда, шахс тўғрисидаги маълумотларни верификациялашда татбиқ этишни;

давлат реестрлари, классификаторлари ва бошқа маълумотлар базаларини юритишда, жумладан уларга киритилган ахборотни янгилаш ва ундан фойдаланишда жорий этишни;

устав фондида давлатнинг иштироки устувор бўлган йирик тижорат ташкилотларининг корпоратив бошқаруви тизимига, жумладан бизнес-жараёнларни такомиллаштириш, ишлаб чиқариш, маъмурий ва операцион жараёнларни мақбуллашириш, шунингдек, замонавий менежментни татбиқ этиш ва ресурсларни бошқариш учун татбиқ этишни;

клиринг операцияларида, тўловларни амалга оширишда, савдога оид молиялашда (аккредитив), шунингдек, лойиҳаларга кредит беришда жорий этишни.

4. 2018 йил 1 октябрдан шундай тартиб жорий этилсинки, унга мувофиқ:

крипто-активлар айланмаси соҳасидаги, жумладан крипто-активлар савдоси бўйича крипто-биржалар яратиш фаолияти лицензияланиши лозим;

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги крипто-активлар айланмаси соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш бўйича ваколатли орган ҳисобланади.

5. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги ва Тошкент шаҳридаги Инха университетининг «Ахборот технологияларини ишлаб чиқиш ва жорий қилишни кўллаб-қувватлаш бўйича «Mirzo Ulugbek Innovation Center» инновация маркази дирекцияси» МЧЖ устав фондидаги университетнинг улушини Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлигига бериш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

6. «Ўзбекэнерго» АЖ ва «Ўзбекгидроэнерго» АЖ уч ой муддатда рақамли иқтисодиёт элементлари ва крипто-активлар айланмаси (жумладан майнинг) соҳасидаги фаолият негизида тажриба лойиҳасини ишга тушириш бўйича таклифларни Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлигига киритсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда:

а) бир ой муддатда крипто-активлар айланмаси соҳасидаги фаолиятни ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш бўйича таклифлар киритсин;

б) 2019 йил 1 январга қадар муддатда қуйидагиларни назарда тутадиган «Рақамли иқтисодиёт ва блокчейн-технологиялар тўғрисида»ги Қонун лойиҳасини киритсин:

«блокчейн» технологиялари соҳасидаги асосий тушунчалар ва унинг фаолият юритиш принциплари;

давлат органлари, шунингдек, жараён иштирокчиларининг «блокчейн» технологиялари соҳасидаги ваколатлари;

«блокчейн» технологияларидан ноқонуний мақсадларда фойдаланганлик учун жавобгарлик чоралари;

в) икки ой муддатда:

Крипто-активлар айланмаси соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низомни;

қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисидаги таклифларни киритсин.

8. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги директори Ш.М. Садиқов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2018 йил 3 июль,  
ПҚ-3832-сон

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ҚАРОРИ**

**550 Давлат органлари ҳузурида жамоатчилик кенгашлари фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида\***

Ўтган давр мобайнида мамлакатимизда мустақил фуқаролик институтларини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, уларнинг эркин фаолияти кафолатларини таъминлаш, давлат органларининг фуқаролар билан яқин ҳамкорлигини йўлга қўйиш, уларнинг очик, шаффоф ва ошқора фаолият кўрсатишини таъминлаш, давлат органлари фаолияти устидан таъсирчан жамоатчилик назоратини ўрнатиш юзасидан комплекс ва изчил ишлар амалга оширилди.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонаси ва Халқ қабулхоналари фаолияти ташкил этилди, давлат органлари ва муассасалари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ташкил этиш ва амалга ошириш соҳасидаги муносабатларни тартибга солувчи «Жамоат-

---

\* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 4 июлда эълон қилинган.

чилик назорати тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинди.

Бунда давлат органларининг нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан ижтимоий шериклигини амалга оширишнинг ҳуқуқий механизмлари яратилди, давлат органлари фаолияти очиқлигини таъминлашнинг ҳуқуқий асослари шакллантирилди, жисмоний ва юридик шахслар мурожаатларини кўриб чиқиш тизими тубдан ислох қилинди, коррупцияга қарши курашиш механизмларининг қонунчилик асослари яратилди, шунингдек, «Электрон ҳукумат» тизими босқич-ма-босқич жорий этилмоқда ва рўёбга чиқарилмоқда.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонаси ва Халқ қабулхоналарига келиб тушаётган мурожаатлар таҳлили, шунингдек, фуқаролар билан ташкил этилаётган учрашувлар натижалари давлат ва жамият ўртасида самарали мулоқотни йўлга қўйишда қатор муаммолар мавжудлигини кўрсатмоқда. Хусусан:

биринчидан, мулоқотни амалга оширишда давлат органлари ва фуқаролар ўртасида боғлаб турувчи «кўприк»нинг йўқлиги давлат органлари фаолиятидаги муаммоларни аниқлаш ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш жараёнларига салбий таъсир кўрсатмоқда;

иккинчидан, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш масалаларига масъулиятсизлик билан ёндашиш, жумладан фуқароларнинг қонун ҳужжатларини такомиллаштиришга ва жамиятдаги муаммоларни ҳал қилишга доир таклифларига бепарво муносабатда бўлиш ҳолатлари давлат органлари фаолиятининг самарадорлигини оширишга ҳамда давлат ва халқ ўртасида «мулоқот майдони»ни шакллантиришга тўсқинлик қилмоқда;

учинчидан, фуқароларда давлат органлари фаолияти тўғрисида батафсил ахборот олиш имкониятининг йўқлиги, кўпчилик ҳолларда уларга бундай ахборотни тақдим этиш асоссиз равишда рад этилаётганлиги халқнинг давлат органларига бўлган ишончини пасайтирмоқда;

тўртинчидан, давлат органлари фаолиятида соғлом ишчанлик муҳитини ва қонунийликни жорий этишга, ходимларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга қаратилган чора-тадбирларнинг лозим даражада амалга оширилмаслиги улар томонидан ўз ваколатларини суиистеъмол қилиш ҳолатлари кўпайиши, фуқароларнинг ҳуқуқлари бузилиши, давлат органлари ходимлари хатти-ҳаракатлари устидан шикоятлар сонининг ортиши ва аҳолининг давлат органлари фаолиятдан норозилиги кучайиши учун шарт-шароитлар яратмоқда;

бешинчидан, ходимларнинг хизмат ва уй-жой шарт-шароитларини яхшилашга доир чора-тадбирлар амалга оширилиши, шунингдек, бу соҳада мавжуд муаммолар ҳал этилиши устидан жамоатчилик назоратининг кутилаётган натижаларни бермаётганлиги улар фаолиятининг самарадорлигини пасайтиришга олиб келмоқда.

Мазкур муаммоларни ҳал қилиш давлат органларининг фуқаролар билан ўзаро муносабатларига бўлган ёндашувни тубдан қайта кўриб чиқиш-

ни, жумладан аҳоли билан очиқ ва манзилли мулоқот олиб боришнинг янги самарали воситалари ва механизмларини жорий этишни талаб қилмоқда.

Мамлакатда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш, давлат ва жамият ўртасида таъсирчан ҳамда самарали мулоқотни йўлга қўйиш, давлат органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг мустаҳкам механизмларини ривожлантириш, улар фаолиятининг очиқлиги ва шаффофлигини, фуқаролик жамияти институтлари билан самарали ҳамкорликни таъминлаш, шунингдек, 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларни бажариш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари, Вазирлар Маҳкамаси, Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгаши, Ўзбекистон фахрийларининг ижтимоий фаолиятини қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармаси, бошқа нодавлат нотижорат ташкилотлари ва кенг жамоатчиликнинг ҳар бир давлат органи, жумладан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳузурида жамоатчилик кенгашини ташкил этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

2. Давлат органи ҳузуридаги жамоатчилик кенгаши тўғрисидаги намунавий низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Белгилаб қўйилсинки:

жамоатчилик кенгаши ўз ишини жамоатчилик асосида олиб борадиган, доимий фаолият юритувчи маслаҳат-кенгаш органи ҳисобланади;

жамоатчилик кенгаши давлат органи раҳбарининг қарори билан ташкил этилади;

жамоатчилик кенгаши ўз фаолиятини Намунавий низомга мувофиқ ишлаб чиқилган ва давлат органи раҳбарининг қарори билан тасдиқланган низом асосида амалга оширади;

жамоатчилик кенгаши аъзолигига, қоида тариқасида, давлат органида намунали хизмат кўрсатган меҳнат фахрийлари, жамоатчилик фаолияти соҳаларида катта амалий тажрибага эга обрў-эътиборли фуқаролар, шунингдек, нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари вакиллари қабул қилинади.

4. Қуйидагилар жамоатчилик кенгашининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда, қарорларда, шунингдек, давлат, тармоқ ва ҳудудий ривожлантириш дастурларида жамоатчилик манфаатлари ва жамоатчилик фикри ҳисобга олиниши, фуқароларнинг, юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини, жамият манфаатларини ҳимоя қилиш соҳасида қонун ҳужжатлари талаблари ижросини таъминлаш, давлат органи зиммасига юкланган ҳамда ижтимоий ва жамоатчилик манфаатларига дахл қилувчи вазифалар ва функцияларни бажариш, давлат хизматларини кўрсатиш, ижтимоий шериклик доирасида амалга ошириладиган битимлар, шартномалар, лойиҳалар ва дастурларни рўёбга чиқа-

риш бўйича давлат органи ва унинг мансабдор шахсларининг фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш;

биргаликда мулоқот қилиш, давлат органининг нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан самарали ҳамкорлигини таъминлаш учун давлат органини фуқаролар билан боғлаб турадиган «кўприк» ролини бажариш;

фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига дахл қилувчи энг муҳим масалалар юзасидан давлат органининг фаолияти ҳақидаги жамоатчилик фикрини тизимли мониторинг қилиш ва ҳар томонлама таҳлил қилиш, социологик сўровлар ўтказиш, жумладан уларни ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда ўтказиш;

давлат органи фаолиятида коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат дастурлари ва бошқа дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда иштирок этиш, коррупцияга қарши курашиш бўйича олиб борилган ишлар устидан мониторинг ва таҳлил ўтказиш, шунингдек, уларнинг натижалари бўйича таклифлар тайёрлаш;

давлат органи фаолиятининг очиқлигини таъминлаш бўйича амалга оширилаётган тадбирларни мониторинг қилиш, унинг фаолияти тўғрисида батафсил ахборот олиш имкониятларини таҳлил қилиш, уларни янада кенгайтириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

давлат органи фаолиятини ислоҳ қилишда фуқаролар иштирок этиши учун яратилган шарт-шароитларни ўрганиш ва уларни яхшилаш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

давлат органи фаолияти бўйича фуқаролар ўртасида ўтказиладиган тушунтириш ишлари ва маънавий-маърифий тадбирларда иштирок этиш, уларнинг самарадорлигини ошириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш;

давлат органлари ходимлари ва улар оилаларининг уй-жой, ижтимоий-маиший, хизмат шарт-шароитларини, уларга малакали тиббий ёрдам кўрсатиш шароитларини, шунингдек, ишдан бўшатиш ёки захирага олинган ходимларни ижтимоий ва касбий мослаштириш бўйича муаммоларни комплекс таҳлил қилиш ҳамда таҳлил яқунлари бўйича мазкур шароитларни яхшилаш юзасидан таклифлар киритиш.

5. Жамоатчилик кенгашига қуйидаги ҳуқуқлар берилсин:

давлат органи томонидан ташкил этиладиган бўлажак очиқ хайъат мажлислари ва бошқа оммавий тадбирлар тўғрисидаги ахборотни олдиндан олиш ҳамда мазкур тадбирларда иштирок этиш;

давлат органининг, жумладан унинг ҳудудий бўлинмалари ва тасарруфидаги ташкилотларининг бинолари (хоналари) ва бошқа объектларини давлат органи томонидан белгиланган тартибда бориб кўриш;

давлат органи, унинг ҳудудий бўлинмалари ва тасарруфидаги ташкилотлари раҳбарларига жамоатчилик кенгаши ваколатига қирадиган масалалар юзасидан таклифлар киритиш;

давлат органи фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича таклифлар ва тавсияларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш учун зарур бўлган давлат

органининг ахборотлари, статистика ва бошқа материалларини белгиланган тартибда олиш;

давлат органининг қонун ижодкорлиги фаолиятида, давлат органи томонидан ишлаб чиқилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг жамоатчилик ва экспертлар муҳокамасини таъминлашда иштирок этиш;

жисмоний ва юридик шахслар мурожаатларига давлат органи томонидан берилган жавобларнинг сифатини танлаб олган ҳолда таҳлил қилиш;

давлат органи ходимларининг розилиги билан уларнинг уй-жой, ижтимоий-маиший ва хизмат шарт-шароитлари билан танишиш;

жамоатчилик кенгаши мажлисларида муҳокама қилинадиган масалаларни ёритиш бўйича оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлик қилиш;

юклатилган вазифаларни бажариш учун конференциялар, форумлар, семинарлар, давра суҳбатлари ва бошқа тадбирларни ташкил этиш.

6. Давлат органлари бир ой муддатда:

жамоатчилик кенгашларининг таркибларини тасдиқласин ва уларнинг фаолиятини ташкил этишга доир масалалар ҳал этилишини таъминласин;

давлат органига юклатилган вазифалар ва функцияларнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, Жамоатчилик кенгаши тўғрисидаги намунавий низом асосида жамоатчилик кенгашлари ҳақидаги низомларни ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

7. Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институтига давлат органлари билан биргаликда икки ой муддатда жамоатчилик кенгашлари фаолиятини ахборот-таҳлилий ва услубий таъминлаш, давлат органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг таъсирчан механизмларини жорий қилишда уларга қўмаклашиш бўйича тадбирлар режасини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш тавсия этилсин.

8. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги мазкур қарорнинг мазмуни ва аҳамияти кенг ёритилишини ҳамда аҳолига етказилишини ташкил этсин.

9. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Б.М. Мавлонов ва давлат органларининг раҳбарлари зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси**  
**Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2018 йил 4 июль,  
ПҚ-3837-сон

Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг 2018 йил 4 июлдаги  
ПҚ-3837-сон қарорига  
ИЛОВА

## **Давлат органи ҳузуридаги жамоатчилик кенгаши тўғрисидаги НАМУНАВИЙ НИЗОМ**

### **1-боб. Умумий қоидалар**

1. Мазкур Намунавий низом (кейинги ўринларда Низом деб юритилади) давлат органи ҳузуридаги жамоатчилик кенгашининг (кейинги ўринларда — жамоатчилик кенгаши) асосий вазифалари, функциялари, ваколатларини ва фаолиятини ташкил этиш тартибини белгилайди.

2. Жамоатчилик кенгаши ўз ишини жамоатчилик асосида олиб борадиган, доимий фаолият юритувчи маслаҳат-кенгаш органи ҳисобланади.

3. Жамоатчилик кенгаши давлат органининг марказий аппарати ҳузурида ташкил этилади ва унинг фаолияти мазкур давлат органининг барча ҳудудий бўлинмалари ҳамда тасарруфидаги ташкилотларига татбиқ этилади.

4. Жамоатчилик кенгаши давлат органи раҳбарининг қарори билан ташкил этилади.

5. Жамоатчилик кенгашининг қарорлари тавсиявий хусусиятга эга.

6. Жамоатчилик кенгаши ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, мазкур Низомга ҳамда бошқа қонун ҳужжатларига амал қилади.

7. Жамоатчилик кенгаши тўғрисидаги низом ва унга киритиладиган ўзгартишлар ҳамда қўшимчалар давлат органи раҳбарининг қарори билан тасдиқланади.

### **2-боб. Жамоатчилик кенгашининг асосий вазифалари, функциялари, ҳуқуқлари ва мажбуриятлари**

8. Қуйидагилар жамоатчилик кенгашининг асосий вазифалари ҳисобланади:

қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда, қарорларда, шунингдек, давлат, тармоқ ва ҳудудий ривожлантириш дастурларида жамоатчилик манфаатлари ва жамоатчилик фикри ҳисобга олиниши, фуқароларнинг, юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини, жамият манфаатларини ҳимоя қилиш соҳасида қонун ҳужжатлари талаблари ижросини таъминлаш, давлат органи зиммасига юкланган ҳамда ижтимоий ва жамоатчилик манфаатларига дахл қилувчи вазифалар ва функцияларни бажариш, давлат хизматларини кўрсатиш, ижтимоий шериклик доирасида амалга оши-

риладиган битимлар, шартномалар, лойиҳалар ва дастурларни рўёбга чиқариш бўйича давлат органи ва унинг мансабдор шахсларининг фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш;

биргаликда мулоқот қилиш, давлат органининг нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан самарали ҳамкорлигини таъминлаш учун давлат органини фуқаролар билан боғлаб турадиган «кўприк» ролини бажариш;

фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига дахл қилувчи энг муҳим масалалар юзасидан давлат органининг фаолияти ҳақидаги жамоатчилик фикрини тизимли мониторинг қилиш ва ҳар томонлама таҳлил қилиш, социологик сўровлар ўтказиш, жумладан уларни ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда ўтказиш;

давлат органи фаолиятида коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат дастурлари ва бошқа дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда иштирок этиш, коррупцияга қарши курашиш бўйича олиб борилган ишлар устидан мониторинг ва таҳлил ўтказиш, шунингдек, уларнинг натижалари бўйича таклифлар тайёрлаш;

давлат органи фаолиятининг очиқлигини таъминлаш бўйича амалга ошириладиган тадбирларни мониторинг қилиш, унинг фаолияти тўғрисида батафсил ахборот олиш имкониятларини таҳлил қилиш, уларни янада кенгайтириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

давлат органи фаолиятини ислох қилишда фуқаролар иштирок этиши учун яратилган шарт-шароитларни ўрганиш ва уларни яхшилаш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

давлат органи фаолияти бўйича фуқаролар ўртасида ўтказиладиган тушунтириш ишлари ва маънавий-маърифий тадбирларда иштирок этиш, уларнинг самарадорлигини ошириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш;

давлат органлари ходимлари ва улар оилаларининг уй-жой, ижтимоий-маиший, хизмат шарт-шароитларини, уларга малакали тиббий ёрдам кўрсатиш шароитларини, шунингдек, ишдан бўшатиш ёки захирага олинган ходимларни ижтимоий ва касбий мослаштириш бўйича муаммоларни комплекс таҳлил қилиш ҳамда таҳлил яқунлари бўйича мазкур шароитларни яхшилаш юзасидан таклифлар киритиш.

9. Жамоатчилик кенгаши ўз зиммасига юклатилган вазифаларга мувофиқ қуйидаги функцияларни бажаради:

давлат органининг фаолиятига доир масалалар юзасидан фуқаролар, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг ташаббуслари ҳамда мурожаатларини кўриб чиқишда иштирок этади, шунингдек, уларни кўриб чиқиш натижалари бўйича давлат органига тегишли таклифлар киритади;

давлат органининг фуқаролар, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан ўзаро ҳамкорлигини таҳлил қилади, шунингдек, ҳамкорликни такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқади;

давлат органи фаолиятига тааллуқли унинг норматив-ҳуқуқий ҳужжат-



лари ва қарорларини такомиллаштириш, улардаги мавжуд камчиликларни бартараф этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқади, шунингдек, киритилган таклифларни мазкур давлат органи ходимлари ўртасида муҳокама қилишга бағишланган тадбирларни ташкил этишда қатнашади;

давлат дастурлари лойиҳаларини, тадбирлар режаларини ва давлат органи фаолиятига тааллуқли, шу жумладан коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги бошқа ҳужжатларни ишлаб чиқиш юзасидан таклифлар тайёрлайди, қабул қилинган дастурларни амалга оширишда ваколатлари доирасида иштирок этади, бажарилган ишларнинг самарадорлигини таҳлил қилади, шунингдек, йўл қўйилган хато ва камчиликларни бартараф этиш юзасидан таклифлар тайёрлайди;

давлат органи раҳбарлари ва ходимларининг фуқаролар билан учрашувларини, шунингдек, жисмоний ва юридик шахслар мурожаатларини кўриб чиқиш билан боғлиқ ишларни ташкил этишда, шу жумладан жойларга бориб ташкил этишда қатнашади, уларнинг амалга оширилиши устидан мониторинг ўтказади;

давлат органи ходимлари ва улар оилаларининг уй-жой, ижтимоий-маиший, хизмат шарт-шароитларини, уларга малакали тиббий ёрдам кўрсатиш шароитларини яхшилашда, шунингдек, ишдан бўшатиш ёки захирага олинган ходимларни ижтимоий ва касбий мослаштириш муаммоларини ҳал этишда кўмаклашади;

ходимлар ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий ва ҳуқуқий ҳимоя қилиш масалалари бўйича давлат органи ходимлари ўртасида кенг тушунириш ишларини ташкил этади;

давлат органида, унинг ҳудудий бўлинмаларида ва тасарруфидаги ташкилотларида соғлом ишчанлик муҳитини ривожлантириш, қонунийликни, юксак ҳуқуқий маданият ва ахлоқийликни таъминлаш, ходимларда Ватанга содиқлик руҳини ва қонунларга бўлган ҳурматни кучайтириш, уларни ижтимоий, сиёсий, руҳий ва маънавий-маърифий камол топтириш, шунингдек, мазкур соҳадаги илмий-маърифий ва ўқув адабиётларини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқади;

мамлакатда ва хорижда кенг жамоатчиликни давлат органи фаолиятини ислоҳ қилиш бўйича амалга оширилаётган тизимли чора-тадбирлар ҳақида мунтазам равишда хабардор қилишни таъминлайди ҳамда мавжуд муаммоларни ҳал қилиш ва камчиликларни бартараф этиш юзасидан таклифлар ишлаб чиқади;

давлат органи фаолиятига бағишланган илмий-назарий ва илмий-амалий конференциялар, семинарлар, давра суҳбатларини ташкил этишда иштирок этади;

давлат органи фаолиятини оммавий ахборот воситаларида ёритиш бўйича бажарилаётган ишларнинг натижаларини таҳлил қилади, уларнинг самарадорлигини ошириш ва мавжуд камчиликларни бартараф этиш юзасидан таклифлар ишлаб чиқади;

ўзига юклатилган вазифаларни бажаришда нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари, фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари ҳамда фуқаролар билан ҳамкорлик қилади.

10. Жамоатчилик кенгаши зиммасига юклатилган вазифалар ва функцияларни бажариш учун:

давлат органи томонидан ташкил этиладиган бўлажак очиқ ҳайъат мажлислари ва бошқа оммавий тадбирлар тўғрисидаги ахборотни олдиндан олиш ҳамда мазкур тадбирларда иштирок этиш;

давлат органининг, жумладан унинг ҳудудий бўлинмалари ва тасарруфидаги ташкилотларининг бинолари (хоналари) ва бошқа объектларини давлат органи томонидан белгиланган тартибда бориб кўриш;

давлат органи, унинг ҳудудий бўлинмалари ва тасарруфидаги ташкилотлари раҳбарларига жамоатчилик кенгаши ваколатига кирадиган масалалар юзасидан таклифлар киритиш;

давлат органи фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича таклифлар ва тавсияларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш учун зарур бўлган давлат органининг ахборотлари, статистика ва бошқа материалларини белгиланган тартибда олиш;

давлат органининг қонун ижодкорлиги фаолиятида, давлат органи томонидан ишлаб чиқилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг жамоатчилик ва экспертлар муҳокамасини таъминлашда иштирок этиш;

жисмоний ва юридик шахслар мурожаатларига давлат органи томонидан берилган жавобларнинг сифатини танлаб олган ҳолда таҳлил қилиш;

давлат органи ходимларининг розилиги билан уларнинг уй-жой, ижтимоий-маиший ва хизмат шарт-шароитлари билан танишиш;

жамоатчилик кенгаши мажлисларида муҳокама қилинадиган масалаларни ёритиш бўйича оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлик қилиш;

юклатилган вазифаларни бажариш учун конференциялар, форумлар, семинарлар, давра суҳбатлари ва бошқа тадбирларни ташкил этиш ҳуқуқига эга.

Жамоатчилик кенгаши қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

11. Жамоатчилик кенгаши ўз фаолиятини амалга оширишда:

жамоатчилик назорати тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига риоя қилиши;

давлат органи фаолияти билан боғлиқ қонун ҳужжатларида белгиланган чекловларга амал қилиши;

давлат органи ва унинг мансабдор шахсларининг ўз ваколатлари доирасида амалга оширадиган фаолиятига аралашмаслиги;

давлат органи ва унинг мансабдор шахслари фаолият кўрсатиши учун тўсқинлик қилмаслиги;

фуқароларнинг ор-номуси ва қадр-қимматини таҳқирлашга, уларнинг шахсий ҳаётига аралашашига йўл қўймаслиги;

жамоатчилик назоратини амалга ошириш давомида олинган ахборотнинг, агар бундай ахборотни тарқатиш қонун билан чекланган бўлса, махфийлигига риоя қилиши шарт.

Жамоатчилик кенгашининг зиммасида қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

### **3-боб. Жамоатчилик кенгашининг таркибини шакллантириш ва ишини ташкил этиш тартиби**

12. Жамоатчилик кенгашининг таркибига унинг раиси, раис ўринбосари, котиби ва аъзолари киради.

13. Жамоатчилик кенгаши аъзолигига, қоида тарикасида, давлат органида намунали хизмат кўрсатган меҳнат фахрийлари, жамоатчилик фаолияти соҳаларида катта амалий тажрибага эга обрў-эътиборли фуқаролар, шунингдек, нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари вакиллари қабул қилинади.

Жамоатчилик кенгаши аъзоларининг сони чекланмаган.

14. Жамоатчилик кенгашининг таркиби давлат органи раҳбарининг қарори билан ҳар 3 йилда тасдиқланади.

15. Қуйидаги ҳолатларда жамоатчилик кенгашининг раиси, раис ўринбосари, котиби ва аъзолари унинг таркибидан чиқарилиши мумкин:

улар томонидан жамоатчилик кенгаши таркибидан чиқиш тўғрисида ариза берилганда;

жамоатчилик кенгашининг мажлисларида мунтазам равишда иштирок этмаганда, мазкур Низомнинг 11-бандида назарда тутилган мажбуриятларни бажармаганда;

уларга нисбатан чиқарилган суднинг айблов ҳукми қонуний кучга кирганда;

вафот этганда, шунингдек, суднинг қонуний кучга кирган ҳал қилув қарори асосида улар муомалага лаёқатсиз, бедарак йўқолган ёки вафот этган деб топилганда.

16. Жамоатчилик кенгашининг таркиби тўғрисидаги маълумотлар ва унга киритилган ўзгартишлар улар тасдиқланган пайтдан бошлаб 5 кун ичида давлат органининг расмий веб-сайтида эълон қилинади.

17. Жамоатчилик кенгашининг раиси:

жамоатчилик кенгашининг фаолиятига умумий раҳбарлик қилади;

жамоатчилик кенгашининг мажлисларини чакиради ва кун тартибини белгилайди;

жамоатчилик кенгашининг мажлисларида раислик қилади;

жамоатчилик кенгашининг иш режасини, мажлиси баённомасини ва бошқа ҳужжатларини тасдиқлайди;

жамоатчилик кенгаши қарорларининг ижросини назорат қилади;

жамоатчилик кенгаши аъзоларининг зиммасига юклатилган вазифаларни бажарилишини мувофиқлаштиради;

давлат органининг расмий веб-сайтида ва бошқа ресурсларда жойлаштириладиган жамоатчилик кенгашининг фаолияти тўғрисидаги маълумотлар таркиби бўйича таклифлар киритади ва уни давлат органи раҳбари билан келишади;

жамоатчилик кенгаши қарорларини бажариш масалалари юзасидан давлат органи раҳбари билан ҳамкорлик қилади;

жамоатчилик кенгашининг самарали ишини таъминлаш бўйича бошқа ваколатларни амалга оширади.

18. Жамоатчилик кенгашининг раиси бўлмаган тақдирда, унинг ваколатлари ва мажбуриятларини раис ўринбосари бажаради.

19. Жамоатчилик кенгаши раисининг ўринбосари:

раис йўқлигида жамоатчилик кенгашининг мажлисларида раислик қилади; жамоатчилик кенгаши қарорларининг ижросини назорат қилиш бўйича ишларни ташкил этади;

фуқароларни ва юридик шахсларнинг вакилларини қабул қилади, шунингдек, жамоатчилик кенгаши фаолиятига тааллуқли мурожаатларни кўриб чиқиш бўйича ишларни ташкил этади;

жамоатчилик кенгашининг самарали ишларини таъминлаш бўйича бошқа ваколатларни амалга оширади.

20. Жамоатчилик кенгашининг котиби:

жамоатчилик кенгашининг фаолиятини услубий, ташкилий-ҳуқуқий ва ташкилий-техник жиҳатдан таъминлаш масалаларини ҳал қилади;

жамоатчилик кенгашининг навбатдаги мажлисига барча зарур материаллар ўз вақтида тайёрланишини таъминлайди, давлат органи ходимларидан зарур ҳужжатлар ва маълумотларни сўраб олади;

кун тартибига мувофиқ жамоатчилик кенгаши мажлислари ўтказилишини ташкил этади;

жамоатчилик кенгаши ўтказиладиган сана, жой ва таклиф этиладиган шахслар рўйхатини жамоатчилик кенгашининг раиси билан келишади;

жамоатчилик кенгашининг аъзоларини ва таклиф этилган шахсларни жамоатчилик кенгаши мажлиси ўтказиладиган жой, сана ва вақт ҳақида хабардор қилади;

жамоатчилик кенгаши қарорларининг ижро этилиши устидан мониторинг олиб боради ва унинг натижаларини жамоатчилик кенгаши мажлисида кўриб чиқиш бўйича таклифлар киритади;

жамоатчилик кенгаши мажлисининг баённомасини расмийлаштиради ва тасдиқланган баённоманинг жамоатчилик кенгаши аъзолари ҳамда бошқа манфаатдор шахсларга жўнатилишини таъминлайди;

жамоатчилик кенгашининг самарали ишлашини таъминлаш бўйича бошқа ваколатларни амалга оширади.

21. Жамоатчилик кенгашининг аъзолари ўз мажлисларида кўриб чиқиладиган масалаларни муҳокама қилиш ва ҳал қилишда ўз ваколатини бошқаларга ўтказиш ҳуқуқига эга эмас.

Жамоатчилик кенгашининг мажлисида иштирок этиш имкони бўлмаган ҳолатларда, унинг аъзоси мажлис кун тартибидаги масалалар бўйича ўз фикрини ёзма шаклда юбориши мумкин. Бунда унинг фикри мажлисда кўриб чиқилади ва овоз беришда ҳисобга олинади.

Жамоатчилик кенгашининг аъзолари:

ўз зиммаларига юклатилган вазифаларни бажариш учун давлат органи томонидан ташкил этиладиган ҳайъат мажлисларида ва бошқа оммавий тадбирларда иштирок этади;

жамоатчилик кенгаши иш режаларининг лойиҳаларини тайёрлайди, уларни жамоатчилик кенгашида кўриб чиқиш учун киритади ва тасдиқланган иш режалари бажарилишини таъминлайди;

давлат органи фаолиятининг самарадорлигини ошириш бўйича таклифлар ва тавсияларни ишлаб чиқишда ҳамда амалга оширишда қатнашади;

давлат органи ходимлари, уларнинг оила аъзолари билан учрашувлар ўтказиши ва уларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини таъминлаш бўйича таклифларни жамоатчилик кенгашига киритади;

жамоатчилик кенгашининг кун тартибига киритилган масалалар юзасидан таҳлилий материаллар тайёрлайди;

жамоатчилик кенгашининг ваколатига кирадиган масалалар билан боғлиқ мурожаатларни кўриб чиқади ва натижалари бўйича тегишли ҳужжатларни тайёрлайди;

жамоатчилик кенгашининг зиммасига юкланган вазифалар ва функцияларга мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

22. Жамоатчилик кенгаши фаолиятининг асосий масалалари унинг мажлисида кўриб чиқилади. Жамоатчилик кенгашининг мажлиси унинг иш режалари асосида ҳар чоракда камида бир марта чақирилади.

Жамоатчилик кенгашининг раиси жамоатчилик кенгаши аъзоларининг учдан бир қисмининг ёзма мурожаати асосида унинг навбатдан ташқари мажлисини чақириши мумкин.

23. Жамоатчилик кенгашининг мажлисларига бошқа давлат органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамияти институтларининг вакиллари таклиф этилиши мумкин.

24. Жамоатчилик кенгаши мажлиси кун тартибининг лойиҳаси котиб томонидан жамоатчилик кенгаши аъзоларининг таклифлари ва жамоатчилик кенгаши раисининг топшириғи асосида шакллантирилади.

25. Жамоатчилик кенгашининг мажлисини унинг раиси олиб боради. Раис иштирок эта олмаган ҳолатларда, мажлисни унинг ўринбосари олиб боради.

Жамоатчилик кенгашининг мажлисида давлат органи раҳбари, унинг ўринбосарлари ва бошқа ходимлар иштирок этиши мумкин.

26. Жамоатчилик кенгашининг мажлиси, агар унда жамоатчилик кенгаши аъзоларининг камида учдан икки қисми (кворум) иштирок этган тақдирда ваколатли ҳисобланади.

Мажлисни ўтказиш учун кворум шаклланмаган тақдирда, жамоатчилик кенгашининг янги мажлиси ўтказиладиган сана эълон қилинади.

27. Жамоатчилик кенгашининг қарори мажлисда иштирок этаётган жамоатчилик кенгаши аъзоларининг оддий кўпчилик овози билан қабул қилинади.

28. Жамоатчилик кенгашининг ҳар бир аъзоси қабул қилинаётган қарорлар бўйича ўзининг фикрини ёзма шаклда ифодалашга ҳақли. Унинг фикри жамоатчилик кенгаши мажлисининг баённомасига мажбурий тартибда қўшиб қўйилади.

29. Жамоатчилик кенгашининг мажлисида қабул қилинган қарор баён-

нома билан расмийлаштирилади. Жамоатчилик кенгаши мажлисининг баён-номаси котиб томонидан имзоланади, мажлисга раислик қилувчи томонидан тасдиқланади ва уч кун муддатда давлат органига, жамоатчилик кенгаши аъзоларига ва манфаатдор шахсларга юборилади.

30. Жамоатчилик кенгашининг қарорини тезлик билан қабул қилиш зарурияти тувилганда, унинг раиси ташаббуси билан қарор жамоатчилик кенгашининг аъзолари билан келишилган ҳолда сўров йўли билан қабул қилиниши мумкин.

Давлат органи жамоатчилик кенгашининг қабул қилган қарорига қўшилмаган ҳолларда, жамоатчилик кенгашининг қарорини олган кундан бошлаб ўн кундан кечикмай унга асослантирилган эътирозини ёзма шаклда юборади.

31. Жамоатчилик кенгашининг котиби кенгаш аъзолари кўмагида жамоатчилик кенгаши қарорлари ижросининг боришини ўрганади ва кўриб чиқади, зарур бўлган ҳолларда, жамоатчилик кенгашининг раисига тегишли таклифлар киритади.

#### **4-боб. Яқунловчи қоидалар**

32. Жамоатчилик кенгашининг фаолиятини моддий-техник жиҳатдан таъминлаш давлат органи томонидан, шунингдек, қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади.

33. Жамоатчилик кенгашининг фаолияти унинг низомига ва Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ эканлиги давлат органининг раҳбари томонидан назорат қилинади.

34. Жамоатчилик кенгашининг ва давлат органи раҳбарининг жамоатчилик кенгаши фаолияти билан боғлиқ қарорлари устидан белгиланган тартибда шикоят қилиниши мумкин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ҚАРОРИ**551** Иммунология ва инсон геномикаси соҳасида фундаментал ва амалий тадқиқотлар ҳамда инновацион ишларни ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида\*

Иммунология ва инсон геномикаси бўйича илмий тадқиқотларни янада такомиллаштириш, кенг тарқалган касалликларнинг иммунодиагностикаси, иммунопрофилактикаси ва иммунотерапиясида инновацион технологияларни яратиш, шунингдек, мазкур соҳада юқори малакали маҳаллий илмий кадрларни тайёрлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, Инновацион ривожланиш вазирлиги ва Соғлиқни сақлаш вазирлигининг:

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Республика иммунология илмий марказини Иммунология ва инсон геномикаси институти (кейинги ўринларда Институт деб юритилади) этиб қайта ташкил қилган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси тасарруфига ўтказиш;

Институтнинг Қорақалпоғистон Республикаси, Қашқадарё ва Андижон вилоятларида юридик шахс мақомига эга бўлмаган филиалларини ташкил этиш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин.

2. Қуйидагилар Институтнинг асосий вазифалари ва фаолият йўналишлари этиб белгилансин:

биотиббийётнинг умумжаҳон ютуқлари билан ўзаро боғлиқ, иммуногеном технологияларнинг кенг спектри ишлаб чиқилишини таъминловчи комплекс тадқиқотларни амалга ошириш;

онкологик, аутоиммун ва метаболик патологияларда аутоиммун-яллиғланиш жараёнларини шакллантиришнинг тизимли иммунологик, геномик ва ҳужайра-молекуляр механизмларининг умумийлиги ва фарқлари тўғрисида янги тасавурларни ўрганиш ва таърифлаш;

маҳаллий хом ашёдан тайёрланган иммунотроп дори воситаларини ўрганиш мақсадида янги фармацевтика технологияларини ишлаб чиқиш учун тизимли иммунология ва геномиканинг ютуқларидан фойдаланиш;

ҳалқаро талабларга мувофиқ мультиомилли (бирикмали) касалликларни диагностика қилиш ва даволаш учун янги иммунобиогенетик, импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқишда таҳлилий ва технологик асосларни яратиш;

иммунология, тиббий генетика соҳасида ва улар билан боғлиқ йўналишларда юқори малакали ёш мутахассислар ва олий малакали илмий-педагог кадрлар тайёрлаш мақсадида фан ва таълимни интеграциялаш шаклларини такомиллаштириш;

---

\* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 5 июлда эълон қилинган.

инновацион илмий тадқиқотларни ривожлантирадиган янги дастур ва услубларни ишлаб чиқиш, ўқув жараёнини услубий таъминлаш, шунингдек, Институт илмий ходимларининг соҳадаги олий таълим муассасаларининг таълим жараёнида фаол иштирок этишини таъминлаш.

### 3. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Иммунология ва инсон геномикаси институтининг тузилмаси 1-иловага\* мувофиқ;

Иммунология ва инсон геномикаси соҳасида фундаментал ва амалий тадқиқотларни, шунингдек, инновацион ишларни ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар дастури 2-иловага\* мувофиқ тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси президентига, заруратга кўра, Институтнинг тузилмасига ходимларнинг тасдиқланган чекланган умумий сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фонди доирасида ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқи берилсин.

### 4. Белгилаб қўйилсинки:

Институт давлат муассасаси шаклидаги юридик шахс ҳисобланади, Ўзбекистон Республикаси Давлат герби ва давлат тилидаги ўз номи тасвирланган муҳрга ва газна ҳисоб рақамларига эга бўлади;

Институт ходимларига Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси илмий-тадқиқот муассасаларининг тегишли лавозимлари учун назарда тутилган меҳнатга ҳақ тўлаш ва моддий рағбатлантириш шартлари татбиқ этилади;

Институтнинг бино ва иншоотларини сақлаш ҳамда ходимлар (илмий ходимлардан ташқари) меҳнатига ҳақ тўлаш харажатларини молиялаштириш учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетидан ажратиладиган маблағлар, Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги томонидан ўтказиладиган танловлар натижалари бўйича ажратиладиган грантлар, халқаро молия институтлари ва бошқа хорижий ташкилотлар грантлари, хўжалик фаолиятдан келадиган тушумлар, шунингдек, қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар Институт фаолиятини молиялаштириш манбалари ҳисобланади.

### 5. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси:

бир ой муддатда Институтнинг уставини ўрнатилган тартибда тасдиқласин ва унинг давлат рўйхатидан ўтказилишини таъминласин;

Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда икки ҳафта муддатда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Республика иммунология илмий марказининг ўтказиб берилган илмий-техник лойиҳалари, ускуналари, моддий бойликлари ва бошқа мулкани, жумладан автотранспорт воситалари ва ёқилғи-мойлаш материаллари лимитларини инвентаризация қилсин ҳамда уларни Институтга ўтказиб берсин;

Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги, «Ўзбекнефтегаз» АЖ, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва тегишли вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда Институт филиалларини за-

\* 1-2-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.



рур мебель, компьютер техникаси ва замонавий илмий ускуналар билан жиҳозлаш, шунингдек, уларни юқори малакали мутахассислар билан тўлдириш чораларини кўрсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Институт хузурида иммунология ва инсон геномикаси соҳасида ҳақ эвазига мутахассислар малакасини оширадиган ва уларни қайта тайёрлайдиган ихтисослашган марказ ташкил этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ушбу қарор қоидаларидан келиб чиққан ҳолда 2018 йилги Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети харажатлари параметрларига зарур ўзгартиришлар киритсин.

8. Қўйидагилар:

Институт Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Яхё Фуломов кўчаси, 74-уй манзилидаги бинони Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясига оператив бошқарув ҳуқуқи билан ўтказган ҳолда ушбу манзилга;

Институтнинг Андижон филиали бепул фойдаланиш ҳуқуқи асосида Андижон шаҳри, Атабеков кўчаси, 1-уй манзилидаги Андижон давлат тиббиёт институтининг биносига;

Институтнинг Нукус филиали бепул фойдаланиш ҳуқуқи асосида Нукус шаҳри, А. Достаназаров кўчаси, 108-уй манзилдаги Тошкент педиатрия тиббиёт институти Нукус филиалининг биносига жойлаштирилсин.

Қашқадарё вилоят ҳокимлиги икки ҳафта муддатда Институт Қашқадарё филиалининг бепул фойдаланиш ҳуқуқи асосида жойлаштирилишини таъминласин.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 30 сентябрдаги «Имунология соҳасида илмий тадқиқотлар ўтказишни ташкил қилишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–2620-сон қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

10. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

11. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси раиси С.Р. Холмурадов, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Р.С. Қосимов ва Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси президенти Б.С. Юлдашев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2018 йил 5 июль,  
ПҚ–3838-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ҚАРОРИ**552 Ўзбекистон Республикасининг ташқи меҳнат миграция тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида\***

Таъкидлансинки, ташқи меҳнат миграцияси жараёнларини тартибга солиш, хорижда меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун фуқароларни ташкиллаштирилган тарзда йиғиш юзасидан халқаро шартномалар тузиш, уларнинг республика ташқарисида иш жойларига хавфсиз тарзда етиб боришини таъминлаш учун қулай шарт-шароитлар яратиш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирларга қарамасдан, ноқонуний меҳнат миграциясининг катта оқими ҳалигача сақланиб қолмоқда.

Фуқароларни хорижда ташкиллаштирилган тарзда ишга жойлаштириш, шунингдек, меҳнат миграциясидан қайтиб келган шахсларнинг бандлигини таъминлаш кўрсаткичлари паст даражада қолиши давом этмоқда.

Ташқи меҳнат миграцияси тизимини янада такомиллаштириш, унинг ташкилий шакллари тубдан кенгайтириш, меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун республика ташқарисига кетаётган фуқароларнинг меҳнат ва ижтимоий ҳуқуқлари ҳимоя қилинишини таъминлаш, хориждан қайтиб келган меҳнат мигрантларини тадбиркорлик ва меҳнат фаолиятига жалб этишни кенгайтириш, шунингдек, 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларни изчил амалга ошириш мақсадида:

1. Белгилаб қўйилсинки, 2018 йил 1 сентябрдан Ўзбекистон Республикасида рўйхатдан ўтган юридик шахслар:

Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги томонидан бериладиган лицензия асосида Ўзбекистон Республикаси фуқароларини хорижда ишга жойлаштириш бўйича;

Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигида аккредитациядан ўтиш асосида, хорижда меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун кетаётган Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг касбий малакасини, жумладан, касбий кўникмаларга эга бўлиш ва хорижий тилларни билиш даражасини тасдиқлаш борасидаги фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқига эга.

Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳузуридаги Ташқи меҳнат миграцияси агентлиги (кейинги ўринларда Агентлик деб юритилади) Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг лицензиялар бериш ва аккредитациядан ўтказиш тўғрисидаги мурожаатларни кўриб чиқиш, зарур ҳужжатларни тайёрлаш функцияларини бажарувчи ишчи органи этиб белгилансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазир-

---

\* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 6 июлда эълон қилинган.

лиги ҳузурида Хорижда меҳнат фаолиятини амалга оширувчи шахсларни қўллаб-қувватлаш ҳамда уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш жамғармаси (кейинги ўринларда — Жамғарма) юридик шахс мақомида ташкил этилсин.

Қуйидаги харажатларни молиялаштириш Жамғарманинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

хорижда меҳнат фаолиятини амалга ошириш даврида зўравонлик, мажбурий меҳнат ва камситишдан жабрланган, меҳнат ва бошқа ҳуқуқлари бузилган, оғир молиявий аҳволга тушган ва шахсини тасдиқловчи ҳужжатларсиз, тирикчилик учун маблағсиз қолган фуқароларни ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоя қилиш, шунингдек, уларга моддий ёрдам кўрсатиш;

меҳнат миграциясида бўлган даврда жароҳатланиш, бахтсиз ҳодиса сабабли тиббий хизмат кўрсатиш талаб этилган фуқароларга, кўрсатилган тиббий хизматлар ҳақини меҳнат мигранти ҳисобидан тўлаш имконияти бўлмаган ҳолларда тўланган маблағлар ушбу фуқаролар томонидан кейинчалик қоплаб берилиши шarti билан, тиббий хизмат кўрсатиш;

ишга жойлашган давлатнинг тегишли муассасалари томонидан тасдиқланган ҳолларда республикадан ташқарида меҳнат миграциясида бўлган даврда вафот этган фуқароларнинг жасадларини, шунингдек, хориждаги меҳнат фаолияти вақтида меҳнат қобилиятини йўқотишга олиб келган шикастланиш ёки жиддий жароҳатланган фуқароларни олиб келиш;

меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун хорижга ташкиллаштирилган тарзда илгари юборилган ва ишга жойлашган мамлакатнинг қонун ҳужжатларини бузиш оқибатида ушбу мамлакат ҳудудидан чиқариб юборилган (депортация қилинган) фуқароларни, тўланган маблағлар ушбу фуқаролар ҳисобидан кейинчалик қоплаб берилиши шarti билан, шунингдек, келишилган меҳнат шароитлари чет эллик иш берувчилар томонидан таъминлаб берилмаган фуқароларни қайтариш;

республика ҳудудларида хорижга меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун кетаётган фуқароларни кетишдан олдинги мослаштириш, касбий тайёрлаш, хорижий тилларга ўқитиш ва билим даражаси юзасидан тест синовлари ўтказиш, фуқароларнинг касбий малакасини тасдиқлаш марказларини ташкил этиш ҳамда жиҳозлаш;

хорижда Агентликнинг ваколатхоналарини ташкил этиш ва жиҳозлаш;

норасмий меҳнат миграциясининг олдини олишга қаратилган, фуқароларни хорижда ишга ташкиллаштирилган тарзда жойлаштириш тизимини такомиллаштириш масалалари бўйича ахборот-маърифий тадбирларни ўтказиш.

3. Қуйидагилар Жамғарманинг даромадларини шакллантириш манбалари этиб белгилансин:

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан ажратиладиган 200 миллиард сўм миқдоридаги бир марталик беғараз молиявий ёрдам;

Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги билан тузиладиган лицензия келишуви доирасида фуқароларни меҳнат фаолиятини амалга ошириш

учун хорижга юборувчи ташкилотларнинг, захираланаётган маблағ ишлатилган ҳолларда маблағларни тўлдириш, шунингдек, фуқароларни хорижда ишга жойлаштириш ҳуқуқини берувчи лицензия муддати тугатилган ҳолларда маблағларни қайтариш шарти билан, 50 минг АҚШ доллари миқдоридagi захираланадиган маблағлари;

бўш турган маблағларни тижорат банкларининг депозитларига жойлаштиришдан олинadиган даромадлар;

жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳомийлик хайрия маблағлари, шунингдек, қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар.

4. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги бир ой муддатда қуйидагиларни тасдиқлаш бўйича Ҳукумат қарори лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин:

Ўзбекистон Республикаси фуқароларини хорижда ишга жойлаштириш фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низомни;

Хорижга меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун кетаётган Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг касбий малакаларини тасдиқлаш фаолияти билан шуғулланувчи юридик шахсларни аккредитациядан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни;

Хорижда меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун Ўзбекистон Республикаси фуқароларини ташкиллаштирилган тарзда йиғиш тартиби тўғрисидаги низомни;

Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳузуридаги Ташқи меҳнат миграцияси агентлигининг янгиланган низомини;

Хорижда меҳнат фаолиятини амалга оширувчи шахсларни қўллаб-қувватлаш ҳамда уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш жамғармаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисидаги низомни, жумладан, унда жамғарма маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартибини назарда тутган ҳолда.

5. Белгилаб қўйилсинки, 2018 йил 1 августдан:

хусусий меҳнат шартномалари бўйича меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун хорижга кетаётган фуқароларга Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги томонидан белгиланадиган тартибда ихтиёрий рўйхатдан ўтиш таомилини жорий этган ҳолда, хорижда меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун рухсатнома бериш тартиби бекор қилинади;

хорижда меҳнат фаолиятини амалга оширувчи фуқаролар томонидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Бюджетдан ташқари пенсия жамғармасига энг кам иш ҳақининг тўрт ярим баравари миқдоридa йиллик суғурта тўловларини ихтиёрий равишда тўлаш тартиби жорий этилади, бунда тўловлар амалга оширилган даврлар белгиланган тартибда меҳнат стажига қўшилади.

6. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги бир ой муддатда минимал рентабелли янги иш ўринларини яратишга қаратилган ижтимоий корхоналарни давлат-хусусий шериклик шартларида

ташкил этиш механизмларини жорий қилиш бўйича, ушбу мақсадларга Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳузуридаги Жамоат ишлари жамғармаси маблағларини йўналтиришни назарда тутган ҳолда, Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

7. Агентлик барча турдаги солиқлар ва давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий ажратмалардан озод қилинсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига Агентликнинг бошқарув ходимлари ҳисобидан масъул ходимларни Ўзбекистон Республикасининг дипломатик паспорти тақдим этиладиган мансабдор шахслар рўйхатиغا киритиш юзасидан Ҳукумат қарори лойиҳасини киритсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги Адлия вазирлиги ва бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда икки ой муддатда меҳнат қонунчилигини бузганлик учун маъмурий ва жиноий жавобгарликни кучайтириш, шунингдек, қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида таклифлар киритсин.

10. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.А. Абдуҳақимов, Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори О.Б. Муродов, Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Б.М. Мавлонов ва Ўзбекистон Республикасининг бандлик ва меҳнат муносабатлари вазири Ш.Д. Қудбиевга юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2018 йил 5 июль,  
ПҚ-3839-сон

**БЕШИНЧИ БЎЛИМ****ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ  
ҚАРОРИ**

**553** Банк хизматлари истеъмолчилари билан ўзаро муносабатларни амалга оширишда тижорат банкларининг фаолиятига қўйиладиган минимал талаблар тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида\*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил  
2 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3030*

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 23 мартдаги ПҚ–3620-сон «Банк хизматлари оммабоплигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Марказий банк Бошқаруви **қарор қилади:**

1. Банк хизматлари истеъмолчилари билан ўзаро муносабатларни амалга оширишда тижорат банкларининг фаолиятига қўйиладиган минимал талаблар тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан уч ойдан кейин кучга киради.

**Марказий банк раиси**

**М. НУРМУРАТОВ**

Тошкент ш.,  
2018 йил 28 апрель,  
16/18-сон

---

\* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 3 июлда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси  
Марказий банки Бошқарувининг 2018 йил  
28 апрелдаги 16/18-сонли қарорига  
ИЛОВА

**Банк хизматлари истеъмолчилари билан ўзаро  
муносабатларни амалга оширишда тижорат банкларининг  
фаолиятига қўйиладиган минимал талаблар тўғрисида  
НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 23 мартдаги ПҚ–3620-сон «Банк хизматлари оммабоплигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ банк хизматлари истеъмолчиларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш мақсадида банк хизматлари истеъмолчилари (бундан буён матнда истеъмолчилар деб юритилади) билан муносабатларни амалга оширишда тижорат банкларининг (бундан буён матнда банк деб юритилади) фаолиятига қўйиладиган минимал талабларни белгилайди.

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Мазкур Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

**истеъмолчилар** — банк хизматидан фойдаланиш истагида банкка муурожаат қилган, ушбу хизматдан фойдаланаётган ёки олдин фойдаланган жисмоний ёки юридик шахслар;

**шахсий кабинет** — банкнинг расмий веб-сайтида жойлаштирилган, истеъмолчига банк хизматини кўрсатиш шартномаси бўйича ўз мажбуриятларини бажариши юзасидан ахборот олиш, шунингдек Интернет тармоғидан фойдаланган ҳолда хабарлар алмашиш орқали банк билан ўзаро ҳамкорлик қилиш имконини берувчи ахборот ресурси;

**муурожаат** — истеъмолчи (ёки унинг вакили) томонидан оғзаки, ёзма ёки электрон шаклда банкка юборилган банк хизматларини кўрсатишга тааллуқли ариза, шикоят ёки таклиф.

2. Истеъмолчилар банк ва банк хизматларини эркин танлаш ҳуқуқига эга.

Банк томонидан бир хизматнинг истеъмолчига қўшимча хизматдан фойдаланиш шarti билан кўрсатилиши тақиқланади.

3. Банк хизматлари банк ва истеъмолчи ўртасида тузилган шартномага мувофиқ кўрсатилади.

Шартномаларнинг матни истеъмолчилар тушуниши учун аниқ ва содда тарзда баён этилиши ва компьютер воситасида босиб чиқаришда «Times New Roman» 12 ўлчамли шрифтдан кам бўлмаган ёки шунга ўхшаш шрифтни қўллаган ҳолда Microsoft Word матн редакторидан фойдаланилиши лозим.

Истеъмолчилар танловига кўра шартнома матни давлат ёки рус тилида тузилиши мумкин.

## **2-боб. Истеъмолчига ахборот беришнинг минимал талаблари**

### **1-§. Маълумотлар беришнинг умумий минимал талаблари**

4. Банк томонидан кўрсатиладиган барча хизматлар тўғрисида маълумотлар истеъмолчига ошкор этилиши лозим.

Хизматлар тўғрисидаги маълумотлар тижорат ёки банк сирини ўз ичига олмаслиги зарур.

5. Банк хизматларини тақдим этиш шартларининг ўзгариши ҳақидаги маълумот банкнинг расмий веб-сайтида жойлаштирилиши ҳамда банкнинг ахборот стендларида доимий равишда жойлаштирилиб борилиши керак.

6. Истеъмолчиларга банк хизматлари тўғрисидаги маълумотлар шартномалар тузилишидан аввал бепул тақдим этилиши ва таништирилиши шарт.

7. Банк томонидан истеъмолчиларга банк хизматлари тўғрисидаги маълумотлар давлат ва рус тилларида етказилади. Банк хизматлари тўғрисидаги маълумотларнинг матни лўнда, оддий ва равон тилда баён этилиши керак.

8. Истеъмолчиларга банк томонидан кўрсатиладиган хизматлар тўлиқ ва тўғри тушунтирилиши лозим.

Банк хизматлари тўғрисидаги маълумотлар қоғоз шаклда берилганда «Times New Roman» 12 ўлчамли шрифтдан кам бўлмаган ёки шунга ўхшаш шрифтни қўллаган ҳолда Microsoft Word матн редакторидан фойдаланиш керак.

9. Банк томонидан кредит бўйича хизмат кўрсатиш даврида истеъмолчининг оғзаки ёки ёзма сўрови олинган кундан эътиборан бир иш куни ичида унга қуйидаги ахборотлар ёзма шаклда ойда бир марта бепул тақдим этилади:

кредитлаш лимити;

кредит бўйича тўланган пул маблағлари суммаси;

асосий сумма бўйича қарз қолдиғи;

навбатдаги тўловларнинг миқдори, таркиби ва муддатлари (тўловлар жадвали);

кредитни муддатидан олдин қисман ёки тўлиқ сўндириш истаги билдирилган тақдирда тўлаш лозим бўлган суммалар миқдори;

муддати ўтказиб юборилган қарздорлик миқдори ва таркиби;

келиб тушаётган пул маблағлари кредит бўйича қарзни сўндиришга йўналтирилиши ҳақида ахборотлар.

10. Банк истеъмолчининг талабига кўра қуйидаги ҳужжатларнинг банк



томонидан тасдиқланган нусхаларини бепул (битта банк хизматини кўрсатиш шартномаси бўйича бир марта) беришга мажбур:

банк ва истеъмолчи томонидан имзоланган банк хизматини кўрсатиш ҳақидаги шартномасини;

истеъмолчи томонидан берилган ариза (агар қонун ҳужжатларига мувофиқ бундай аризининг расмийлаштирилиши мажбурий бўлса ёки банкнинг ички қоидаларига асосан банк хизматини кўрсатиш тўғрисидаги шартномани тузиш чоғида бундай ариза расмийлаштирилиши шарт бўлганда);

истеъмолчига кредит берилганлигини тасдиқловчи ҳужжат (ордер, тўлов топшириқномаси, электрон тўлов воситасига пул маблағлари ўтказилганлиги тўғрисида маълумотнома);

кредит шартномалари бўйича истеъмолчи томонидан мажбуриятлари тўлиқ бажарилганлигини тасдиқловчи ҳужжат (маълумотнома).

Банк истеъмолчининг талабига кўра мазкур бандда назарда тутилган ҳужжатларни уларни тайёрлаш харажатларидан ошмайдиган ҳақ эвазига чекланмаган тарзда тақдим этиши мумкин. Бундай ҳужжатларни тақдим этишнинг имкони мавжуд бўлмаган тақдирда, бу ҳақда банк томонидан истеъмолчига асосли равишда ёзма хабар берилиши керак.

11. Банк истеъмолчиларга маълумот бериш учун банк хизматини кўрсатиш шартномасини тузиш чоғида улар билан боғланиш алоқа воситаларини келишиб олиши ва ушбу алоқа воситалари орқали боғланиш имкониятини таъминлаши лозим.

12. Истеъмолчининг тегишли сўрови банкда рўйхатдан ўтказилган кундан бошлаб ўн иш куни ичида банк хизматини кўрсатиш ҳақидаги шартнома, истеъмолчи томонидан берилган ариза ва истеъмолчига кредит берилганлигини тасдиқловчи ҳужжат ҳамда бир иш куни ичида кредит шартномалари бўйича истеъмолчи томонидан мажбуриятлари тўлиқ бажарилганлигини тасдиқловчи ҳужжат тақдим этилади.

## **2-§. Банкнинг расмий веб-сайтида ахборот бериш хусусиятлари**

13. Банк ўзининг расмий веб-сайтига эга бўлиши шарт.

14. Банкнинг расмий веб-сайтида сайтнинг тузилишини баён этувчи, ушбу тузилмадаги расмий веб-сайтнинг ҳар бир саҳифаси жойлашган жойни қулай шаклда аниқлаш имконини берувчи бўлим бўлиши керак.

15. Банкнинг расмий веб-сайти Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 2 июлдаги 176-сон қарори билан тасдиқланган Акциядорлик жамиятларининг корпоратив веб-сайтларига қўйиладиган талаблар тўғрисидаги низомга мувофиқ бўлиши керак.

16. Банкнинг расмий веб-сайтидаги ахборотдан фойдаланишда:

истеъмолчилар зарур маълумотлардан хоҳлаган пайтида танишиб чиқиш ва ундан фойдаланиш имконига эга бўлиши керак. Маълумот билан таниш-

ганлик ёки ундан бошқача тарзда фойдаланганлик учун ҳақ ундирилмаслиги ҳамда бошқа чекловлар қўйилмаслиги лозим;

истеъмолчи маълумот билан бепул ва кенг тарқалган дастурий таъминот ёрдамида фойдаланиш имконига эга бўлиши лозим;

ахборот шифрланган ёки бошқа воситалар орқали ҳимояланган бўлмаслиги керак;

банк ўз расмий веб-сайтида жойлаштирилган ахборотдан (истеъмолчининг шахсий кабинетига жойлаштирилган ахборотдан ташқари) фойдаланиш учун истеъмолчидан рўйхатдан ўтиш ёки шахсий маълумотларини тақдим этишини, шунингдек у билан турли хил битимлар тузишни талаб қилишга ҳақли эмас.

17. Банк расмий веб-сайтнинг мазкур банк ва кўрсатилаётган банк хизматлари шартлари тўғрисида ахборотларни ўз ичига олган бўлимига веб-сайтнинг бош саҳифасидан гиперхаволалар орқали бир ўтишда кириш учун имкони яратилган бўлиши керак.

18. Банк истеъмолчига унинг шахсий кабинетига кредит шартномаси бўйича истеъмолчи билан тузилган шартнома ва унга киритилган ўзгартиришлар ҳамда мазкур Низомнинг 9-бандида кўрсатилган маълумотлардан фойдаланиш имкониятини таъминлаб бериши шарт.

### **3-§. Банк фаолиятга оид реклама тусидаги ахборотлар бериш**

19. Реклама тусидаги ахборот истеъмолчининг ишончини суиистеъмол қилмайдиган тарзда ва (ёки) истеъмолчининг тажрибаси ва билими етишмаслигидан фойдаланишни кўзламаган ҳолда тақдим этилиши лозим.

20. Реклама тусидаги ахборот бевосита ёки билвосита, икки хил маънода қўллаш ёки ошириб кўрсатиш воситасида истеъмолчини чалғитиши, хусусан банк хизматининг шартлари юзасидан истеъмолчининг танловига таъсир ўтказмаслиги керак.

21. Реклама берувчи банк Интернет тармоғида контекстли рекламани жойлаштиришда бошқа кредит ташкилотининг фирма номи ва (ёки) товар белгисидан калит сўзлар сифатида фойдаланиши мумкин эмас.

22. Реклама берувчи банк истеъмолчига нотўғри ахборот тақдим этилишига йўл қўймаслик мақсадида ўз расмий веб-сайтини бошқа кредит ташкилотининг илгари эълон қилинган расмий веб-сайтга ўхшатиб ниқоблашмаслиги керак.

### **4-§. Истеъмолчига бериладиган ахборотнинг минимал ҳажми**

23. Банкнинг ахборот стендларида ва расмий веб-сайтида қуйидаги ахборотлар жойлаштирилиши шарт:

банкнинг тўлиқ ва қисқартирилган номи, манзили, филиаллари манзил-

лари, иш вақти, боғланиш учун алоқа телефонлари, расмий веб-сайти ва электрон почта манзили;

мазкур Низомнинг матни;

истеъмолчиларга банк хизматларини кўрсатиш тартиби, шартлари ва қиймати, шу жумладан банк хизмати бўйича шартнома ва бошқа ҳужжатлар шартлари изоҳлаб берилган матни;

банк операциялари бўйича тарифлар, фоиз ставкалари ва воситачилик ҳақлари тўғрисида;

истеъмолчилар мурожаатларини кўриб чиқиш тартиби, шу жумладан мурожаат қилиш усуллари ва улар йўлланадиган манзиллар тўғрисида;

истеъмолчининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш усуллари, шу жумладан низони судгача ҳал этиш имконияти ва усуллари ҳақида.

24. Банк истеъмолчини тарафларнинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарлиги ҳақида хабардор қилиши, шунингдек истеъмолчининг талабига кўра мазкур Низомнинг 23-бандида кўрсатилган ахборотни тақдим этиши шарт.

Тақдим этилаётган хизматларнинг шартлари ва қиймати ҳақидаги ахборотни беришни рад этишга йўл қўйилмайди.

25. Банк омонати шартномаси шартларига омонатчининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига дахл қиладиган ўзгартиришлар банк томонидан бир томонлама киритилишига йўл қўйилмайди.

26. Банк омонати шартномаси тузилгунга қадар банк истеъмолчига оғзаки тарзда қўйидаги ахборотни тақдим этади:

омонат тури (талаб қилиб олгунча, муддатли, жамғарма);

омонат муддати (мавжуд бўлганда);

омонатнинг энг кам суммаси;

мукофот ставкалари;

қўшимча битим тузмаган ҳолда омонат муддатини узайтириш шартлари;

омонатни тўлдириш имконияти;

омонатни тўлиқ ёки қисман муддатидан олдин қайтариб олиш шартлари;

банк омонати шартномаси бўйича назарда тутилган банк ва истеъмолчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, уларнинг жавобгарлиги тўғрисида.

27. Кредит шартномаси тузилгунга қадар банк истеъмолчига қўйидаги ахборотни тақдим этади:

кредитнинг энг кўп миқдори ва валютаси, шу жумладан чет эл валютаси билан боғлиқ эҳтимолий таваккалчиликлари (чет эл валютаси бўйича курслар ўзгариши натижасида юзага келадиган молиявий йўқотиш билан боғлиқ таваккалчилик) ҳақида огоҳлантиради;

кредитдан фойдаланиш муддати;

фоиз ставкасининг йиллик номинал қиймати, шунингдек истеъмолчи мурожаат қилган санадаги йиллик реал фоиз ставкасининг миқдори;

воситачилик ҳақлари, тарифлар ва кредит олиш ҳамда унга хизмат кўрсатиш билан боғлиқ бўлган бошқа тўловларнинг батафсил рўйхати ва миқдорлари;

кредит шартномаси бўйича мажбуриятлар бажарилмаган тақдирда истеъмолчининг жавобгарлиги ва таваккалчиликлари;

гаровга қўювчи, кафил (кафолат берувчи) ва кредит шартномасининг тарафи ҳисобланган бошқа шахснинг жавобгарлиги;

банк ва истеъмолчининг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари, шу жумладан муддати ўтказиб юборилган қарздорликни ундириш жараёнида истеъмолчининг ҳуқуқлари, шунингдек банк хизматларини кўрсатиш шартномасида кўзда тутилган тарафларнинг жавобгарлиги ҳақидаги маълумотлар.

28. Банк истеъмолчини қуйидаги омилларни ҳисобга олган ҳолда ўз молиявий аҳволини таҳлил қилиши зарурлиги тўғрисида огоҳлантириши лозим:

истеъмолчининг қарз юки жорий молиявий аҳволига мос келиши;

банк хизматини кўрсатиш шартномасида кўрсатилган мажбуриятларини бажариши учун тахминан қайси муддатларда ва қанча миқдорда пул маблағлари келиб тушиши кутилаётганлиги (масалан, жисмоний шахслар учун — иш ҳақи тўланиши, бошқа даромадлар олиши даврийлиги);

кредит шартномаси бўйича ўз мажбуриятларини бажара олмаслигига олиб келиши мумкин бўлган енгиб бўлмас куч таъсиридаги вазиятлар ва бошқа ҳолатлар юз бериши эҳтимоли (шу жумладан жисмоний шахслар учун — ишини йўқотиш, ўзига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра иш ҳақи ва бошқа турдаги даромадларни кечикиб олиши, ишга жойлашиши, соғлигининг ёмонлашганлиги натижасида даромадларининг тушиб кетиши).

29. Банк истеъмолчи кредит шартномаси бўйича ўз мажбуриятларини лозим даражада бажармаслиги билан боғлиқ таваккалчиликлар тўғрисида, шу жумладан истеъмолчига нисбатан мажбуриятларни бузганлиги учун қўлланиладиган неустойка (жарима, пеня) ва уларнинг натижасида истеъмолчининг харажатлари суммаси ошиши эҳтимоли тўғрисида ахборот беради.

30. Банк сўровига жавобан истеъмолчи томонидан тақдим этилган маълумотлар — тузилаётган кредит шартномасининг шартларига таъсир кўрсатиши мумкинлиги ҳақида истеъмолчи огоҳлантирилиши зарур.

### **3-боб. Банкнинг истеъмолчи билан муносабатларни ташкил этиши**

#### **1-§. Банк томонидан истеъмолчи билан муносабатларни амалга оширишнинг асосий қоидалари**

31. Истеъмолчида банк хизматини кўрсатиш шартномаси бўйича тарафларнинг ўзаро муносабатлари юзасидан саволлар юзага келганда, банк истеъмолчига ушбу саволларнинг моҳияти бўйича асосли жавоб ва бошқа тегишли тушунтиришлар бериши шарт. Бунда, банк истеъмолчиларга қарз тўлашдан бўйин товлаш ва (ёки) уни тўламаганлик учун жавобгарликдан қочишнинг усул ва йўлларини қўллаш, шунингдек бошқа шунга ўхшаш масалалар юзасидан (шу жумладан бошқа молия ташкилотлари томонидан

кўрсатиладиган банк хизматлари бўйича ҳам) маслаҳат бериш билан боғлиқ фаолият билан шуғулланишга ҳақли эмас.

32. Истеъмомчи оғзаки маслаҳат сўраб мурожаат қилганда кутиш муддати ўттиз дақиқадан ошмаслиги керак.

33. Банк фаолиятида инсофсиз хизмат кўрсатиш амалиётларининг қўлланилишига йўл қўйилмайди, жумладан:

истеъмомчи бошқа кредит ташкилоти билан банк хизматини кўрсатиш шартномасини тузишига тўсқинлик қилиш мақсадида банк томонидан кредит бюросига ёки бошқа ташкилотларга нотўғри ахборот бериш;

истеъмомчи учун мақбул шартларда расмийлаштирилган бошланғич қарзни қайтариш мақсадида уни бошқа кредит шартномасини тузишга рағбатлантириш;

истеъмомчиларнинг қарзи миқдорини оширишга йўналтирилган чоратадбирларни амалга оширганлиги учун банк ходимларини мукофотлаш ва рағбатлантириш тақиқланади.

34. Истеъмомчиларга кредитлар бўйича хизмат кўрсатаётганда банклар кредитлаш жавобгарлигининг ҳалоллик, шаффофлик, ишонччилик, шерикчилик муносабатлари, иқтисодий манфаатлар ва имкониятларни ҳисобга олиш тамойилларига риоя қилишлари шарт.

35. Банк:

кредит бўйича номинал ва реал фоиз ставкаларни кредит бериш сана-сидаги эълон қилинган фоиз ставкалари кўрсаткичларидан оширмаслиги (фоиз тўловлари номинал ставка бўйича кредит асосий суммасининг камайиб борадиган қолдиғига ҳисоблаб ёзилади);

кредит шартномаси тузилгунга қадар мазкур Низомнинг 27 — 29-бандларига мувофиқ ахборотни истеъмомчига маълум қилиши;

кредит шартномаси тузилгунга қадар қарз олувчининг тўловга қобилият-лилигини пухта ўрганиши;

қонун ҳужжатларига мувофиқ истеъмомчидан ундирилиши тақиқланган қўшимча йиғимлар, воситачилик ҳақлари ва бошқа тўловларни кредит шартномаси шартларига киритмаслиги;

кредит ёки лизинг шартномасида шартнома тузилгандан кейин ва мижоз томонидан пул маблағлари олингунга ёхуд лизинг бўйича мол-мулк учун тўлов амалга оширилгунга қадар бўлган даврда истеъмомчининг кредит ёки лизинг олишдан бепул асосда воз кечиш ҳуқуқини назарда тутиши;

кредит шартномасида жарима санкцияларини ундирмаган ҳолда исталган вақтда истеъмомчининг кредитни (лизингни) муддатидан олдин сўндириш ҳуқуқини назарда тутиши;

кредит қарздорлиги бўйича ҳисобланган фоизлар, воситачилик ҳақи ва неустойкаларнинг (пеня, жарималар) энг кўп умумий суммаси қонун ҳужжатларида белгиланган миқдордан ошиб кетмаслигини назорат қилиши;

гаров предмети сифатида қўйилган бирдан-бир турар жой фақат суд тартибида ундирилиши мумкинлигини ва у оммавий савдолар орқали реа-

лизация қилинишини (қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно) истеъмолчига маълум қилиши;

кредит шартномасининг шартларига қарз олувчининг ҳуқуқлари чекланишига ва/ёки мажбуриятлари оширилишига олиб келувчи ўзгартиришларнинг бир томонлама киритилишига йўл қўйимаслиги лозим.

36. Кредит бўйича тўловларни кредит шартномаси валютасидан бошқа валютага боғланган ҳолда индексация қилишни назарда тутувчи кредит маҳсулотларидан фойдаланишга йўл қўйилмайди.

37. Банк кредит бўйича қарздорликни ундиришни кредит шартномасида ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда ва асосларда амалга оширади.

Кредит бўйича қарздорликни ундириш мақсадида банк қарздорликни сўндириш зарурлиги ва кредит бўйича мажбуриятлар бажарилмаслигининг оқибатлари ҳақида тегишли тарзда қарздорни хабардор қилади. Қарздорлик тўғрисидаги хабарнома асосий қарз суммаси, ҳисобланган фоизлар, воситачилик ҳақи, неустойка, бошқа тўловлар (агар мавжуд бўлса) кўрсатилган ҳолда қарздорлик миқдори тўғрисида қарздор учун қисқача ахборотни ўз ичига олган бўлиши керак. Хабарномани маҳаллий вақт билан соат 20:00 дан 8:00 гача қўлга топшириш ва у ҳақда телефон воситалари орқали овзаки эслатмалар қилишга йўл қўйилмайди.

38. Кредит бўйича талабни бошқа банкка ўтказиш фақат қарздорнинг розилиги билан амалга оширилиши мумкин. Қарздорнинг розилигидан қатъи назар, кредит бўйича талабни учинчи шахсларга ўтказиш бўйича банкнинг (кредиторнинг) ҳуқуқини кредит шартномасига киритишга йўл қўйилмайди. Кредит бўйича талабни учинчи шахсга ўтказиш ҳуқуқи алоҳида битим билан расмийлаштирилади.

## **2-§. Истеъмолчиларга хизмат кўрсатиш бўйича минимал талаблар**

39. Банк:

ушбу Низомнинг 23-бандида назарда тутилган, хизмат кўрсатиш жойларида ошкор этиладиган ахборотдан барча истеъмолчилар бутун иш вақти давомида фойдалана олишларига имкон яратиб бериш керак;

ахборот истеъмолчилар учун қулай ва монеликсиз танишиш имконини берадиган тарзда жойлаштирилишини таъминлаши керак;

истеъмолчилар билан бевосита ишловчи банк ходимларини (бундан буён матнда администраторлар деб юритилади) истеъмолчилар кўра оладиган, ходимнинг фамилияси, исми ва лавозими қайд этилган визуал идентификация воситаларига эга бўлишларини таъминлаши лозим;

банк хизматларини кўрсатиш учун мўлжалланган жойида истеъмолчилар ва ногиронлиги бўлган ҳамда имконияти чекланган истеъмолчилар билан шартномаларни тузиш имкониятини таъминлаши керак.

40. Администраторлар ушбу Низомда назарда тутилган, истеъмолчига бериладиган ахборотнинг минимал ҳажмини содда шаклда тақдим эта оли-

ши, шунингдек истеъмолчининг бундай ахборот қайд этилган банк ҳужжатлари билан танишиши учун имкон яратиши шарт.

Банк администраторларга ушбу Низомнинг 23-бандида кўрсатилган ахборотни олиш, ўрганиш ва янгилаш имкониятини таъминлаши шарт.

#### **4-боб. Қарздорлик юзага келганда банкларнинг истеъмолчилар билан ўзаро муносабатларни амалга ошириш**

41. Кредит шартномаси бўйича муддати ўтказиб юборилган қарздорлик юзага келганда, банк истеъмолчи зиммасидаги қарз юки янада ошиб кетишининг олдини олиш мақсадида муддати ўтказиб юборилган қарздорлик юзага келган санадан бошлаб 7 (етти) календарь куни давомида истеъмолчи билан шартномада келишилган ҳар қандай алоқа боғлаш усулларидан, шу жумладан электрон алоқа воситаларидан ёки қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа усуллардан фойдаланиб, истеъмолчига муддати ўтказиб юборилган қарздорлик юзага келганлиги ҳақида сўндириш жадвалини илова қилган ҳолда хабар бериши шарт.

42. Банк қонун ҳужжатлари талабларини ҳисобга олган ҳолда истеъмол кредити шартномаси бўйича истеъмолчини муддати ўтказиб юборилган қарздорликни қайтариш мажбуриятлари бажарилмаганлиги ҳолати, муддати, суммалари, таркиби ва оқибатлари ҳақида хабардор қилиши, истеъмолчидан муддати ўтказиб юборилган қарздорлик юзага келиши сабаблари ҳақида сўраши шарт.

43. Истеъмолчи кредит шартномаси бўйича қарзнинг асосий суммасини қайтариш ва (ёки) фоизларни тўлаш муддатларини бузганда, банк тегишли кредит шартномасида назарда тутилган усулда низони судгача ҳал қилиш юзасидан ўз талабномасини истеъмолчига етказди.

44. Банк йўллайдиган талабномада қуйидаги ахборот кўрсатилган бўлиши керак:

банк номи ва уни идентификациялаш учун етарли маълумотлар;

талабнома тузилган санадаги истеъмолчининг жорий қарзи миқдори ва таркиби;

қарзни тўлаш усул(лар)и;

талабномада кўрсатилган муддатгача истеъмолчи ўз мажбуриятларини бажармаслиги оқибатлари;

низони суддан ташқари ҳал қилиш усуллари.

45. Банк ва истеъмолчи тарафларнинг ўзаро розилигига кўра қонун ҳужжатларида белгиланган низони ҳал қилишнинг суддан ташқари усулларини, шу жумладан музокаралар ўтказиш орқали, қўллашга ҳақли.

46. Талабномада белгиланган муддатда ўттиз кун ичида истеъмолчи унда кўрсатилган талабларни лозим даражада бажармаганда, банк тегишли талаб билан судга мурожаат қилишга ҳақли.

**5-боб. Истеъмолчиларнинг мурожаатларини кўриб чиқишга кўйиладиган талаблар**

47. Банк истеъмолчиларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш тартибига эга бўлиши керак. Банк истеъмолчиларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш тартиби мазкур Низомга ва қонун ҳужжатларига мувофиқ бўлиши керак.

Банк томонидан мурожаатларни кўриб чиқиш тартиби тўғрисидаги маълумотлар банкнинг (филиалнинг) стендларида ва расмий веб-сайтида жойлаштирилган бўлиши лозим.

Истеъмолчининг талабига мувофиқ банк истеъмолчига мурожаатларни кўриб чиқиш тартибини тушунтириб бериши лозим.

Банк мурожаатларни ўз вақтида ва ҳолисона кўриб чиқилишини таъминлайди ҳамда унинг натижалари бўйича мурожаат этувчиларни хабардор қилади.

48. Истеъмолчиларнинг барча ёзма ва электрон мурожаатлари ўша куннинг ўзида, иш вақти тугаганидан кейин келиб тушган тақдирда эса, кейинги иш куни мурожаатлар ҳисобини қайд этиш дафтарида рўйхатдан ўтказилиши керак.

Истеъмолчиларнинг мурожаатлари ҳисобини қайд этиш дафтари рақамланган, тикилган ва муҳрланган бўлиши керак.

Истеъмолчиларнинг мурожаатлари ҳисобини қайд этиш дафтари тўлиқ махфийлик ва ахборот хавфсизлиги таъминланган ҳолларда электрон шаклда юритилиши мумкин. Дафтар камида беш йил сақланади.

49. Истеъмолчилардан келган мурожаатлар банк (филиал) раҳбари кўрсатмасига асосан белгиланган ижрочи томонидан кўриб чиқилади.

50. Банк (филиал) раҳбарияти банкнинг расмий веб-сайти ва ахборот стендларида жойлаштирилган жисмоний шахсларни ва юридик шахсларнинг вакилларини қабул қилиш жадвалига мувофиқ истеъмолчиларни шахсан қабул қилишлари шарт. Шахсий қабул баённома асосида расмийлаштирилиб, истеъмолчи томонидан имзоланади ёки истеъмолчини хабардор қилган ҳолда махсус (аудио ва видео) техника воситалари орқали овозлар ёзиб олиниши ёки видеотасвирга туширилиши мумкин.

51. Истеъмолчиларни шахсий қабул қилиш банкнинг масъул ходими томонидан мунтазам равишда, банк хизматларини кўрсатиш учун мўлжалланган жойда амалга оширилади.

52. Телефон орқали мурожаат этилганда, ушбу мурожаатни кейинчалик кўриб чиқишда фойдаланиш мақсадида истеъмолчини олдиндан хабар қилган ҳолда суҳбат махсус (аудио) техника воситалари орқали ёзиб олиниши мумкин.

53. Банк ходимининг ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлиги устидан келиб тушган мурожаат, шу ходимнинг ўзига кўриб чиқиш учун топширилиши мумкин эмас.

54. Истеъмолчининг мурожаати юзасидан йўлланадиган жавоб хати банк (филиал) раҳбарияти томонидан имзоланиши лозим.



Мурожаатларга жавоблар мумкин қадар мурожаат этилган тилда баён қилинади, жавоблар мурожаатда кўрсатилган ҳар бир масала бўйича важларни инкор этувчи ёки тасдиқловчи аниқ асосларни (заруратга қараб қонун ҳужжатлари нормаларига ҳаволалар қилинган ҳолда) ўз ичига олган бўлиши керак.

55. Агар банкка бир нечта (икки ёки ундан ортиқ) истеъмолчи томонидан мурожаат этилганда, агар мурожаатда жавобни бошқа шахсга юбориш талаб этилмаган бўлса, мурожаат қилувчиларнинг рўйхатида биринчи кўрсатилган шахсга юборилади.

56. Истеъмолчининг мурожаати асосли деб топилган ҳолларда, банк камчиликларни бартараф этиш, истеъмолчининг қонуний манфаатлари ва ҳуқуқларини тиклаш юзасидан тегишли чораларни кўриши зарур.

57. Банк мурожаатларни кўриб чиқиш бўйича ички назоратни таъминлаши лозим.

58. Банк мунтазам равишда:

истеъмолчиларнинг мурожаатларини мониторинг қилади, унда қайд этилган масалаларни ҳамда мурожаатлар динамикасини таҳлил этади, умумлаштиради;

истеъмолчиларнинг мурожаатлари билан ишлашни такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқади;

аниқланган камчиликларни бартараф этиш ва келгусида банк фаолиятида бундай камчиликлар такрорланмаслигини таъминлаш лозим.

### **6-боб. Яқуний қоида**

59. Мазкур Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгарликка тортиладилар.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ  
ҚАРОРИ

**554** Ўзбекистон Республикаси банкларида статистик ҳисоботни ташкил этиш қоидаларини, шунингдек унга ўзгартиришларни ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида\*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 2 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 680-2*

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви **қарор қилади:**

1. Қуйидагилар ўз кучини йўқотган деб топилсин:

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви томонидан 1998 йил 20 февралда 386-сон билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси банкларида статистик ҳисоботни ташкил этиш қоидалари (рўйхат рақами 680, 1999 йил 22 март);

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2002 йил 21 сентябрдаги 386-1-сон «Ўзбекистон Республикаси банкларида статистик ҳисоботни ташкил этиш қоидаларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги қарори (рўйхат рақами 680-1, 2002 йил 5 октябрь) (Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларининг меъёрий ҳужжатлари ахборотномаси, 2002 й., 19-сон).

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Марказий банк раиси**

**М. НУРМУРАТОВ**

Тошкент ш.,  
2018 йил 26 май,  
19/3-сон

---

\* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 3 июлда эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ  
ҚАРОРИ

## **555 Тижорат банкларида статистик ҳисоботларни юритиш қоидаларини тасдиқлаш ҳақида\***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил  
2 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3031*

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги, «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги, «Давлат статистикаси тўғрисида»ги қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 9 январдаги ПФ–5296-сон «Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви **қарор қилади:**

1. Тижорат банкларида статистик ҳисоботларни юритиш қоидалари иловага мувофиқ тасдиқлансин.
2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Марказий банк раиси**

**М. НУРМУРАТОВ**

Тошкент ш.,  
2018 йил 26 май,  
19/2-сон

Ўзбекистон Республикаси  
Марказий банки Бошқарувининг 2018 йил  
26 майдаги 19/2-сон қарорига  
ИЛОВА

### **Тижорат банкларида статистик ҳисоботларни юритиш ҚОИДАЛАРИ**

Мазкур Қоидалар Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги, «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги, «Давлат статистикаси тўғрисида»ги қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 9 январдаги ПФ–5296-сон «Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ тижорат банклари-

---

\* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 4 июлда эълон қилинган.

да статистик ҳисоботларни (бундан буён матнда статистик ҳисоботлар деб юритилади) юритиш тартибини белгилайди.

### **1-боб. Умумий қоидалар**

1. Мазкур Қоидалар Ўзбекистон Республикасида фаолият юритаётган тижорат банклари учун татбиқ этилади.

2. Тижорат банкларининг статистик ҳисоботлари Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига (бундан буён матнда Марказий банк деб юритилади) қонун ҳужжатларига мувофиқ юклатилган вазифаларни амалга ошириш учун зарур бўлган банк-молия тизими ривожланиши ҳолати ва пул-кредит муносабатларига оид тўлиқ ва объектив маълумотларни шакллантириш мақсадида жорий этилади.

3. Статистик ҳисоботлар тижорат банклари томонидан мазкур Қоидаларнинг 1 — 46-иловаларида\* белгиланган шаклларга мувофиқ тақдим этилади.

### **2-боб. Статистик ҳисоботларни тузиш ва тақдим этиш**

4. Статистик ҳисоботлар тижорат банклари раҳбарларининг тегишли буйруғи билан масъул этиб белгиланган таркибий бўлинмалар томонидан тайёрланади.

Тайёрланган статистик ҳисоботлар тижорат банкларининг биринчи раҳбарлари (истисно ҳолларда уларнинг ўринбосарлари) ва бош бухгалтерлари томонидан текширилади ва имзоланади.

5. Статистик ҳисоботларда кўрсаткичлар бутун сондан кейин учта рақамгача яхлитланган ҳолда акс этирилиб, якуний натижаларнинг тўғрилиги сақланиб қолиниши ҳамда статистик ҳисоботлар ва баланс маълумотларининг ўзаро мувофиқлиги таъминланиши зарур.

6. Статистик ҳисоботлар тижорат банкларининг Бош банклари томонидан Марказий банкка қуйидаги тартибда:

мазкур Қоидаларнинг 1 — 31-иловаларида келтирилган ҳисобот шакллари мувофиқ Марказий банкнинг Статистика ва тадқиқотлар департаментига ҳар ой ҳисобот ойдан кейинги ойнинг 5-санасига қадар;

мазкур Қоидаларнинг 32 — 34-иловаларида келтирилган ҳисобот шакллари мувофиқ Марказий банкнинг Тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш бўйича тижорат банклари фаолиятини мониторинг қилиш департаментига ҳар ой ҳисобот ойдан кейинги ойнинг 5-санасига қадар;

мазкур Қоидаларнинг 35-36-иловаларида келтирилган ҳисобот шакллари мувофиқ Марказий банкнинг Амалиёт департаментига ҳар ой ҳисобот ойдан кейинги ойнинг 5-санасига қадар;

мазкур Қоидаларнинг 37-иловасида келтирилган ҳисобот шаклига муво-

---

\* 1 — 46-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

фиқ Марказий банкнинг Валютани тартибга солиш ва тўлов баланси департаментига ҳар ой ҳисобот ойдан кейинги ойнинг 4-санасига қадар;

мазкур Қоидаларнинг 38-иловасида келтирилган ҳисобот шаклига мувофиқ Марказий банкнинг Валютани тартибга солиш ва тўлов баланси департаментига ҳар ҳафтанинг душанба куни;

мазкур Қоидаларнинг 39-иловасида келтирилган ҳисобот шаклига мувофиқ Марказий банкнинг Валютани тартибга солиш ва тўлов баланси департаментига ҳар ой ҳисобот ойдан кейинги ойнинг 5-санасига қадар;

мазкур Қоидаларнинг 40-иловасида келтирилган ҳисобот шаклига мувофиқ Марказий банкнинг Монетар операциялар департаментига ҳар ўн тўрт кунда;

мазкур Қоидаларнинг 41 — 46-иловаларида келтирилган ҳисобот шаклларига мувофиқ Марказий банкнинг Кредит ташкилотлари пруденциал назорати департаментига ҳар ой ҳисобот ойдан кейинги ойнинг 10-санасига қадар тақдим этилади.

7. Статистик ҳисоботлар тижорат банкларининг филиаллари томонидан Марказий банкнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бўйича Бош бошқармаларига (бундан буён матнда Марказий банкнинг ҳудудий бош бошқармалари деб юритилади) қўйидаги тартибда тақдим этилади:

мазкур Қоидаларнинг 1, 2, 4, 5, 7 — 18, 20, 21, 23 — 34-иловаларида келтирилган ҳисобот шаклларига мувофиқ ҳар ой ҳисобот ойдан кейинги ойнинг 5-санасига қадар;

мазкур Қоидаларнинг 41 — 43 ва 46-иловаларида келтирилган ҳисобот шаклларига мувофиқ ҳар ой ҳисобот ойдан кейинги ойнинг 10-санасига қадар.

8. Агар статистик ҳисоботларни юбориш куни дам олиш кунига тўғри келса, статистик ҳисоботлар дам олиш кунидан кейинги биринчи иш кунига юборилади.

9. Статистик ҳисоботларни тузиш ва тақдим этиш жараёнини автоматлаштириш ҳамда статистик ҳисоботларни автоматик равишда шакллантиришни йўлга қўйиш мақсадида Марказий банк томонидан тижорат банклари билан биргаликда электрон тизимлардан фойдаланган ҳолда тегишли дастурий таъминотлар жорий қилиниши мумкин.

Тижорат банкларида дастурий таъминотлар воситасида шакллантирилдиган статистик ҳисоботлар бўйича маълумотларнинг электрон тизимларга тўғри, тўлиқ ва ўз вақтида киритиб борилиши учун тижорат банклари раҳбарларининг тегишли буйруғи билан масъул таркибий бўлинмалар ва ходимлар белгиланади.

10. Тижорат банкларининг раҳбарлари:

статистик ҳисоботларнинг тўғри, ҳаққоний ва тўлиқ шакллантирилишини ҳамда белгиланган муддатларда тақдим этилишини;

дастурий таъминотлар воситасида шакллантирилдиган статистик ҳисоботлар бўйича маълумотларнинг электрон тизимларга тўғри, тўлиқ ва ўз вақтида киритиб борилишини назорат қиладилар.

11. Тижорат банклари ўз эҳтиёжлари учун мазкур Қоидаларнинг ило-

васида кўзда тутилмаган статистик ҳисобот шакллари мустақил равишда ишлаб чиқишлари ва жорий этишлари мумкин.

### **3-боб. Статистик ҳисоботларни текшириш, аниқланган хато ва камчиликларни бартараф этиш**

12. Марказий банк марказий аппаратининг масъул таркибий бўлинмалари ва Марказий банкнинг ҳудудий бош бошқармалари:

статистик ҳисоботларнинг ўз вақтида ва тўлиқ тақдим этилишини мунтазам равишда назорат қиладилар;

статистик ҳисоботларни тузиш юзасидан тижорат банкларига тегишли тушунтиришлар ва амалий ёрдам берадилар;

статистик ҳисоботларни тузиш муддатлари ва тартиби бузилиши ҳолатларини бартараф этиш, уларнинг ҳаққонийлигини таъминлаш бўйича зарур чоралар кўрадилар.

13. Статистик ҳисоботлар Марказий банк марказий аппаратининг масъул таркибий бўлинмалари ва Марказий банкнинг ҳудудий бош бошқармалари томонидан тегишли кўрсаткичларни баланс ҳамда бошқа статистик ҳисоботлар маълумотлари билан солиштириш, олдинги саналардаги статистик ҳисоботлар кўрсаткичлари билан таҳлилий ва мантиқий таққослаш орқали текширилади.

14. Статистик ҳисоботларда Марказий банк марказий аппаратининг масъул таркибий бўлинмалари ёки Марказий банкнинг ҳудудий бош бошқармалари томонидан хато ва камчиликлар мавжудлиги аниқланган ҳолатларда тегишлилиги бўйича тижорат банкларига мазкур хато ва камчиликларни бартараф этиш юзасидан зарур кўрсатмалар берилади ҳамда тузатилган статистик ҳисоботларнинг тақдим этилиши назоратга олинади.

15. Статистик ҳисоботлар тақдим қилингандан сўнг ушбу статистик ҳисоботларни шакллантирган тижорат банклари томонидан хато ва камчиликлар аниқланган ҳолатларда тегишлилиги бўйича Марказий банк марказий аппаратининг масъул таркибий бўлинмалари ёки Марказий банкнинг ҳудудий бош бошқармалари бу ҳақда дарҳол хабардор қилинади.

16. Статистик ҳисоботлардаги хато ва камчиликлар тижорат банклари томонидан бартараф этилади ҳамда тузатилган статистик ҳисоботлар тижорат банкларининг биринчи раҳбарлари (истисно ҳолларда уларнинг ўринбосарлари) ва бош бухгалтерлари томонидан текширилади ва имзоланади.

17. Тузатилган статистик ҳисоботлар тегишлилиги бўйича Марказий банк марказий аппаратининг масъул таркибий бўлинмалари ёки Марказий банкнинг ҳудудий бош бошқармаларига тақдим этилади.

### **4-боб. Яқунловчи қоидалар**

18. Статистик ҳисоботларда акс эттирилган маълумотларнинг тўғрилиги, тўлиқлиги ва уларнинг ўз вақтида тақдим этилиши учун қонун ҳужжат-

ларига мувофиқ жавобгарлик тижорат банклари раҳбарлари зиммасига юклатилади.

19. Мазкур Қоидалар Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси билан келишилган.

*Давлат статистика  
қўмитаси раиси*

**Б. БЕГАЛОВ**

*2018 йил 25 май*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРИНИНГ  
БУЙРУҒИ

**556** «Мақтабгача таълимга қўйиладиган давлат талабларини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруқни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида\*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил  
3 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2898-1*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 сентябрдаги ПФ–5198-сон «Мақтабгача таълим тизими бошқарувини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ҳамда 2017 йил 30 сентябрдаги ПҚ–3304-сон «Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **бюроман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг 2017 йил 9 июндаги 5-мқ-сон «Мақтабгача таълимга қўйиладиган давлат талабларини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғи (рўйхат рақами 2898, 2017 йил 17 июль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 29-сон, 709-модда) ўз кучини йўқотган деб топилсин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги «Оила» илмий-амалий тадқиқот маркази билан келишилган.

---

\* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 3 июлда эълон қилинган.

3. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Вазир**

**У. ИНОЯТОВ**

Тошкент ш.,  
2018 йил 18 июнь,  
6-МҲ-сон

*Келишилди:*

*Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги  
Таълим сифатини назорат қилиш  
давлат инспекцияси бошлиғи*

**У. ТАШКЕНБАЕВ**

*2018 йил 18 июнь*

*Соғлиқни сақлаш вазири*

**А. ШАДМАНОВ**

*2018 йил 18 июнь*

*Олий ва ўрта махсус  
таълим вазири*

**И. МАЖИДОВ**

*2018 йил 18 июнь*

*Ўзбекистон стандартлаштириш,  
метрология ва сертификатлаштириш  
агентлиги бош директори*

**А. КАРИМОВ**

*2018 йил 18 июнь*

*Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги  
«Оила» илмий-амалий тадқиқот  
маркази директори*

**Д. ТАШМУХАМЕДОВА**

*2018 йил 18 июнь*



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ПАРВОЗЛАР ХАВФСИЗЛИГИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ  
ДАВЛАТ ИНСПЕКЦИЯСИ БОШЛИГИНИНГ  
БУЙРУҒИ

**557** Ўзбекистон Республикаси самовий ҳудудида фуқаро ва экспериментал авиациясининг парвоз қилиш авиация қоидаларининг (ЎзР АҚ-91) I боб биринчи параграфига ўзгартириш киритиш тўғрисида\*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 3 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1723-10*

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати тўғрисида»ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 мартдаги ПФ-5379-сон «Ўзбекистон Республикасининг давлат хавфсизлиги тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлигининг 2007 йил 12 сентябрдаги 141-сон буйруғи (рўйхат рақами 1723, 2007 йил 29 сентябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 41-42-сон, 420-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси самовий ҳудудида фуқаро ва экспериментал авиациясининг парвоз қилиш авиация қоидаларининг (ЎзР АҚ-91) I боб биринчи параграфининг етмиш тўққизинчи хатбошидаги «Миллий» деган сўз «Давлат» деган сўз билан алмаштирилсин.

2. Мазкур ўзгартириш Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ҳузуридаги Гидрометеорология хизмати маркази ҳамда «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси билан келишилган.

3. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Бошлиқ**

**Т. ЎЛЖАЕВ**

Тошкент ш.,  
2018 йил 19 июнь,  
114/6-сон

---

\* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 3 июлда эълон қилинган.

*Келишилган:*

*Мудофаа вазири*

**А. АЗИЗОВ**

*2018 йил 19 июнь*

*Фавқулодда вазиятлар вазирлиги  
ҳузуридаги Гидрометеорология  
хизмати маркази бош директорининг  
биринчи муовини*

**Б. НИШОНОВ**

*2018 йил 19 июнь*

*«Ўзбекистон ҳаво йўллари»  
миллий авиакомпанияси  
бош директори в. б.*

**Б. ХАКИМОВ**

*2018 йил 19 июнь*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ВАЗИРИНИНГ  
БУЙРУҒИ

**558** **Ўзбекистон Республикасининг илк ва мактабгача  
ёшдаги болалар ривожланишига қўйиладиган Давлат  
талабларини тасдиқлаш ҳақида\***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил  
3 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3032*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 сентябрдаги ПҚ–3305-сон «Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 29 декабрдаги ПҚ–2707-сон «2017 — 2021 йилларда мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикасининг илк ва мактабгача ёшдаги болалар ри-

---

\* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 4 июлда эълон қилинган.

вожланишига қўйиладиган Давлат талаблари иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Вазир**

**А. ШИН**

Тошкент ш.,  
2018 йил 18 июнь,  
1-мх-сон

Ўзбекистон Республикаси  
Мақтабгача таълим вазирининг 2018 йил  
18 июндаги 1-мх-сон буйруғига  
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикасининг илк ва мактабгача  
ёшдаги болалар ривожланишига қўйиладиган  
ДАВЛАТ ТАЛАБЛАРИ**

Мазкур Ўзбекистон Республикасининг илк ва мактабгача ёшдаги болалар ривожланишига қўйиладиган давлат талаблари (бундан буён матнда Давлат талаблари деб юритилади) Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 29 декабрдаги ПҚ–2707-сон «2017 — 2021 йилларда мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 21 ноябрдаги 929-сон «Ўзбекистон Республикаси Мақтабгача таълим вазирлиги тўғрисидаги низомни ҳамда Мақтабгача таълим муассасалари раҳбар ва мутахассисларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институти уставини тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига асосан илк ва мактабгача ёшдаги болаларни (бундан буён матнда болалар деб юритилади) ҳар томонлама ривожлантириш, таълим-тарбия бериш, мактаб таълимига тайёрлаш бўйича давлат талабларини белгилайди.

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Давлат талаблари Ўзбекистон Республикаси ҳудудда мулкчилик шакли ва идоравий тасарруфидан қатъи назар, қўйидаги таълим муассасаларига қўлланилади:

давлат мактабгача таълим муассасалари;

нодавлат мактабгача таълим муассасалари;

мактабгача ёшдаги гуруҳлари мавжуд бўлган «Меҳрибонлик» уйлари.

2. Мақтабгача таълим турлари учун кадрлар тайёрловчи ўрта махсус, касб-ҳунар ва олий таълим муассасалари, мактабгача таълим турлари бўйича педагогик кадрларнинг малакасини ошириш ва қайта тайёрлашни амалга

оширадиган муассасалар, мактабгача ёшдаги болалар тарбия олаётган оилалар мазкур Давлат талабларига риоя қилишлари лозим.

## 2-боб. Давлат талабларининг мақсад, вазифа ва асосий тамойиллари

3. Давлат талабларида қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

**мактабгача таълим** — мактабгача ёшдаги болалар қизиқиши, иқтидори, индивидуал руҳий ва жисмоний хусусиятлари, маданий эҳтиёжларини инobatга олган ҳолда ҳамда болада маънавий меъёрларни шаклланиши, ҳаётий ва ижтимоий тажриба эгаллигини кўзда тутган ҳар томонлама ривожлантиришга қаратилган яхлит жараён;

**ривожланиш** — инсон танаси тузилиши, руҳияти ва хулқида биологик жараёнлар ҳамда атроф муҳит таъсирида рўй берадиган ўзгаришлар;

**ривожланиш соҳаси** — бола ривожланишидаги аниқ бир йўналишлар;

**кичик соҳа** — соҳанинг кичик гуруҳлари. Асосий соҳаларнинг кичик соҳаси ривожланишнинг маълум бир томонларини ўз ичига қамраб олади ва уларнинг аниқ бир йўналишини кўрсатиб беради;

**кутилаётган натижа** — болаларда кутилаётган билим, кўникма ва малакалар кўрсаткичи;

**бола компетенцияси** — маълум бир ёш даврига хос бўлган вазифаларни мақсадли бажариш учун етарли бўлган боланинг билими, кўникмаси ва малакалари ҳамда қадриятлари;

**интеграция** — бола таълими ва ривожланишидаги мазмун таркибий қисмлари ўртасидаги боғлиқлик;

**инклюзив таълим** — болаларнинг алоҳида таълим эҳтиёжлари ва индивидуал имкониятларини инobatга олган ҳолда таълим ва тарбия олинишини тенг таъминловчи жараён;

**«Мен» концепцияси** — болани ўзи ҳақидаги англандан тасаввурлари тизими, унинг рефлексив фаолиятининг бир қисми;

**рефлексив фаолият** — болада ўз тушунчалари ва хатти-ҳаракатларини англаш ва мустақил таҳлил қилиши асосида хулосалар шаклланиши жараёни.

4. Давлат талабларининг мақсади — мамлакатда ўтказилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотларни, хорижий мамлакатлар илғор тажрибаси ҳамда илм-фан ютуқлари ва замонавий инфорацион коммуникатив технологияларни инobatга олган ҳолда мактабгача таълим тизимида маънан мукамал ва интеллектуал ривожланган шахсни тарбиялашдир.

5. Давлат талабларининг вазифалари қуйидагилар ҳисобланади:

мактабгача ёшдаги болаларнинг ривожланиши, таълим-тарбияси мазмуни ва сифатига қўйиладиган талабларни белгилаш;

миллий, умуминсоний ва маънавий қадриятлар асосида болаларга таъ-

лим-тарбия бериш, ривожлантиришнинг самарали шакллари ва усулларини жорий этиш;

таълим-тарбия жараёнига педагогик ва замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш;

кадрларни мақсадли ва сифатли тайёрлаш учун таълим, фан ва ишлаб чиқаришнинг самарали интеграциясини таъминлаш.

6. Давлат талаблари қуйидаги тамойиллар асосида татбиқ этилади:

боланинг ноёблиги;

«Мен» концепцияси ва шахсий таълимини яратишда боланинг фаол роли;

боланинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва таъминлашнинг муҳимлиги;

бола таълими ва ривожланишида катталарнинг асосий роли;

болалар ривожланишида индивидуал фарқланишлар мавжудлиги сабабли, ҳар бир болага мослашувчан бўлиб, индивидуал вариативлик асосида ёндашиш.

### **3-боб. Давлат талабларининг таркиби**

7. Давлат талаблари ривожланиш соҳалари интеграциясини кўзда тутди ва бола ривожланишига қўмаклашади.

Давлат талаблари туғилгандан 7 ёшгача бўлган болаларнинг бешта асосий ривожланиш соҳаларига бўлинган. Ҳар бир ривожланиш соҳаси ўз ўрнида кичик соҳаларга бўлинган бўлиб, улар ҳар бир ёш гуруҳига мос бир нечта талаблардан (кутилаётган ривожланиш кўрсаткичларидан) иборат.

8. Давлат талаблари боланинг қуйидаги ривожланиш соҳалари бўйича белгиланади:

жисмоний ривожланиш ва соғлом турмуш тарзининг шаклланиши;

ижтимоий-ҳиссий ривожланиш;

нутқ, мулоқот, ўқиш ва ёзиш малакалари;

билиш жараёнининг ривожланиши;

ижодий ривожланиш.

9. «Жисмоний ривожланиш ва соғлом турмуш тарзининг шаклланиши» соҳаси қуйидаги кичик соҳаларга бўлинади:

йирик моторика;

майда моторика;

сенсомоторика;

соғлом турмуш тарзи ва хавфсизлик.

10. «Ижтимоий-ҳиссий ривожланиш» соҳаси қуйидаги кичик соҳаларга бўлинади:

«Мен» концепцияси;

ҳиссиётлар ва уларни бошқариш;

ижтимоийлашув, катталар ва тенгдошлар билан мулоқот.

11. «Нутқ, мулоқот, ўқиш ва ёзиш малакалари» соҳаси қуйидаги кичик соҳаларга бўлинади:

нутқ ва тил;

ўқиш малакалари;

қўл бармоқлари майда моторикаси.

12. «Билиш жараёнининг ривожланиши» соҳаси қўйидаги кичик соҳаларга бўлинади:

интеллектуал-англаш малакалари;

элементар математик малакалар;

тадқиқий-билиш ва самарали рефлексив фаолият.

13. «Ижодий ривожланиш» соҳаси қўйидаги кичик соҳаларга бўлинади:

дунёни бадий тасаввур этиш;

бадий-ижодий қобилиятлар.

14. Давлат талаблари асосидаги ёш даврлари қўйидаги босқичларни ўз ичига олади:

гўдаклик (тувилгандан 1 ёшгача);

эрта ёшдаги болалик (1 ёшдан 3 ёшгача);

кичик мактабгача ёш (3 ёшдан 4 ёшгача);

ўрта мактабгача ёш (4 дан 5 ёшгача);

катта мактабгача ёш (5 ёшдан 6 ёшгача);

мактабга тайёрлов ёши (6 ёшдан 7 ёшгача).

15. Илк ёшдаги болалар ривожланишига қўйиладиган талаблар мазкур Давлат талабларининг 1-иловасида\* белгиланган.

16. Мактабгача ёшдаги болалар ривожланишига қўйиладиган талаблар мазкур Давлат талабларининг 2-иловасида\* белгиланган.

#### 4-боб. Яқуний қондалар

17. Мазкур Давлат талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

18. Мазкур Давлат талаблари Вазирлар Маҳкамаси қошидаги таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги ва «Оила» Республика илмий-амалий маркази билан келишилган.

*Келишилди:*

*Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги  
Таълим сифатини назорат қилиш  
давлат инспекцияси бошлиғи*

*У. ТАШКЕНБАЕВ*

*2018 йил 18 июнь*

*Соғлиқни сақлаш вазири*

*А. ШАДМАНОВ*

*2018 йил 18 июнь*

\* 1-2-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

*Олий ва ўрта махсус  
таълим вазири*

**И. МАЖИДОВ**

*2018 йил 18 июнь*

*Ўзбекистон стандартлаштириш,  
метрология ва сертификатлаштириш  
агентлиги бош директори*

**А. КАРИМОВ**

*2018 йил 18 июнь*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИҚТИСОДИЁТ ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ  
ҚАРОРИ

**559** «Ўзбекистон Республикаси товар-хом ашё биржаси биржа савдоларида омихта емни сотиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида\*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазири томонидан 2018 йил  
3 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1884-1*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 январдаги ПҚ-3484-сон «Ёғ-мой тармоғини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 27 апрелдаги 312-сон «Республикада замонавий саноат усулида омихта ем ишлаб чиқаришни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазири ва Молия вазири **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазири ва Молия вазиригининг 2008 йил 22 декабрдаги 60 ва 118-сон «Ўзбекистон Республикаси товар-хом ашё биржаси биржа савдоларида омихта емни сотиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1884 2009 йил 16 январь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 3-сон, 19-модда) ўз кучини йўқотган деб топилсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазири, Марказий банки, Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва

---

\* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 4 июлда эълон қилинган.

рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, «Ўздонмахсулот» АК ва «Ўзбекистон республика товар-хом ашё биржаси» АЖ билан келишилган.

3. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Иқтисодиёт вазири**

**Б. ХОДЖАЕВ**

Тошкент ш.,  
2018 йил 28 май,  
19-сон

**Молия вазири**

**Д. КУЧКАРОВ**

Тошкент ш.,  
2018 йил 28 май,  
100-сон

*Келишилди:*

*Қишлоқ хўжалиги вазири*

**Б. ЮСУПОВ**

*2018 йил 28 май*

*Марказий банк раиси*

**М. НУРМУРАТОВ**

*2018 йил 28 май*

*Хусусийлаштирилган корхоналарга  
кўмаклашиш ва рақобатни  
ривожлантириш давлат  
қўмитаси раиси*

**Р. ГУЛЯМОВ**

*2018 йил 28 май*

*«Ўздонмахсулот» АК раиси*

**С. ХАЙДАРОВ**

*2018 йил 28 май*

*«Ўзбекистон Республика  
товар-хом ашё биржаси» АЖ  
бошқарув раиси в. в. б.*

**Ф. ИБРАГИМОВ**

*2018 йил 28 май*



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИҚТИСОДИЁТ ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ  
ҚАРОРИ

**560 Омихта емни биржа савдолари орқали реализация қилиш (сотиш) тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида\***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил  
3 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3033*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 январдаги ПҚ-3484-сон «Ёғ-мой тармоғини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 27 апрелдаги 312-сон «Республикада замонавий саноат усулида омихта ем ишлаб чиқаришни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ва Молия вазирлиги **қарор қилади:**

1. Омихта емни биржа савдолари орқали реализация қилиш (сотиш) тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Иқтисодиёт вазири**

**Б. ХОДЖАЕВ**

Тошкент ш.,  
2018 йил 28 май,  
18-сон

**Молия вазири**

**Д. КУЧКАРОВ**

Тошкент ш.,  
2018 йил 28 май,  
99-сон

---

\* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 4 июлда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси  
Иқтисодиёт вазирлиги ва Молия  
вазирлигининг 2018 йил 28 майдаги  
18, 99-сон қарорига  
ИЛОВА

### **Омихта емни биржа савдолари орқали реализация қилиш (сотиш) тартиби тўғрисидаги НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 январдаги ПҚ–3484-сон «Ёғ-мой тармоғини жадал ривожлантириш чоратадбирлари тўғрисида»ги қарори ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 27 апрелдаги 312-сон «Республикада замонавий саноат усулида омихта ем ишлаб чиқаришни ташкил этиш чоратадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ омихта емни (бундан буён матнда махсулот деб юритилади) биржа савдолари орқали реализация қилиш (сотиш) тартибини белгилайди.

#### **1-боб. Умумий қоидалар**

1. Мазкур Низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

**биржа битими** — биржа томонидан рўйхатга олинган, биржа савдосининг натижаси бўйича тузилган биржа товарига доир олди-сотди шартномаси;

**биржа савдолари** — биржа томонидан биржа савдоси қоидаларига мувофиқ ташкил этиладиган биржа товари савдолари;

**биржа аъзолари** — биржа томонидан белгиланган тартибда биржа савдоларида иштирок этиш ҳамда дилерлар, маркет-мейкерлар ва брокерлар сифатида биржа битимларини тузиш ҳуқуқини олган юридик шахслар биржа аъзоларидир;

**дилер** — биржа битимларини ўз номидан ва ўз ҳисобидан тузувчи биржа аъзоси бўлган юридик шахс;

**брокер** — миждознинг (сотувчи ёки харидорнинг) топшириғига кўра ва унинг ҳисобидан биржа битимларини тузувчи биржа аъзоси бўлган юридик шахс;

**трейдер** — биржа савдоларида биржа битимлари тузишга ваколатли бўлган биржа аъзосининг ходими;

**биржа савдоларининг электрон тизими** (бундан буён матнда электрон тизим деб юритилади) — биржа аъзоларига биржа савдоларида аниқ вақт режимида республиканинг исталган географик нуқтасидан масофадан иштирок этиш имконини берадиган дастурий аппарат воситалари мажмуидан иборат бўлган глобал тақсимланган ахборот тизими;

**ҳисоб-китоб клиринг палатаси** (бундан буён матнда ХККП деб юритилади) — клиринг электрон тизими орқали биржа битимлари бўйича кли-

ринг, ҳисоб-китоб ва ўзаро ҳисоб-китобларни амалга оширишни таъминловчи биржанинг таркибий бўлиниши;

**закалат** — биржада амалга ошириладиган битишувларнинг бажарилиши кафолатини таъминлаш учун харидорлар ва сотувчилар томонидан биржага хизмат кўрсатувчи банкдаги ҳисоб-китоб-клиринг палатасининг иккиламчи депозит ҳисобварағига киритиладиган битишувларни кафолатли таъминлаш маблағи;

**махсус дўконлар** — сотувчи томонидан аҳоли зич жойлашган ва туман, шаҳар марказларидан олис ҳудудларда ташкил этиладиган омехта ем сотишга ихтисослаштирилган савдо дўконлар.

2. Биржа савдоларида маҳсулотни сотиш «Ўздонмаҳсулот» АК ва «Ўзпахтаёғ» АЖ тизимидаги корхоналар, шунингдек бошқа тадбиркорлик субъектлари (бундан буён матнда сотувчилар деб юритилади) томонидан амалга оширилади.

3. Маҳсулотни биржа савдоларида барча турдаги хўжалик юритувчи субъектлар (бундан буён матнда харидорлар деб юритилади) сотиб олишлари мумкин.

4. Биржа савдолари электрон тизимдан фойдаланган ҳолда амалга оширилади.

## **2-боб. Маҳсулотлар ҳажмларини шакллантириш**

5. «Ўздонмаҳсулот» АК ва «Ўзпахтаёғ» АЖ таркибига кирувчи корхоналар томонидан биржа савдоларига маҳсулотни сотувга қўйиш Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳамда Иқтисодиёт вазирлиги томонидан тасдиқланадиган «Ўздонмаҳсулот» АК ва «Ўзпахтаёғ» АЖ таркибига кирувчи корхоналар томонидан биржа савдоларида маҳсулотни сотиш бўйича чораклик ва ойлик жадваллар асосида амалга оширилади.

6. «Ўздонмаҳсулот» АК ва «Ўзпахтаёғ» АЖ Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси билан келишган ҳолда, кундалик ҳажмлардан келиб чиқиб, биржа савдоларига маҳсулотларни чиқариш жадвалларини ҳар ойнинг 20 санасига қадар тузиб чиқади.

Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳар ой кейинги ойнинг бошланишига 5 кундан кам бўлмаган муддатда, биржа савдоларига маҳсулотларни чиқариш жадвалларини биржанинг расмий веб-сайтида жойлаштириш учун биржага тақдим этади.

7. «Ўздонмаҳсулот» АК ва «Ўзпахтаёғ» АЖ таркибига кирмайдиган маҳсулот ишлаб чиқарувчи тадбиркорлик субъектлари биржа савдоларида сотадиган маҳсулот ҳажмларини мустақил равишда белгилайди.

8. Биржа чорвачилик, паррандачилик, балиқчилик хўжаликлари, шунингдек чакана савдо дўконларига эга бўлган улгуржи савдо ташкилотлари учун ҳар ойнинг 20 санасига қадар савдоларни ташкил этади.

Биржа ҳар ойнинг 21 санасидан бошлаб биржа савдоларда сотилмаган

маҳсулотлар ҳажмлари ҳамда бекор қилинган битимлар бўйича маҳсулотлар ҳажмларини барча харидорларга сотилишини ташкил этади.

9. Маҳсулотни сотиш талаб ва таклиф нисбати асосида шаклландуви эркин бозор нархлари бўйича амалга оширилади.

10. Сотувчилар биржанинг расмий веб-сайти орқали савдолар бошланишига қадар бир иш куни олдин соат 11.00 гача савдога қўйилаётган маҳсулотнинг ҳажмлари ва бошқа кўрсаткичлари тўғрисида биржа аъзоларига хабар қилишлари лозим.

11. Биржа савдолари «Биржалар ва биржа фаолияти тўғрисида»ги Қонун, биржа савдоси қоидалари ва ҳисоб-китоб клиринг операцияларини ўтказиш қоидаларига мувофиқ амалга оширилади.

12. Сотувчилар ва харидорлар биржа савдоларида биржа билан тузилган шартнома асосида дилерлар сифатида мустақил ҳолда ёки брокерлар номидан иш юритувчи трейдерлар орқали иштирок этишади.

13. Ҳар бир биржа савдоси бўйича аванс суммасига мувофиқ сотувчилар ва харидорларни савдоларда иштирок этишга рухсат бериш ёки ундан четлатиш, биржа савдоларининг голибларини аниқлаш ва биржа битимларини рўйхатга олиш электрон тизим томонидан автоматик равишда амалга оширилади.

14. Жорий ойда савдога чиқарилган, аммо сотилмаган маҳсулот ҳажмлари ҳамда бекор қилинган битимлар бўйича, шунингдек биржа битимлари бўйича олиб кетилмаган ва юклаб жўнатилмаган маҳсулот ҳажмлари кейинги ойдаги биржа савдоларига такроран чиқарилади. Такроран савдога қўйилган маҳсулотлар 15 кун давомида сотилмаган тақдирда ушбу маҳсулот ҳажмлари сотувчилар томонидан махсус дўконлар орқали ўтган ҳафтада биржа савдоларида шаклланди ўртача нархларда сотилади.

15. «Ўздонмаҳсулот» АК ва «Ўзпахтаёғ» АЖ таркибига кирувчи корхоналар бўйича битта савдо сессияси доирасида харидорлар томонидан сотиб олинган маҳсулотнинг энг кўп ҳажмини белгилаши лозим.

### **3-боб. Маҳсулотни сотиш тартиби ва ўзаро ҳисоб-китоблар механизми**

16. Биржа савдоларига қўйиланди маҳсулотнинг бошланғич нархи сотувчи томонидан маҳсулотнинг таркибидан келиб чиқиб, мустақил равишда белгиланади. «Ўздонмаҳсулот» АК ва «Ўзпахтаёғ» АЖ таркибига кирувчи корхоналар учун монопол юқори ва монопол паст нархларни қўллаш тақиқланади.

«Ўздонмаҳсулот» АК ва «Ўзпахтаёғ» АЖ таркибига кирувчи корхоналар томонидан маҳсулотнинг бошланғич нархи шаклланиши ва савдога қўйилиши бўйича жавобгарлик ушбу ташкилотларнинг зиммасига юклатилади.

17. Сотувчи ва харидорлар ўзларининг ҲККПдаги шахсий ҳисоб-рақамларига биржа савдолари қоидаларида белгиланган закат пулини кирити-

шади, бунда биржа битимлари сотувчи ва харидорлар томонидан биржа савдоларига чиқарилган маҳсулот ва тузиладиган битим ҳажмининг 3 фоизига-ча миқдоридаги закат пули киритилган ҳолда тузилади.

18. Биржа савдоларида тузилган битимларни ижро этишнинг молиявий кафолатларини таъминлаш учун, биржа савдоларида тузилган битимлар бўйича ҳисоб-китоблар биржанинг ҲККП орқали амалга оширилади.

19. Харидорлар биржада аванс тўловларини амалга оширигандан сўнг битимларни тузишга ҳақли.

20. Харидор тузилган биржа битими бўйича молиявий мажбуриятларни тўлиқ қоплаш учун биржанинг хизмат кўрсатувчи банкдаги ҳисоб-рақамига маблағларни 5 иш куни давомида ўтказиши шарт.

21. ҲККП биржа битими бўйича маблағларнинг тўлиқ суммаси келиб тушганидан сўнг бир иш куни давомида тўловлар амалга оширилган битимлар рўйхатини сотувчига шахсий кабинет орқали тақдим этади.

22. Сотувчи томонидан маҳсулот ҲККПдан олинадиган тўловлар амалга оширилган битимлар рўйхатига риоя қилинмаган ҳолда юборилган тақдирда биржа жавобгарликни зиммасига олмайди.

23. ҲККП томонидан сотувчига тўловлар амалга оширилган битимлар рўйхати тақдим этилиши харидорга олди-сотди шартномасида кўрсатилган юклаш муддати давомида маҳсулотни жўнатиш учун асос бўлади.

24. Тарафлар томонидан мажбуриятлар лозим даражада бажарилмаган тақдирда, уларга нисбатан қонун ҳужжатларида белгиланган чоралар қўлланилади.

25. Биржа савдоларини ташкиллаштириш, шартнома мажбуриятларини бажариш ва ҳисоб-китоб клиринг хизмати давомида юзага келадиган низо ва келишмовчиликлар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

26. Сотувчилар ёки харидорлар томонидан маҳсулотни тўлаш ва танлаш, шунингдек уни етказиш бўйича мажбуриятларга амал қилинмаган тақдирда, ўз мажбуриятларини бажармаган тарафнинг закат пули жарима сифатида жабрланган тараф фойдасига ушлаб қолинади.

27. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигига маҳсулотни биржа савдоларига қўйилган ва сотилган ҳажмлари тўғрисидаги маълумотлар, биржа томонидан очилган шахсий кабинет орқали тақдим этилади.

#### **4-боб. Яқуний қоидалар**

28. Мазкур Низом талабларини бузишда айбдор бўлган шахслар қонунчиликка мувофиқ жавобгарликка тортилади.

29. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш Давлат қўмитаси, «Ўздонмаҳсулот» АК, «Ўзпахтаёғ» АЖ ва «Ўзбекистон республика товар-хом ашё биржаси» АЖ билан келишилган.

*Қишлоқ хўжалиги вазири*

**Б. ЮСУПОВ**

*2018 йил 28 май*

*Хусусийлаштирилган корхоналарга  
кўмаклашиш ва рақобатни  
ривожлантириш давлат  
қўмитаси раиси*

**Р. ГУЛЯМОВ**

*2018 йил 28 май*

*«Ўздонмахсулот» АК раиси*

**С. ХАЙДАРОВ**

*2018 йил 28 май*

*«Ўзпахтаёғ» АЖ раиси*

**М. САЛИХОВ**

*2018 йил 28 май*

*«Ўзбекистон Республика  
товар-хом ашё биржаси» АЖ  
бошқарув раиси в. в. б.*

**Ф. ИБРАГИМОВ**

*2018 йил 28 май*

ЭЛЕКТР ЭНЕРГЕТИКАДА НАЗОРАТ БЎЙИЧА  
ДАВЛАТ ИНСПЕКЦИЯСИ  
ЎЗБЕКИСТОН СТАНДАРТЛАШТИРИШ, МЕТРОЛОГИЯ ВА  
СЕРТИФИКАТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИНИНГ  
ҚАРОРИ

**561** **Маиший истеъмолчиларнинг электр энергиясини ҳисобга олиш приборларини қиёслашдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида\***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 3 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2736-2*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 12 январдаги 22-сон «Электр энергияси ва табиий газдан фойдаланиш тартибини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Электр энергетикада назорат бўйича давлат инспекцияси ва Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги **қарор қилади:**

1. Электр энергетикада назорат бўйича давлат инспекцияси ва Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлигининг 2015 йил 30 октябрдаги 6, к-8-сон қарори (рўйхат рақами 2736, 2015 йил 1 декабрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й., 48-сон, 610-модда) билан тасдиқланган Маиший истеъмолчиларнинг электр энергиясини ҳисобга олиш приборларини қиёслашдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартиришлар ва қўшимча киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Электр энергетикада назорат бўйича  
давлат инспекцияси бошлиғи**

**Д. ИСАҚУЛОВ**

Тошкент ш.,  
2018 йил 12 июнь,  
7-сон

**Ўзбекистон стандартлаштириш,  
метрология ва сертификатлаштириш  
агентлигининг бош директори**

**А. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2018 йил 12 июнь,  
К-13-сон

---

\* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 4 июлда эълон қилинган.

Электр энергетикада назорат бўйича давлат инспекцияси ва Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлигининг 2018 йил 12 июндаги 7 ва К-13-сон қарорига  
ИЛОВА

**Маиший истеъмолчиларнинг электр энергиясини ҳисобга олиш приборларини қиёслашдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга киритилаётган ўзгартиришлар ва қўшимча**

1. Муқаддимадаги «2009 йил 22 августдаги 245-сонли» деган сўзлар «2018 йил 12 январдаги 22-сонли» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. 4-банд қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«Ўзбекистон Республикасида электр энергияси ва табиий газ назорати ва ҳисобининг автоматлаштирилган тизимини жорий этиш лойиҳаси доирасида ўрнатиладиган ҳисобга олиш приборларининг қиёслашдан ўтказилиши «Ўзстандарт» агентлиги томонидан ҳар 10 йилда амалга оширилади.».

3. 6-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«6. Ҳисобга олиш приборини навбатдаги қиёслашдан ўтказиш электр таъминоти корхонаси ёки Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси (бундан буён матнда Бюро деб юритилади) ташаббуси билан ўтказилганда, қиёслашдан ўтказиш билан боғлиқ барча харажатлар ҳудудий электр тармоқлари корхонаси томонидан амалга оширилади, мазкур Низомнинг 34-бандида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.».

4. 10-бандда:

учинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

тўртинчи — олтинчи хатбоши тегишлича учинчи — бешинчи хатбоши деб ҳисоблансин.

тўртинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

бешинчи хатбоши тўртинчи хатбоши деб ҳисоблансин.

5. 11, 14 ва 15-бандлар ўз кучини йўқотган деб топилсин.

6. 18-банддан биринчи хатбоши чиқариб ташлансин.

7. 19-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«19. Ҳисобга олиш приборини ечиб олишда ваколатли ходим ва Бюро вакили истеъмолчи иштирокида ҳисобга олиш прибори ва ўрнатилган пломбаларнинг бутлигини текшириб, ҳисобга олиш прибори ечиб олинганлиги ҳақида тўрт нусхада далолатнома тузади. Бунда далолатноманинг бир нусхаси истеъмолчига берилади, иккинчи ва учинчи нусхалари электр таъминоти корхонасида ва Бюрода қолади ҳамда тўртинчи нусхаси давлат метрология хизмати органига тақдим этилади.».

8. 34-банддаги «2009 йил 22 августдаги 245-сонли» деган сўзлар «2018 йил 12 январдаги 22-сонли» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

9. 36 ва 37-бандлар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:



«36. Ваколатли ходим томонидан қиёслашдан ўтказилган ҳисобга олиш прибори Бюро ходими иштирокида ўрнатилиб, приборнинг клеммник қопқоғи (схемаси) худудий электр тармоқлари корхонаси ва Бюронинг белгиланган намунадаги пломбалари билан пломбалангандан сўнг, истеъмолчига ҳисобга олиш приборининг қиёслашдан ўтганлиги ҳақидаги сертификатнинг асл нусхасини беради.

37. Ҳисобга олиш прибори ўрнатилиб пломбалангандан сўнг, бу ҳақида уч нусхада далолатнома тузилади. Далолатномада ҳисобга олиш приборининг тури, завод рақами, ишлаб чиқарувчининг товар белгиси ва унинг ўрнатилган вақтдаги кўрсаткичлари ҳамда бошқа зарур маълумотлар қайд этилади.

Далолатнома ваколатли ходим ва Бюро вакили ҳамда истеъмолчи томонидан имзоланади. Далолатноманинг бир нусхаси истеъмолчига берилади, иккинчи ва учинчи нусхалари эса, электр таъминоти корхонасида ва Бюрода сақланади.»

10. Мазкур ўзгартиришлар ва қўшимча Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, «Ўзбекэнерго» акциядорлик жамияти ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси билан келишилган.

*Хусусийлаштирилган корхоналарга  
кўмаклашиш ва рақобатни  
ривожлантириш давлат  
қўмитаси раиси*

**Р. ГУЛЯМОВ**

*2018 йил 11 июнь*

*«Ўзбекэнерго» АЖ  
бошқаруви раиси*

**У. МУСТАФОЕВ**

*2018 йил 18 май*

*Бош прокуратура ҳузуридаги  
Мажбурий ижро бюроси директори*

**Б. ҚУДРАТХОДЖАЕВ**

*2018 йил 16 май*

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACI  
ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНИШ ВАЗИРИНИНГ  
БУЙРУҒИ

**562** Давлат илмий-техника дастурлари доирасида яратилган интеллектуал мулк ҳуқуқлари (патентлар)ни хорижда рўйхатдан ўтказиш ва қўллаб-қувватлаш харажатларини тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида\*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил  
5 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3034*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 ноябрдаги ПФ-5264-сон «Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигини ташкил этиш тўғрисида»ги Фармони ҳамда 2017 йил 30 ноябрдаги ПҚ-3416-сон «Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Давлат илмий-техника дастурлари доирасида яратилган интеллектуал мулк ҳуқуқлари (патентлар)ни хорижда рўйхатдан ўтказиш ва қўллаб-қувватлаш харажатларини тўлаш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Вазир**

**И. АБДУРАХМАНОВ**

Тошкент ш.,  
2018 йил 4 июнь,  
14/6-сон

---

\* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 6 июлда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси  
инновацион ривожланиш вазирининг  
2018 йил 4 июндаги 14/6-сон буйруғига  
ИЛОВА

**Давлат илмий-техника дастурлари доирасида яратилган  
интеллектуал мулк ҳуқуқлари (патентлар)ни хорижда  
рўйхатдан ўтказиш ва қўллаб-қувватлаш харажатларини  
тўлаш тартиби тўғрисидаги  
НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 ноябрдаги ПФ–5264-сон «Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигини ташкил этиш тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 1 ноябрдаги ПҚ–3365-сон «Илмий-тадқиқот муассасаларининг инфратузилмасини янада мустаҳкамлаш ва инновацион фаолиятини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ҳамда 2017 йил 30 ноябрдаги ПҚ–3416-сон «Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорларига мувофиқ Давлат илмий-техника дастурлари доирасида яратилган интеллектуал мулк ҳуқуқлари (патентлар)ни хорижда рўйхатдан ўтказиш ва қўллаб-қувватлаш харажатларини тўлаш тартибини белгилайди.

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Давлат илмий-техника дастурлари доирасида яратилган интеллектуал мулк ҳуқуқлари (патентлар)ни хорижда рўйхатдан ўтказиш ва қўллаб-қувватлаш билан боғлиқ харажатлар Инновацион ривожланиш ва новаторлик ғояларини қўллаб-қувватлаш жамғармасининг (бундан буён матнда Жамғарма деб юритилади) маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

2. Давлат илмий-техника дастурлари доирасида яратилган интеллектуал мулк ҳуқуқлари (патентлар)ни хорижда рўйхатдан ўтказиш ва қўллаб-қувватлаш билан боғлиқ харажатларни молиялаштириш тегишли молия йили учун Жамғарманинг Кузатув кенгаши томонидан тасдиқланадиган даромадлар ва харажатларнинг прогноз параметрларида кўзда тутилади.

**2-боб. Интеллектуал мулк ҳуқуқлари (патентлар)ни  
хорижда рўйхатдан ўтказиш ва қўллаб-қувватлаш бўйича  
маълумотлар (рўйхат)ни шакллантириш,  
умумлаштириш ва тасдиқлаш**

3. Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги (бундан буён матнда Вазирлик деб юритилади) Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ва тасарруфида илмий-тадқиқот ёки олий таълим муассасалари бўлган вазирлик ва идораларнинг Давлат илмий-техника дастурлари

доирасида яратилган интеллектуал мулк ҳуқуқлари (патентлар)ни хорижда рўйхатдан ўтказиш ва қўллаб-қувватлаш бўйича таклифлари мақсадга мувофиқлигини ўрганади, умумлаштиради ҳамда таҳлил асосида дастлабки рўйхатни шакллантиради.

4. Вазирлик дастлабки рўйхатни шакллантиришда давлат илмий-техника дастурлари доирасида яратилган интеллектуал мулк ҳуқуқлари (патентлар)ни хорижда рўйхатдан ўтказишдан ва қўллаб-қувватлашдан кутилаётган қуйидаги натижаларга амал қилади:

илмий ёки иқтисодий самарадорлик;

ишлаб чиқаришда фойдаланишдаги самарадорлик;

юқори техник натижа;

табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва табиатни муҳофаза қилиш қобилияти;

ижтимоий муаммолар ечимини таъминлаши ва бошқалар.

5. Вазирлик Давлат илмий-техника дастурлари доирасида яратилган интеллектуал мулк ҳуқуқлари (патентлар)ни хорижда рўйхатдан ўтказиш ва қўллаб-қувватлаш учун ҳар йили:

15 июнгача мазкур Низомнинг иловасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ва тасарруфида илмий-тадқиқот ёки олий таълим муассасалари мавжуд бўлган вазирлик ва идораларнинг таклифларини қабул қилади;

15 сентябргача Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигига (бундан буён матнда Интеллектуал мулк агентлиги деб юритилади) шакллантирилган дастлабки рўйхатни ва маълумотларни тақдим этади.

Бунда, Вазирлик томонидан тақдим этилаётган маълумотда Давлат илмий-техника дастурлари доирасида яратилган интеллектуал мулк ҳуқуқлари (патентлар)ни қайси хорижий давлатларда рўйхатдан ўтказиш ва қанча муддат қўллаб-қувватланиши аниқ кўрсатилиши зарур.

6. Интеллектуал мулк агентлиги Давлат илмий-техника дастурлари доирасида яратилган интеллектуал мулк ҳуқуқлари (патентлар)ни хорижда рўйхатдан ўтказиш ва қўллаб-қувватлаш бўйича тақдим этилган маълумотларни ҳар йили 15 ноябргача Вазирликка тақдим этади.

Бунда, Интеллектуал мулк агентлиги Давлат илмий-техника дастурлари доирасида яратилган интеллектуал мулк ҳуқуқлари (патентлар)ни хорижда рўйхатдан ўтказиш ва қўллаб-қувватлаш патент ҳамкорлиги тўғрисидаги битим РСТ ёки тўғридан-тўғри (конвенцион процедура) патентлаш йўли орқали амалга оширилиши учун талаб этиладиган харажатлар (тегишли валюта маблағларида) миқдори кўрсатилган маълумотни (рўйхатни) Вазирликка тақдим этади.

7. Вазирлик Интеллектуал мулк агентлиги томонидан тақдим этилган маълумотларни (рўйхатни) кўриб чиқиб, ҳар йили 1 декабргача тасдиқлаш учун Жамғарманинг Кузатув кенгашига киритади.

8. Жамғарманинг Кузатув кенгаши томонидан тасдиқланган рўйхат асосида давлат илмий-техника дастурлари доирасида яратилган интеллектуал

мулк ҳуқуқини (патентларни) баҳолаш, шунингдек, хорижда рўйхатдан ўтказиш ва қўллаб-қувватлаш харажатлари Жамғарма томонидан молиялаштирилади.

**3-боб. Интеллектуал мулк ҳуқуқлари (патентлар)ни хорижда рўйхатдан ўтказиш ва кучда сақлаб туришни молиялаштириш**

9. Давлат илмий-техника дастурлари доирасида яратилган интеллектуал мулк ҳуқуқлари (патентлар)ни хорижда рўйхатдан ўтказиш ва қўллаб-қувватлаш харажатларини тўлаш Жамғарма ижро этувчи дирекцияси, тегишли буюртманома берган илмий-тадқиқот ёки олий таълим муассасаси ва хорижий патент идораси (патент идораси агенти) ўртасидаги уч томонлама шартнома асосида амалга оширилади.

10. Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларида, шунингдек халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган норма ва тамойилларида мазкур Низомда белгиланганидан кўра бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартномалар қоидалари ёки халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган норма ва тамойиллари қўлланилади.

**4-боб. Яқуний қоидалар**

11. Вазирлик Давлат илмий-техника дастурлари доирасида яратилган интеллектуал мулк ҳуқуқлари (патентлар)ни хорижда рўйхатдан ўтказиш ва қўллаб-қувватлашнинг мақсадга мувофиқлиги бўйича берилган хулосасига, таҳлил асосида дастлабки рўйхатни шакллантиришга масъул ҳисобланади.

12 Интеллектуал мулк агентлиги Давлат илмий-техника дастурлари доирасида яратилган интеллектуал мулк ҳуқуқлари (патентлар)ни хорижда рўйхатдан ўтказиш ва қўллаб-қувватлаш бўйича тақдим этилган маълумотларни, хорижда рўйхатдан ўтказиш ва патентни қўллаб-қувватлаш учун Патент ҳамкорлиги тўғрисидаги битим (РСТ) ёки тўғридан-тўғри (конвенцион процедура) патентлаш йўли орқали талаб этиладиган харажатлар (тегишли валюта маблағларида) миқдори кўрсатилган маълумотни (рўйхатни) ўз вақтида ва тўғри тақдим этилишига масъул ҳисобланади.

13. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Интеллектуал мулк агентлиги, Фанлар академияси ҳамда Инновацион ривожланиш ва новаторлик ғояларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси билан келишилган.

*Молия вазири*

*Д. КУЧКАРОВ*

*2018 йил 4 июнь*

*Олий ва ўрта махсус  
таълим вазири*

**И. МАДЖИДОВ**

*2018 йил 4 июнь*

*Интеллектуал мулк агентлиги  
Бош директори*

**А. ФАЙЗУЛЛАЕВ**

*2018 йил 4 июнь*

*Фанлар академияси Президенти*

**Б. ЮЛДАШЕВ**

*2018 йил 4 июнь*

*Инновацион ривожланиш ва  
новаторлик гояларини  
қўллаб-қувватлаш жамғармаси  
ижро этувчи директори в. б.*

**Б. ОХУНОВ**

*2018 йил 4 июнь*

Давлат илмий-техника дастурлари  
доирасида яратилган интеллектуал мулк ҳуқуқлари  
(патентлар)ни хорижда рўйхатдан ўтказиш ва қўллаб-  
қувватлаш тартиби тўғрисидаги низомга  
ИЛОВА

**Давлат илмий-техника дастурлари доирасида яратилган интеллектуал мулк объектларини  
хорижий давлатларда рўйхатга олиш бўйича  
ТАКЛИФЛАР**

Т/р	Патент номи, рақами ва олинган санаси	Патент эгаси	Қайси давлатда рўйхатга олиш таклиф этилмоқда	Хорижий давлатда патентлашдан мақсад	Харажатлар						
					жами	шундан:					
						патентлаш	патентни амалда ушлаб туриш	шу жумладан:			
1-йил	2-йил	3-йил	...йил								
1.											
2.											
3.											
4.											
5.											
...											

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНИШ ВАЗИРИНИНГ  
БУЙРУҒИ

**563** Илмий лабораторияларни яратиш ва қўшимча жиҳозлаш бўйича танловларни ўтказиш, шунингдек зарур сарфлаш материаллари ва бутловчи қисмлар билан таъминлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида\*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 5 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3035*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 ноябрдаги ПФ-5264-сон «Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигини ташкил этиш тўғрисида»ги Фармони ҳамда 2017 йил 30 ноябрдаги ПҚ-3416-сон «Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Илмий лабораторияларни яратиш ва қўшимча жиҳозлаш бўйича танловларни ўтказиш, шунингдек зарур сарфлаш материаллари ва бутловчи қисмлар билан таъминлаш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Фан ва технологиялар бўйича давлат комиссиясининг 2017 йил 20 сентябрдаги 2-сон қарори билан тасдиқланган Давлат илмий-техника дастурларини бажаришда иштирок этувчи илмий-тадқиқот ва олий таълим муассасаларини илмий, технологик ва лаборатория асбоб-ускуналари билан жиҳозлаш (қўшимча жиҳозлаш) ва илмий лабораторияларни зарур сарфланувчи материаллар ва бутловчи қисмлар билан узлуксиз таъминлаш тартиби тўғрисидаги низом (рўйхат рақами 2947, 2017 йил 15 ноябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 46-сон, 1140-модда) ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

3. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Вазир**

**И. АБДУРАХМАНОВ**

Тошкент ш.,  
2018 йил 4 июнь,  
14/4-сон

---

\* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 6 июлда эълон қилинган.



Ўзбекистон Республикаси  
инновацион ривожланиш вазирининг  
2018 йил 4 июндаги 14/4-сон буйруғига  
ИЛОВА

**Илмий лабораторияларни яратиш ва қўшимча жиҳозлаш  
бўйича танловларни ўтказиш, шунингдек зарур сарфлаш  
материаллари ва бутловчи қисмлар билан таъминлаш  
тартиби тўғрисидаги  
НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 ноябрдаги ПФ–5264-сон «Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигини ташкил этиш тўғрисида»ги Фармони ҳамда 2017 йил 30 ноябрдаги ПҚ–3416-сон «Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорига асосан илмий лабораторияларни яратиш ва қўшимча жиҳозлаш бўйича танловларни ўтказиш, шунингдек зарур сарфлаш материаллари ва бутловчи қисмлар билан таъминлаш тартибини белгилайди.

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Илмий лабораторияларни яратиш ва қўшимча жиҳозлаш бўйича танловларни ўтказиш, шунингдек, зарур сарфлаш материаллари ва бутловчи қисмлар билан таъминлаш билан боғлиқ харажатлар Инновацион ривожланиш ва новаторлик ғояларини қўллаб-қувватлаш жамғармасининг (бундан буён матнда Жамғарма деб юритилади) маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

2. Илмий лабораторияларни яратиш ва қўшимча жиҳозлаш бўйича танловларни ўтказиш, шунингдек, зарур сарфлаш материаллари ва бутловчи қисмлар билан таъминлаш бўйича лойиҳаларни (бундан буён буюртмалар деб юритилади) молиялаштириш тегишли молия йили учун Жамғарманинг Кузатув кенгаши томонидан тасдиқланадиган даромадлар ва харажатларнинг прогноз параметрларида кўзда тутилади.

**2-боб. Буюртмалар учун танлов ўтказиш**

3. Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги (бундан буён матнда Вазирлик деб юритилади) томонидан давлат илмий-техника дастурларини бажаришда иштирок этувчи илмий-тадқиқот ва олий таълим муассасалари (бундан буён матнда илмий-тадқиқот ва олий таълим муассасалари деб юритилади) ўртасида буюртмалар бўйича танлов ўтказилади.

4. Буюртмалар бўйича танлов тўғрисидаги эълон танлов бошланишидан 2 ой аввал оммавий ахборот воситалари, интернет нашрлар ҳамда Вазирликнинг расмий веб-сайтида эълон қилинади.

Танловни ўтказиш ҳақидаги эълонда қуйидаги маълумотлар бўлиши зарур:

танловни ўтказиш муддатлари;  
танлов иштирокчиларига қўйиладиган талаблар;  
зарур ҳужжатлар рўйхати;  
боғланиш учун телефонлар ва электрон манзиллар.

5. Жамғарманинг Кузатув кенгаши илмий-тадқиқот ва олий таълим муассасаларининг асослантирилган таклифлари бўйича танлов ўтказмасдан туриб қарор чиқариш ҳуқуқига эга.

6. Илмий тадқиқот ва олий таълим муассасалари буюртмаларига улар бевосита бўйсунувчи вазирлик ва идораларнинг расмий хати асосида қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади:

мазкур Низом иловасига мувофиқ шаклда талаб этилаётган лаборатория жиҳозлари, зарур сарфлаш материаллари ва (ёки) бутловчи қисмлар рўйхати, миқдори, таклиф этилаётган харид нархи, ишлаб чиқарувчи ёки етказиб берувчи давлатнинг номи, буюртманинг илмий ёки иқтисодий самарадорлиги;

буюртмадаги ҳар бир лаборатория жиҳози, сарфлаш материаллари ва/ёки бутловчи қисмларнинг тўлиқ спецификацияси;

ишлаб чиқарувчи ёки расмий етказиб берувчи вакилларнинг дастлабки тижорат таклифлари.

7. Илмий-тадқиқот ва олий таълим муассасалари буюртмани тақдимот шаклида ҳимоя қиладилар. Буюртма тақдимоги электрон шаклдаги материаллар билан бойитилиши ҳамда буюртманинг долзарблиги, мақсад ва вазифалари ёритиб берилиши лозим.

8. Вазирлик томонидан умумлаштирилган буюртмаларни ўрганиш ва асосли хулосалар олиш мақсадида инновацион ривожланиш вазирининг буйруғи асосида ҳар йили янги таркибда эксперт гуруҳи тузилади.

9. Эксперт гуруҳи ўз йўналиши бўйича камида 5 йил меҳнат стажига эга бўлган юқори малакали (турли вазирлик, идоралар, илмий-тадқиқот ва олий таълим муассасалари) камида 7 нафар мутахассислардан иборат таркибда тузилади. Эксперт гуруҳи таркибининг сони тоқ бўлиши лозим.

Эксперт гуруҳи раҳбари зарур ҳолларда тор ихтисослашувдаги қўшимча мутахассисларни (шу жумладан, ишлаб чиқариш корхона ва ташкилотлари, халқаро ташкилотлар, чет эл компаниялари ва мутахассисларини) экспертиза ишига жалб қилиши мумкин.

10. Эксперт гуруҳи 1 ойлик муддатда киритилган буюртмаларни тўлиқ ва ҳар томонлама кўриб чиқиб, якуний хулосани Вазирликка тақдим этади.

11. Эксперт гуруҳи томонидан якуний хулоса тайёрлашда қуйидагиларга эътибор қаратилади:

мазкур Низомнинг 6-бандида кўрсатилган ҳужжатларнинг тўлиқ тақдим этилганлигига;

илмий-тадқиқот ва/ёки олий таълим муассасасини принципаал жиҳатдан янги, замонавий ва юқори технологик ускуналар билан жиҳозланишига;

буюртманинг тегишли тармоқ ёки соҳа эҳтиёжлари ва талабларига мослигига;

тақдимотда буюртманинг долзарблиги, мақсад ва вазифалари тўлиқ ёритилганлигига.

12. Эксперт гуруҳи мажлисини ўтказиш учун кворум унинг таркибининг 70 фоизини ташкил этиши керак. Эксперт гуруҳининг барча мажлислари ва қабул қилинган қарорлари баённомалар билан расмийлаштирилади. Кўрилаётган масала бўйича қарор эксперт гуруҳи аъзолари умумий сонининг оддий кўпчилик овози билан қабул қилинади.

13. Эксперт гуруҳининг якуний хулосаларига мувофиқ танлаб олинган буюртмаларни амалга ошириш (сотиб олиш) харажатлари тегишли молия йилида Жамғарманинг ушбу мақсадлар учун режалаштирилиши кутилаётган маблағлари доирасида бўлиши зарур.

14. Вазирлик эксперт гуруҳининг якуний хулосаларини умумлаштириб, кўриб чиқиш ва тасдиқлаш учун Жамғарманинг Кузатув кенгашига киритади. Буюртмалар рўйхати Жамғарма Кузатув кенгаши томонидан тасдиқланганидан сўнг Жамғарма томонидан молиялаштирилади.

15. Кузатув кенгаши томонидан тасдиқланган буюртмаларнинг бирламчи ҳужжатлари ҳамда эксперт гуруҳининг якуний хулосаси нусхаси Вазирлик томонидан (аслига тўғрилигини тасдиқловчи муҳр билан) Жамғармага киритилади.

### **3-боб. Буюртмаларни молиялаштириш**

16. Илмий лабораторияларни яратиш ва қўшимча жиҳозлаш, шунингдек, зарур сарфлаш материаллари ва бутловчи қисмлар билан таъминлаш бўйича харидларни ташкил этиш учун Жамғарманинг ижро этувчи дирекцияси, Вазирлик ва буюртмани берган илмий-тадқиқот муассасаси ёки олий таълим муассасаси ўртасида уч томонлама шартнома тузилади.

17. Вазирлик хорижий етказиб берувчилар ва ишлаб чиқарувчиларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда танлаш асосида улар билан товар етказиб беришга (шу жумладан зарурат бўлганда, товарни илмий-тадқиқот ёки олий таълим муассасасига етказиб бериш, ишга тушириш-созлаш ва бошқа тегишли ишларни амалга оширишга) шартномаларни тузади.

18. Жамғарма Вазирлик томонидан молиялаштиришни очиш учун берилган сўровномага асосан шартномада белгиланган валютадаги суммаларни тегишли ҳисоб-рақамга қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ўтказиб беради.

19. Вазирликдан товарни қабул қилиб олиш буюртмани берган тегишли илмий-тадқиқот ёки олий таълим муассасаси томонидан бепул асосда амалга оширилади. Бунда товар етказиб берилганлигини тасдиқловчи ҳужжатларнинг нусхалари Жамғарманинг Ижро этувчи дирекциясига Вазирлик томонидан тақдим этилади.

20. Тегишли илмий-тадқиқот ёки олий таълим муассасаси учун сотиб олинган илмий асбоб-ускуналар, сарфланувчи материаллар ва бутловчи

қисмлар мазкур илмий-тадқиқот ёки олий таълим муассасаларнинг бухгалтерия балансига олинади.

21. Буюртмалар билан боғлиқ харажатлар Жамғарманинг Кузатув кенгаши томонидан тегишли молия йили учун тасдиқланган даромадлари ва харажатлари прогноз параметрлари доирасида молиялаштирилади.

#### **4-боб. Якуний қоидалар**

22. Мазкур Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

23. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Фанлар академияси ҳамда Инновацион ривожланиш ва новаторлик гоёларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси билан келишилган.

*Молия вазири*

*Д. КУЧКАРОВ*

*2018 йил 4 июнь*

*Олий ва ўрта махсус таълим вазири*

*И. МАДЖИДОВ*

*2018 йил 4 июнь*

*Фанлар академияси Президенти*

*Б. ЮЛДАШЕВ*

*2018 йил 4 июнь*

*Инновацион ривожланиш ва новаторлик гоёларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси ижро этувчи директори в. б.*

*Б. ОХУНОВ*

*2018 йил 4 июнь*

Илмий лабораторияларни яратиш ва қўшимча жиҳозлаш бўйича танловларни ўтказиш, шунингдек зарур сарфлаш материаллари ва бутловчи қисмлар билан таъминлаш тартиби тўғрисидаги низомга  
ИЛОВА

**Лаборатория жиҳозлари, зарур сарфлаш материаллари ва (ёки) бутловчи қисмлар  
РЎЙХАТИ**

Т/р	Илмий-тадқиқот ёки олий таълим муассасаси номи (янги ёки мавжуд лабораториянинг номи ҳам кўрсатилиши зарур)	Янги лаборатория жиҳозлари, қўшимча жиҳозлар, зарур сарфлаш материаллари ёки бутловчи қисмлар рўйхати (номи)	Сони (дона)	Таклиф этилаётган харид нархи (харид килиш валюта бирлигида)	Жами талаб этиладиган маблағ (харид килиш валюта бирлигида)	Ишлаб чиқарувчи (етказиб берувчи) давлат ва корхона	Буюртманинг илмий ёки иқтисодий самарадорлиги
1.							
2.							
3.							
...							
...							

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНИШ ВАЗИРИНИНГ  
БҮЙРУҒИ

**564** Ёш олимларни етакчи хорижий илмий ташкилотларда (марказлар, университетлар ва бошқалар), шу жумладан илмий лабораторияларни жиҳозлаш учун сотиб олинadиган юқори технологик асбоб-ускуналарда ишлаш методикасини ўзлаштириш учун қисқа муддатли илмий стажировкаларга юбориш мақсадида уларни танлов асосида саралаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида\*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 5 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3036*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 ноябрдаги ПФ–5264-сон «Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигини ташкил этиш тўғрисида»ги Фармони ҳамда 2017 йил 30 ноябрдаги ПҚ–3416-сон «Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **буёраман:**

1. Ёш олимларни етакчи хорижий илмий ташкилотларда (марказлар, университетлар ва бошқалар), шу жумладан илмий лабораторияларни жиҳозлаш учун сотиб олинadиган юқори технологик асбоб-ускуналарда ишлаш методикасини ўзлаштириш учун қисқа муддатли илмий стажировкаларга юбориш мақсадида уларни танлов асосида саралаш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Фан ва технологиялар бўйича давлат комиссиясининг 2017 йил 20 сентябрдаги 2-сон қарори билан тасдиқланган Ёш олимларни етакчи хорижий илмий марказлар ва университетларга қисқа муддатли илмий стажировкага юборишни ташкил этиш бўйича танлов ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом (рўйхат рақами 2948, 2017 йил 15 ноябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 46-сон, 1141-модда) ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

3. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Вазир**

**И. АБДУРАХМАНОВ**

Тошкент ш.,  
2018 йил 4 июнь,  
14/5-сон

---

\* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 6 июлда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси  
инновацион ривожланиш вазирининг  
2018 йил 4 июндаги 14/5-сон буйруғига  
ИЛОВА

**Ёш олимларни етакчи хорижий илмий ташкилотларда  
(марказлар, университетлар ва бошқалар), шу жумладан илмий  
лабораторияларни жиҳозлаш учун сотиб олинadиган юқори  
технологик асбоб-ускуналарда ишлаш методикасини ўзлаштириш  
учун қисқа муддатли илмий стажировкаларга юбориш мақсадида  
уларни танлов асосида саралаш тартиби тўғрисидаги  
НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 ноябрдаги ПФ–5264-сон «Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигини ташкил этиш тўғрисида»ги Фармони ҳамда 2017 йил 30 ноябрдаги ПҚ–3416-сон «Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ ёш олимларни етакчи хорижий илмий ташкилотларда (марказлар, университетлар ва бошқалар), шу жумладан илмий лабораторияларни жиҳозлаш учун сотиб олинadиган юқори технологик асбоб-ускуналарда ишлаш методикасини ўзлаштириш учун қисқа муддатли илмий стажировкаларга юбориш мақсадида уларни танлов асосида саралаш тартибини белгилайди.

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Ёш олимларни етакчи хорижий илмий ташкилотларда (марказлар, университетлар ва бошқалар), шу жумладан илмий лабораторияларни жиҳозлаш учун сотиб олинadиган юқори технологик асбоб-ускуналарда ишлаш методикасини ўзлаштириш учун қисқа муддатли илмий стажировкаларга (бундан буён матнда илмий стажировкалар деб юритилади) юбориш билан боғлиқ харажатлар Инновацион ривожланиш ва новаторлик гоёларини қўллаб-қувватлаш жамғармасининг (бундан буён матнда Жамғарма деб юритилади) маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

2. Илмий стажировкаларни молиялаштириш тегишли молия йили учун Жамғарманинг Кузатув кенгаши томонидан тасдиқланadиган даромадлар ва харажатларининг прогноз параметрларида кўзда тутилади.

**2-боб. Илмий стажировкаларга юбориш бўйича  
танлов ўтказиш**

3. Илмий стажировкаларга юбориш бўйича таклифларни умумлаштириш, номзодларни саралаш танловини ташкил этиш ва ўтказиш Вазирлик томонидан амалга оширилади.

4. Жамғарманинг Кузатув кенгаши илмий-тадқиқот ва олий таълим

муассасаларининг асослантирилган таклифлари бўйича танлов ўтказмасдан туриб қарор чиқариш ҳуқуқига эга.

5. Илмий стажировка ўташга илмий-тадқиқот ва олий таълим муассасаларининг илмий ва техник-муҳандис ходимлари номзод сифатида тавсия этилади.

6. Етакчи хорижий илмий ташкилотларда (марказлар, университетлар ва бошқалар) илмий стажировка ўташга қўйидаги талабларга жавоб берадиган илмий ва техник-муҳандис ходимлар юборилади:

хорижий тилларни ўзининг иш фаолиятини амалга оширишда зарур бўлган ҳажмда биладиган;

номзоднинг ёши 25 дан 45 гача бўлиши.

7. Вазирлик илмий стажировкаларга юбориш бўйича танлов ҳақидаги эълонни танлов ўтказишдан 1 ой олдин оммавий ахборот воситалари, шунингдек интернет-нашрлар ва Вазирликнинг расмий веб-сайтига жойлаштиради.

8. Танловни ўтказиш ҳақидаги эълонда қўйидаги маълумотлар бўлиши зарур:

танловни ўтказиш муддатлари;

танлов иштирокчиларига қўйиладиган талаблар;

зарур ҳужжатлар рўйхати;

боғланиш учун телефонлар ва электрон манзиллар.

9. Илмий стажировка ўташга номзодларнинг ҳужжатлари илмий-тадқиқот ва олий таълим муассасалари бевосита бўйсунувчи вазирлик ёки идораларнинг (бундан буён матнда буюртмачи деб юритилади) расмий хати асосида Вазирликка қўйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

мазкур Низом иловасига мувофиқ шаклдаги илмий стажировка режаси;

илмий-тадқиқот ёки олий таълим муассасасининг Илмий кенгаши қарори;

ходими ёш олим ҳисобланадиган илмий-тадқиқот муассасаси (олий таълим муассасаси) томонидан тасдиқланган ва қабул қилувчи томон билан келишилган, илмий стажировка таклифномаси ва дастури;

номзоднинг маълумотнома-объективкаси (анкета);

олий таълим муассасасини тугатганлигини тасдиқловчи дипломнинг нусхаси;

илмий даражасини (фан номзоди, PhD ва фан доктори), илмий унвонини (катта илмий ходим, доцент, профессор) тасдиқловчи диплом(лар)нинг нусхаси, агар мавжуд бўлса;

меҳнат дафтарчасининг нусхаси;

фуқаролик паспортининг нусхаси;

номзоднинг 3x4 см ўлчамдаги оқ фондаги рангли фотосурати (4 дона);

чет тилидан билим даражасини белгиловчи амалдаги миллий ёки халқаро сертификат (Миллий квалификация сертификати, IELTS, TOEFL ва шу кабилар), агар мавжуд бўлса.

10. Ушбу Низомнинг 9-бандида белгиланган зарур ҳужжатларни кўриб чиқиш, мутахассислик фанидан чет тилида суҳбат ўтказиш, ахборот-комму-



никация технологиялари бўйича билим даражаси ва кўникмаларини аниқлаш бевосита буюртмачи томонидан амалга оширилади.

11. Буюртмачиларнинг илмий стажировкалар бўйича таклифлари 10 кунлик муддатда Вазирлик томонидан умумлаштирилиб, Махсус эксперт гуруҳига хулоса олиш учун киритилади.

12. Махсус эксперт гуруҳи инновацион ривожланиш вазирининг бўй-руғи асосида ҳар йили янги таркибда тузилади.

13. Махсус эксперт гуруҳи ўз йўналишида камида 5 йил меҳнат стажига эга бўлган юқори малакали (турли вазирлик, идоралар, илмий ва илмий тадқиқот муассасалари) камида 7 нафар мутахассислардан иборат таркибда тузилади. Бунда махсус эксперт гуруҳи раҳбари, зарур ҳолларда тор ихтисослашувдаги қўшимча мутахассисларни (шу жумладан, ишлаб чиқариш корхона ва ташкилотлардан) экспертиза ишига жалб қилиши мумкин.

14. Махсус эксперт гуруҳи якуний хулоса тайёрлашда қуйидаги мезонларга амал қилади:

мазкур Низомнинг 9-бандида кўрсатилган ҳужжатларнинг тўлиқ тақдим этилганлигига;

хорижий тилларни ўзининг иш фаолиятини амалга оширишда зарур бўлган ҳажмда билиши ва қўллай олишига;

илмий стажировканинг мақсад ва вазифаларининг долзарблигига ҳамда илмий ёки иқтисодий самарадорлигига;

илмий стажировканинг илмий-тадқиқот ва/ёки олий таълим муассасасининг йўналишлари, эҳтиёжлари ва талабларига мослигига.

15. Махсус эксперт гуруҳи мажлисини ўтказиш учун кворум унинг таркибининг 70 фоизини ташкил этиши лозим. Махсус эксперт гуруҳининг барча мажлислари ва барча қабул қилинган қарорлари баённомалар билан расмийлаштирилади.

16. Махсус эксперт гуруҳи бир ойлик муддатда киритилган таклифларни тўлиқ ва ҳар томонлама кўриб чиқиб, номзодларнинг илмий стажировка дастурлари ҳимоясини ўтказиб (бунда, номзодлар ўз илмий стажировка дастурларини чет тилида презентация кўринишида ҳимоя қилишлари талаб этилади), якуний хулосани Вазирликка тақдим этади.

17. Вазирлик танлов натижаларини умумлаштиради ҳамда тасдиқлаш учун Жамғарма Кузатув кенгашига тақдим этади.

18. Илмий стажировка ўташга юбориш Жамғарма томонидан танлов якунига мувофиқ Жамғарма Кузатув кенгашининг тегишли қарори қабул қилингандан сўнг амалга оширилади.

### **3-боб. Илмий стажировкаларни молиялаштириш**

19. Махсус эксперт гуруҳининг якуний хулосасига мувофиқ танлаб олинган номзодларнинг илмий стажировкаси билан боғлиқ харажатлар Жамғарманинг тегишли молия йили учун Жамғарманинг ушбу мақсадлар учун режалаштирилган маблағлари доирасида бўлиши зарур.

20. Илмий стажировкалар бўйича харажатлар Жамғарма ижро этувчи

дирекцияси, Вазирлик, ходими ёш олим ҳисобланадиган илмий-тадқиқот муассасаси (олий таълим муассасаси) ҳамда етакчи хорижий илмий ташкилот ўртасидаги шартнома билан тартибга солинадиган илмий стажировка шартлари, талаблари ва муддатларига мувофиқ амалга оширилади.

#### **4-боб. Яқуний қоидалар**

21. Мазкур Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

22. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Фанлар академияси ҳамда Инновацион ривожланиш ва новаторлик гояларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси билан келишилган.

*Молия вазири*

*Д. КУЧКАРОВ*

*2018 йил 4 июнь*

*Олий ва ўрта махсус  
таълим вазири*

*И. МАДЖИДОВ*

*2018 йил 4 июнь*

*Фанлар академияси  
Президенти*

*Б. ЮЛДАШЕВ*

*2018 йил 4 июнь*

*Инновацион ривожланиш ва  
новаторлик гояларини қўллаб-  
қувватлаш жамғармаси  
ижро этувчи директори в. б.*

*Б. ОХУНОВ*

*2018 йил 4 июнь*

Ёш олимларни етакчи хорижий илмий ташкилотларда (марказлар, университетлар ва бошқалар), шу жумладан илмий лабораторияларни жиҳозлаш учун сотиб олинган юқори технологик асбоб-ускуналарда ишлаш методикасини ўзлаштириш учун қисқа муддатли илмий стажировкаларга юбориш мақсадида уларни танлов асосида саралаш тартиби тўғрисида низомга  
ИЛОВА

**Ёш олимларни етакчи хорижий илмий ташкилотларда (марказлар, университетлар ва бошқалар), шу жумладан илмий лабораторияларни жиҳозлаш учун сотиб олинган юқори технологик асбоб-ускуналарда ишлаш методикасини ўзлаштириш учун қисқа муддатли илмий стажировкаларга юбориш  
РЕЖАСИ**

Т/р	Ф.И.О.	Иш жойи ва лавозими (илмий-тадқиқот ёки олий таълим муассасаси)	Илмий стажировканинг мақсад ва вазифалари	Илмий стажировка ўтказиладиган давлат, қабул қилувчи ташкилотлар	Илмий стажировканинг давомийлиги	Илмий стажировка учун талаб этиладиган маблағ (транспорт, яшаш, овқатланиш ва бошқа харажатлар ҳар бири алоҳида кўрсатилиши зарур)	Қутилаётган натижалар
<b>Ёш олимларни қисқа муддатли илмий стажировкалари (6 ойгача)</b>							
1.							
2.							
3.							
<b>Илмий лабораторияларни жиҳозлаш учун сотиб олинган замонавий илмий ва технологик асбоб-ускуналарда ишлашни ўрганиш бўйича илмий стажировкалар (3 ойгача)</b>							
1.							
2.							
3.							

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРИНИНГ  
БУЙРУҒИ**565** Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги  
озодликдан маҳрум қилиш туридаги жазони ижро  
этиш муассасаларининг ички тартиб қоидаларига ўзгартириш-  
лар киритиш тўғрисида\*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил  
5 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2495-2*

Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 29 мартдаги ЎРҚ-421-сон «Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги, 2017 йил 29 августдаги ЎРҚ-440-сон «Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил тўғрисида»ги, 2017 йил 29 августдаги ЎРҚ-441-сон «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги ҳамда 2017 йил 6 сентябрдаги ЎРҚ-442-сон «Суриштирув институти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонунлари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 14 ноябрдаги 387-сон «Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **бу юраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2012 йил 29 декабрдаги 174-сон буйруғи (рўйхат рақами 2495, 2013 йил 29 июль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 31-сон, 414-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги озодликдан маҳрум қилиш туридаги жазони ижро этиш муассасаларининг ички тартиб қоидаларига иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради

**Вазир**

**П. БОБОЖОНОВ**

Тошкент ш.,  
2018 йил 6 июнь,  
154-сон

---

\* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 6 июлда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси  
ички ишлар вазирининг 2018 йил 6 июндаги  
154-сон буйруғига  
ИЛОВА

**Ички ишлар вазирлиги озодликдан маҳрум қилиш  
туридаги жазони ижро этиш муассасаларининг ички тартиб  
қоидаларига киритилаётган ўзгартиришлар**

1. 81-банддаги «1999 йил 12 апрелдаги 171-сонли қарори (Ўзбекистон Республикасининг Ҳукумати қарорлари тўплами, 1999 й., 4-сон, 18-модда)» деган сўзлар «2016 йил 14 ноябрдаги 387-сон қарори» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. 154-банддан «қамоқ жазосига ҳукм қилинган ва» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

3. 241-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«241. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман), Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил ва прокурор номига йўлланган таклиф, ариза ва шикоятлар кўздан кечирилмайди ҳамда муҳрланган тарзда йигирма тўрт соатдан кечиктирмай юборилади, телеграммалар эса дарҳол юборилади.»

4. 495-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«495. Маҳкумнинг жасади унинг қариндошларига ЖИЭМ маъмурияти томонидан ЖПКда назарда тутилган тегишли терговга қадар текширув, шунингдек суд-тиббий экспертизаси ўтказилгандан сўнг терговга қадар текширувни амалга оширувчи органнинг мансабдор шахси, суриштирувчи, терговчи ёки прокурорнинг қарори ёхуд суднинг ажримига асосан қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда ва тартибда берилади.»

5. Мазкур ўзгартиришлар Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Олий суди, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги билан келишилган.

**Бош прокурор**

**О. МУРОДОВ**

2018 йил 6 июнь

**Олий суд раиси**

**К. КАМИЛОВ**

2018 йил 6 июнь

**Соғлиқни сақлаш вазири**

**А. ШАДМАНОВ**

2018 йил 6 июнь

*Бандлик ва меҳнат  
муносабатлари вазири*

*Ш. КУДБИЕВ*

*2018 йил 6 июнь*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРИНИНГ  
БУЙРУҒИ

**566** **Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги**  
**тергов ҳибсхоналарининг ички тартиб қоидаларига**  
**ўзгартиришлар киритиш тўғрисида\***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил  
5 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2456-2*

Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 29 мартдаги ЎРҚ–121-сон «Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги, 2017 йил 29 августдаги ЎРҚ–440-сон «Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил тўғрисида»ги ва 2017 йил 29 августдаги ЎРҚ–441-сон «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги ҳамда 2017 йил 6 сентябрдаги ЎРҚ–442-сон «Суриштирув институти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонунларига, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 14 ноябрдаги 387-сон «Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг 2012 йил 29 декабрдаги 175-сон буйруғи (рўйхат рақами 2456, 2013 йил 13 май) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 20-сон, 260-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги тергов ҳибсхоналарининг ички тартиб қоидаларига иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

---

\* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 6 июлда эълон қилинган.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Вазир**

**П. БОБОЖОНОВ**

Тошкент ш.,  
2018 йил 6 июнь,  
155-сон

Ўзбекистон Республикаси  
ички ишлар вазирининг 2018 йил 6 июндаги  
155-сон буйруғига  
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги тергов  
ҳибсхоналарининг ички тартиб қоидаларига киритилаётган  
ўзгартиришлар**

1. 8-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«8. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил ТХга монеликсиз кириш ҳуқуқига эга. Бунда ТХ маъмурияти томонидан Вакилнинг хавфсизлиги таъминланади.»

2. 9-банднинг тўққизинчи хатбошисидаги «миллий» деган сўз «давлат» деган сўз билан алмаштирилсин.

3. 180-банддаги «1999 йил 12 апрелдаги 171-сонли қарори (Ўзбекистон Республикасининг Ҳукумати қарорлари тўплами, 1999 й., 4-сон, 18-модда)» деган сўзлар «2016 йил 14 ноябрдаги 387-сон қарори» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

4. 205-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«205. Суд, прокурор, ҳимоячи, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман), Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил ёки ТХларни текшириш ҳуқуқига эга бўлган бошқа давлат органлари номига, шунингдек жиноят ишини юритаётган мансабдор шахсга ёки органга йўлланган ариза, таклиф ва шикоятлар цензурадан ўтказилмайди ҳамда муҳрланган тарзда йигирма тўрт соатдан кечиктирмай юборилади, телеграммалар эса дарҳол юборилади.»

5. 217-банддаги «тўғрисидаги терговчининг» деган сўзлар «тўғрисидаги суриштирувчининг ёки терговчининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

6. 246 ва 247-бандлардаги «тергов олди текшируви» деган сўзлар «терговга қадар текширув» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

7. 252-банд «суднинг қарори» деган сўзлар «суднинг ажрими» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

8. 254-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«254. Агар ушлаб туриш ёки қамокда сақлашнинг ЖПКда белгиланган муддатлари тугаганидан кейин ТХда сақланаётган шахсни озод қилиш ҳақидаги прокурорнинг, терговчининг ёки суриштирувчининг қарори ёхуд суднинг ушлаб туриш муддатини узайтириш тўғрисидаги ёки унга нисбатан қамокқа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш ёхуд қамокда сақлаш муддатини узайтириш ҳақидаги ажрими келиб тушмаган бўлса, ТХларда қонунлар ижроси устидан назорат қилувчи прокурор ёхуд ТХ бошлиғи ТХда сақланаётган шахсни ўз қарори билан дарҳол озод қилади. Қарорнинг кўчирма нусхаси кечиктирмасдан жиноят ишини юритаётган мансабдор шахсга ёки органга, шунингдек прокурорга юборилади.»

9. 2-илова мазкур ўзгартиришларнинг иловасига\* мувофиқ таҳрирда баён этилсин.

10. Мазкур ўзгартиришлар Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Олий суди, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги билан келишилган.

**Бош прокурор**

**О. МУРОДОВ**

*2018 йил 6 июнь*

**Олий суд раиси**

**К. КАМИЛОВ**

*2018 йил 6 июнь*

**Соғлиқни сақлаш вазири**

**А. ШАДМАНОВ**

*2018 йил 6 июнь*

**Бандлик ва меҳнат  
муносабатлари вазири**

**Ш. КУДБИЕВ**

*2018 йил 6 июнь*

---

\* Илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.



ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACASI АДЛИЯ ВАЗИРИНИНГ  
БУЙРУҒИ**567 Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлаш  
ва қабул қилиш қоидаларига ўзгартиришлар кири-  
тиш тўғрисида\***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил  
5 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2565-6*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 апрелдаги ПҚ–3666-сон «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига асосан, **бюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2014 йил 28 февралдаги 53-мх-сон буйруғи (рўйхат рақами 2565, 2014 йил 28 февраль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 10-сон, 110-модда) билан тасдиқланган Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлаш ва қабул қилиш қоидаларига иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ давлат рўйхатидан ўтказилсин ҳамда Ҳукумат баён-нома қарорлари ва идоравий норматив ҳужжатларни ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш бошқармаси Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестрига тегишли ёзув киритсин.

3. Қонун ҳужжатларини таҳлил қилиш ва туркумлаш бошқармаси ушбу идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами» — «Собрание законодательства Республики Узбекистан»да ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида эълон қилинишини таъминласин.

4. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

5. Мазкур буйруқнинг ижросини назорат қилиш вазирнинг биринчи ўринбосари Н. Жўраев зиммасига юклансин.

**Вазир**

**Р. ДАВЛЕТОВ**

Тошкент ш.,  
2018 йил 5 июль,  
356-мх-сон

---

\* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 6 июлда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси  
адлия вазирининг 2018 йил 5 июлдаги  
356-мх-сон буйруғига  
ИЛОВА

**Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлаш ва қабул қилиш қоидаларига киритилаётган ўзгартиришлар**

1. 65-банднинг «г» кичик банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«г) идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасининг Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари порталига жамоатчилик муҳокамаси ўтказилиши учун жойлаштирилганлиги ва унинг натижалари ҳақидаги маълумотлар.».

2. 68-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«68. Ижтимоий-иқтисодий ривожланиш, иқтисодиётнинг алоҳида соҳалари ва тармоқлари ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети масалалари билан боғлиқ идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари тегишлича Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ва Молия вазирлиги, ташқи савдо билан боғлиқ масалалар бўйича — Ўзбекистон Республикаси Ташқи савдо вазирлиги билан, инвестициялар билан боғлиқ масалалар бўйича — Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси билан, ташқи сиёсий фаолият билан боғлиқ масалалар бўйича — Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги билан нодавлат нотижорат ташкилотларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига дахлдор масалалар бўйича — Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси билан, адвокатлик фаолияти ва суд ишини юритиш билан боғлиқ масалалар бўйича — Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси билан, тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишга бевосита ёки билвосита таъсир қиладиган масалалар бўйича — Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси билан келишилиши лозим.».

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ  
ВА КОММУНИКАЦИЯЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ  
ВАЗИРЛИГИНИНГ  
ҚАРОРИ

**568** Ўзбекистон Республикаси божхона чегараси орқали радиоэлектрон воситалар ва юқори частотали қурилмаларни олиб ўтиш тартибига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида\*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 5 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 526-6*

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 мартдаги ПФ–5379-сон «Ўзбекистон Республикасининг Давлат хавфсизлиги тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ҳамда 2018 йил 19 февралдаги ПФ–5349-сон «Ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 1 майдаги 318-сон «Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳузуридаги Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари соҳасида назорат бўйича инспекция тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси ва Ўзбекистон почта ва телекоммуникация агентлигининг 1998 йил 29 октябрдаги 05/20-889, 01-8/2504-сон билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси божхона чегараси орқали радиоэлектрон воситалар ва юқори частотали қурилмаларни олиб ўтиш тартибига (рўйхат рақами 526, 1998 йил 9 ноябрь) иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Давлат божхона  
қўмитаси раиси**

**М. АЗИМОВ**

Тошкент ш.,  
2018 йил 19 июнь,  
01-02/20-49-сон

---

\* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 6 июлда эълон қилинган.

**Ахборот технологиялари  
ва коммуникацияларини  
ривожлантириш вазири**

**А. АХМЕДХАДЖАЕВ**

Тошкент ш.,  
2018 йил 19 июнь,  
16/24-сон

Ўзбекистон Республикаси  
Давлат божхона қўмитаси ва Ахборот  
технологиялари ва коммуникацияларини  
ривожлантириш вазирлигининг  
2018 йил 19 июндаги 01-02/20-49,  
16/24-сон қарорига  
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси божхона чегараси орқали  
радиоэлектрон воситалар ва юқори частотали қурилмаларни  
олиб ўтиш тартибига киритилаётган ўзгартиришлар**

1. 3-бандда «б» кичик бандидаги «Миллий» деган сўз «Давлат» деган сўз билан алмаштирилсин.
2. 5-бандда «Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари соҳасида назорат бўйича давлат инспекциясининг» деган сўзлар «Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари соҳасида назорат бўйича инспекциянинг» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИНИНГ  
ҚАРОРИ

**569** «Импорт қилинадиган товарларни божхонада расмийлаштиришда даврий божхона декларациясини тақдим этиш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида» қарор, шунингдек унга ўзгартиришларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида\*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил  
5 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2419-3*

Ўзбекистон Республикаси Божхона кодекси ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 12 апрелдаги ПФ–5414-сон «Ўзбекистон Республикаси давлат божхона хизмати органлари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Фармониға ҳамда Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлаш ва қабул қилиш Қоидалари (рўйхат рақами 2565, 2014 йил 28 февраль)ға мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси **қарор қилади:**

1. Айрим идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар иловаға мувофиқ ўз кучини йўқотган деб топилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучға киради.

**Раис**

**М. АЗИМОВ**

Тошкент ш.,  
2018 йил 14 июнь,  
01-02/12-47-сон

---

\* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 6 июлда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси  
Давлат божхона қўмитасининг 2018 йил  
14 июндаги 01-02/12-47-сон қарорига  
ИЛОВА

**Ўз кучини йўқотган деб топилаётган идоравий  
норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар  
РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2013 йил 28 январдаги 01-02/12-10-сон «Импорт қилинадиган товарларни божхонада расмийлаштиришда даврий божхона декларациясини тақдим этиш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2419, 2013 йил 30 январь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 5-сон, 64-модда).

2. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2014 йил 14 ноябрдаги 01-02/12-25-сон «Импорт қилинадиган товарларни божхонада расмийлаштиришда даврий божхона декларациясини тақдим этиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 3-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2419-1, 2014 йил 24 ноябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 48-сон, 574-модда).

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2016 йил 1 апрелдаги 01-02/12-17-сон «Импорт қилинадиган товарларни божхонада расмийлаштиришда даврий божхона декларациясини тақдим этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақидаги қарорга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги қарори (рўйхат рақами 2419-2, 2016 йил 7 апрель) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 14-сон, 138-модда).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИНИНГ  
ҚАРОРИ

**570** Бир ташқи савдо шартномаси доирасида айнан бир хил товарларнинг божхона расмийлаштирувини даврий божхона юк декларацияси тақдим қилиш йўли билан амалга ошириш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида\*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 5 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3037*

Ўзбекистон Республикаси Божхона кодекси ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 12 апрелдаги ПФ–5414-сон «Ўзбекистон Республикаси давлат божхона хизмати органлари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармониға мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси **қарор қилади:**

1. Бир ташқи савдо шартномаси доирасида айнан бир хил товарларнинг божхона расмийлаштирувини даврий божхона юк декларацияси тақдим қилиш йўли билан амалга ошириш тартиби тўғрисида низом иловаға мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучға киради.

**Раис**

**М. АЗИМОВ**

Тошкент ш.,  
2018 йил 14 июнь,  
01-02/12-45-сон

---

\* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 6 июлда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси  
Давлат божхона қўмитасининг 2018 йил  
14 июндаги 01-02/12-45-сон қарорига  
ИЛОВА

**Бир ташқи савдо шартномаси доирасида айнан бир хил  
товарларнинг божхона расмийлаштирувини даврий божхона  
юк декларацияси тақдим қилиш йўли билан амалга  
ошириш тартиби тўғрисида  
НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Божхона кодекси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 12 апрелдаги ПФ–5414-сон «Ўзбекистон Республикаси давлат божхона хизмати органлари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ божхона чегараси орқали олиб ўтиладиган бир ташқи савдо шартномаси доирасида айнан бир хил товарларнинг (жисмоний хусусияти, сифати, ишлаб чиқарувчиси, ташқи иқтисодий фаолиятнинг товар номенклатура коди бўйича) божхона расмийлаштирувини даврий божхона юк декларацияси (бундан буён матнда БЮД деб юритилади) тақдим қилиш йўли билан амалга ошириш тартибини белгилайди.

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Низомда қўйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

**айни бир хил товарлар** — ишлаб чиқарилган мамлакати, физик хусусиятлари, сифати, ишлаб чиқарувчиси ва Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолиятининг товар номенклатураси (бундан буён матнда ТИФ ТН деб юритилади) бўйича товар кодининг ўнта белгили даражаси бир хил бўлган товарлар;

**айни бир шахс томонидан доимий олиб ўтиш** — бир хил товарларнинг олтмиш календарь кун ичида бир маротабадан кўп марта битта юк жўнатувчи манзилдан бошқа юк қабул қилувчи манзилига бир шартнома (келишув, битим) асосида бир хил шароитда божхона чегарасидан олиб ўтилиши;

**товар туркуми** — битта олувчининг манзилига битта транспорт ҳужжати бўйича келаётган ёки битта почта юк хати билан жўнатилаётган ёхуд божхона чегараси орқали ўтаётган битта жисмоний шахснинг қўл юкида ва бағажда олиб ўтилаётган товар ёки унинг бир қисми;

**божхона органларига божхона юк декларациясини тақдим этаётган шахс** (бундан буён матнда декларацияловчи шахс деб юритилади) — божхона органларига БЮДни ўз номидан тақдим этаётган декларант ёки БЮДни тўлдириш, имзолаш ва божхона органларига декларант номидан тақдим этишга ваколатли божхона расмийлаштируви бўйича мутахассис.

2. Даврий БЮД бир хил турдаги товарларни божхона чегараси орқали



бир шартнома (келишув, битим) доирасида айна бир шахс томонидан мунтазам олиб ўтишда расмийлаштирилади.

3. Айна бир хил турдаги товарларга бир ташқи савдо шартномаси (келишув, битим) доирасида карантин рухсатномалар, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси объектларини, озон емирувчи моддалар ва улардан ташкил топган маҳсулотларни божхона чегараси орқали олиб ўтиш учун рухсатномалар, мувофиқлик сертификати, ветеринар, гигиеник ва экологик сертификатлар бир календарь йилидан ошмаган муддатга бир маротаба тақдим этилиши мумкин.

4. Мазкур Низомга мувофиқ БЮД расмийлаштирилиши икки босқичда амалга оширилади:

биринчи босқичда даврий БЮД расмийлаштирилади;

иккинчи босқичда тўлиқ БЮД расмийлаштирилади.

### **2-боб. Даврий БЮДни расмийлаштиришнинг биринчи босқичи**

5. Товарларни божхона расмийлаштирувидан ўтказиш пайтида божхона органларига декларацияловчи шахс томонидан даврий БЮД билан бирга божхона расмийлаштируви учун товар ва транспорт воситаси кузатув ҳужжатлари электрон рақамли имзо билан тасдиқланган ҳолда тақдим этилади.

6. Даврий БЮДда кўрсатилган товарларнинг тўлиқ миқдори учун божхона режими шартларига мувофиқ амалда бўлган божхона тўловлари ставкалари бўйича божхона тўловлари ҳисобланади.

7. Даврий БЮД доирасида расмийлаштирилган товарларнинг божхона назорати ва ҳисобини юритиш учун товар ва транспорт воситаси кузатув ҳужжатлари Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси ягона автоматлаштирилган ахборот тизимида, фақат даврий БЮД учун шаклландиган ҳар бир товар туркумига алоҳида тартиб рақамли дарчага божхона органи мансабдор шахсининг электрон рақамли имзоси билан тасдиқланган ҳолда юкланади.

8. Товарларнинг божхона назоратини амалга оширувчи божхона органи мансабдор шахси Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси ягона автоматлаштирилган ахборот тизимида фақат даврий БЮД учун шаклландиган, ҳар бир товар туркумига алоҳида тартиб рақамли электрон жадвалда даврий БЮД бўйича товарнинг тартиб рақами, ТИФ ТН коди, миқдори ва божхона кўриги (агар шундай божхона назорати шакли қўлланилган бўлса) далолатномаси тартиб рақами бўйича маълумотлар божхона органи мансабдор шахсининг электрон рақамли имзоси билан тасдиқланган ҳолда қайд этиб борилади.

9. Даврий БЮД билан расмийлаштирилган товарларни, товарга нисбатан ваколатга эга бўлган шахснинг ихтиёрига берилиши, уларни божхона назоратидан ўтказилгандан ҳамда мазкур Низомнинг 7 ва 8-бандларига мувофиқ ҳаракатлар яқунлангандан сўнг амалга оширилади.

10. Даврий БЮД доирасида товар ва транспорт воситаси кузатув ҳуж-

жатлари декларацияловчи шахс томонидан ҳар бир товар туркуми учун божхона назорати бошланишидан олдин тақдим этилади.

11. Даврий БЮД доирасида расмийлаштирилган товарларнинг қолган туркуми ҳамда улар бўйича товар ва транспорт воситаси кузатув ҳужжатлари айнан даврий БЮД расмийлаштирилган божхона органига тақдим этилади.

12. Даврий БЮД Божхона юк декларациясини тўлдириш тартиби тўғрисидаги йўриқнома (рўйхат рақами 2773, 2016 йил 6 апрель) талабларига мувофиқ қуйидаги хусусиятларни инобатга олган ҳолда тўлдирилади:

1) 1-графа. «Декларация тури».

Графанинг биринчи бўлмасида «ПЕ» ҳарфли белгиси кўрсатилади.

Графанинг иккинчи бўлмасида Божхона режимлари таснифлагичига мувофиқ божхона режимининг икки рақамдан иборат коди кўрсатилади.

Графанинг учинчи бўлмаси тўлдирилмайди;

2) 50-графа. «Ишонч билдирган шахс».

Графада қуйидаги мазмундаги ёзув ёзилади:

«Тақдим этилган маълумотлар учун жавобгар .....» деб ёзилгандан сўнг декларацияловчи шахсга дастлабки БЮДга киритиш учун зарур маълумотларни тақдим этган, юкни қабул қилувчи томонидан ишончнома берилган шахснинг ёки товарлар ва транспорт воситаларини божхона чегараси орқали олиб ўтаётган жисмоний шахс тўғрисидаги маълумотлар (фамилияси, исми, отасининг исми ва телефон рақами) кўрсатилади.

Сўнгра графада қўшимча равишда қуйидагилар қайд этилади: «Тўлиқ БЮДни ХХ.ХХ.ХХХХгача божхона органига тақдим этиш мажбуриятини оламан» (бунда ХХ.ХХ.ХХХХ тегишлича кун, ой, йилни англатади).

Агар ишонч билдирган шахс БЮДни тўлдирилган декларацияловчи шахс бўлса, ушбу декларацияловчи шахс тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилади.

Шунингдек, мазкур графада хўжалик юритувчи субъект ишонч билдирган шахснинг ваколатларини тасдиқловчи ҳужжатнинг рақами, санаси ва амал қилиш муддати кўрсатилади.

### **3-боб. Даврий БЮДни расмийлаштиришнинг иккинчи босқичи**

13. Даврий БЮД учун белгиланган муддат тугагунга қадар товарлар божхона чегарасидан тўлиқ олиб ўтилган тақдирда декларацияловчи шахс томонидан тўлиқ БЮД тақдим этилади.

Даврий БЮД учун белгиланган муддат тугагунга қадар товарлар божхона чегараси орқали тўлиқ олиб ўтилмаган ҳолларда, декларацияловчи шахс томонидан ушбу муддатга қадар божхона чегараси орқали ҳақиқатда олиб ўтилган товарларга нисбатан тўлиқ БЮД тақдим этилади.

14. Тўлиқ БЮД даврий БЮД расмийлаштирилган санадан олтмиш календарь кундан ошмаган муддатда тақдим этилиши лозим. Даврий БЮД расмийлаштирилган божхона органи тўлиқ БЮДни тақдим этиш муддатини назорат қилади.

15. Иккинчи босқичда расмийлаштириладиган БЮДда божхона тўловлари суммасини ҳисоблашда даврий БЮД қабул қилинган кунда амалда бўлган божхона тўловлари ставкалари ва хорижий валюталар курслари қўлланилади.

Агарда тақдим этилган ҳужжатлардаги маълумотларга аниқлик киритиш натижасида ҳисобланган божхона тўловлари суммаси даврий БЮДда кўрсатилган тўловлар суммасидан ортадиган бўлса, улар қўшимча тўланади, камайиш ҳолатларида эса божхона органи ўртадаги фарқни тўловчига Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодексига белгиланган тартибда қайтаради ёки тўловчининг хоҳишига кўра уни кейинги тўловлар ҳисобига ўтказиши.

16. Божхона чегараси орқали олиб ўтилган товарларнинг умумий миқдори даврий БЮДда кўрсатилган миқдорга мос бўлиши лозим.

Товарлар белгиланган муддатларда даврий БЮДда кўрсатилган миқдордан ортиқ импорт қилинганда ёки экспортга олиб чиқирилиши назарда тутилганда, товарларнинг ушбу қисмига шу кунда амалда бўлган қонун ҳужжатларига мувофиқ янги БЮД тақдим этилади.

17. Даврий БЮДни ўзгартириш, унга қўшимча киритиш, уни қайта расмийлаштириш, қайтариб олиш ва бекор қилиш Божхона юк декларациясини ўзгартириш, унга қўшимча киритиш, уни қайта расмийлаштириш, қайтариб олиш ва бекор қилиш тартиби тўғрисидаги низом (рўйхат рақами 2784, 2016 йил 10 май) талабларига мувофиқ амалга оширилади.

18. Тўлиқ БЮД қўйидаги ҳолларда расмийлаштирилмайди:

даврий БЮДда кўрсатилмаган товарлар импорт қилинганда ёки экспортга олиб чиқирилиши назарда тутилганда;

қолган товарлар туркуми олиб кирилганда дастлабки товарлар туркумини божхона расмийлаштирувидан ўтказишда кўрсатилмаган, иқтисодий сиёсат чоралари қўлланилишига таъсир кўрсатувчи ҳужжатлар тақдим этилган тақдирда;

дастлабки товарлар туркумини расмийлаштиришда иқтисодий сиёсат чоралари қўлланилишига асос бўлган ҳужжатларни қолган туркум товарларни олиб киришда тақдим этмаганда;

даврий БЮД учун белгиланган муддатга қадар тўлиқ БЮД тақдим этилмаган тақдирда (агар божхона декларациясини тақдим этиш муддатининг тугаши божхона органи ишламайдиган кунга тўғри келиб қолса, божхона органининг навбатдаги иш куни шу муддат тугайдиган кун деб ҳисобланади).

Мазкур ҳолатларда расмийлаштирилган даврий БЮДни қонун ҳужжатлари талабларига асосан бекор қилиш чоралари кўрилади ҳамда янги БЮД Ўзбекистон Республикаси Божхона кодексининг 261-моддасида белгиланган муддат ичида тақдим этилиши шарт.

19. Тўлиқ БЮД мазкур Низом 12-бандининг биринчи қисмида кўрсатилган талабга мувофиқ қўйидаги хусусиятларни инобатга олган ҳолда тўлдирилади:

1) 1-графа. «Декларация тури».

Графанинг биринчи бўлмасида товарларни олиб ўтиш йўналиши кўрсатилади — «ИМ» ёки «ЭК».

Графанинг иккинчи бўлмасида Божхона режимлари таснифлагичига мувофиқ божхона режимининг икки рақамдан иборат коди кўрсатилади.

Графанинг учинчи бўлмасида «ППЕ» ҳарfli белгиси кўрсатилади.

20. Тўлиқ БЮДни расмийлаштиришда ушбу БЮДга айнан даврий БЮД учун берилган тартиб рақам қўйилади ва улар бир-биридан ажралмас қисмлар ҳисобланади.

#### **4-боб. Яқуний қоида**

21. Мазкур Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгарликка тортиладилар.

**Ўзбекистон Республикаси**  
**Адлия вазирлиги вазирликлар, давлат қўмиталари ва**  
**идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини**  
**давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида**  
**2018 йил 30 июндан 6 июлгача**  
**бўлган маълумотни маълум қилади**

**1. Давлат рўйхатидан ўтказилди:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2018 йил 28 апрелдаги 16/18-сон «Банк хизматлари истеъмолчилари билан ўзаро муносабатларни амалга оширишда тижорат банкларининг фаолиятига қўйиладиган минимал талаблар тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори.

***2018 йил 2 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3030.***

2. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2018 йил 26 майдаги 19/3-сон «Ўзбекистон Республикаси банкларида статистик ҳисоботни ташкил этиш қоидаларини, шунингдек унга ўзгартиришларни ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида»ги қарори.

***2018 йил 2 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 680-2.***

3. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2018 йил 26 майдаги 19/2-сон «Тижорат банкларида статистик ҳисоботларни юритиш қоидаларини тасдиқлаш ҳақида»ги қарори.

***2018 йил 2 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3031.***

4. Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирининг 2018 йил 18 июндаги 6-мх-сон «Мактабгача таълимга қўйиладиган давлат талабларини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруқни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги буйруғи.

***2018 йил 3 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2898-1.***

5. Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлиғининг 2018 йил 19 июндаги 114/6-сон «Ўзбекистон Республикаси самовий ҳудудда фуқаро ва экспериментал авиациясининг парвоз қилиш авиация қоидаларининг (ЎзР АҚ-91) I боб биринчи параграфига ўзгартириш киритиш тўғрисида»ги буйруғи.

***2018 йил 3 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1723-10.***

6. Ўзбекистон Республикаси мактабгача таълим вазирининг 2018 йил 18 июндаги 1-мх-сон «Ўзбекистон Республикасининг илк ва мактабгача ёшдаги болалар ривожланишига қўйиладиган Давлат талабларини тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи.

***2018 йил 3 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3032.***

7. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлигининг 2018 йил 28 майдаги 19, 100-сон «Ўзбекистон Республикаси Товар-хона ашё биржаси биржа савдоларида омихта ерни сотиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори.

**2018 йил 3 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1884-1.**

8. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлигининг 2018 йил 28 майдаги 18, 99-сон «Омихта ерни биржа савдолари орқали реализация қилиш (сотиш) тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори.

**2018 йил 3 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3033.**

9. Электр энергетикада назорат бўйича давлат инспекцияси, Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлигининг 2018 йил 12 июндаги 7, К-13-сон «Маиший истеъмолчиларнинг электр энергиясини ҳисобга олиш приборларини қиёслашдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида»ги қарори.

**2018 йил 3 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2736-2.**

10. Ўзбекистон Республикаси инновацион ривожланиш вазирининг 2018 йил 4 июндаги 14/6-сон «Давлат илмий-техника дастурлари доирасида яратилган интеллектуал мулк ҳуқуқлари (патентлар)ни хорижда рўйхатдан ўтказиш ва қўллаб-қувватлаш харажатларини тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи.

**2018 йил 5 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3034.**

11. Ўзбекистон Республикаси инновацион ривожланиш вазирининг 2018 йил 4 июндаги 14/4-сон «Илмий лабораторияларни яратиш ва қўшимча жиҳозлаш бўйича танловларни ўтказиш, шунингдек зарур сарфлаш материаллари ва бутловчи қисмлар билан таъминлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи.

**2018 йил 5 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3035.**

12. Ўзбекистон Республикаси инновацион ривожланиш вазирининг 2018 йил 4 июндаги 14/5-сон «Ёш олимларни етакчи хорижий илмий ташиқлотларда (марказлар, университетлар ва бошқалар), шу жумладан илмий лабораторияларни жиҳозлаш учун сотиб олинган юқори технологик асбоб-ускуналарда ишлаш методикасини ўзлаштириш учун қисқа муддатли илмий стажировкаларга юбориш мақсадида уларни танлов асосида саралаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи.

**2018 йил 5 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3036.**

13. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2018 йил 6 июндаги 154-сон «Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги озодликдан маҳрум қилиш туридаги жазони ижро этиш муассасаларининг ички тартиб қоидаларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги буйруғи.

*2018 йил 5 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2495-2.*

14. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2018 йил 6 июндаги 155-сон «Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги тергов хибсхоналарининг ички тартиб қоидаларига ўзгартириш киритиш тўғрисида»ги буйруғи.

*2018 йил 5 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2456-2.*

15. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2018 йил 5 июлдаги 356-мх-сон «Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлаш ва қабул қилиш қоидаларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги буйруғи.

*2018 йил 5 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2565-6.*

16. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг 2018 йил 19 июндаги 01-02/20-49, 16/24-сон «Ўзбекистон Республикаси божхона чегараси орқали радиоэлектрон воситалар ва юқори частотали қурилмаларни олиб ўтиш тартибига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги қарори.

*2018 йил 5 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 526-6.*

17. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2018 йил 14 июндаги 01-02/12-47-сон «Импорт қилинадиган товарларни божхонада расмийлаштиришда даврий божхона декларациясини тақдим этиш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида» қарор, шунингдек унга ўзгартиришларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори.

*2018 йил 5 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2419-3.*

18. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2018 йил 14 июндаги 01-02/12-45-сон «Бир ташқи савдо шартномаси доирасида айнан бир хил товарларнинг божхона расмийлаштирувини даврий божхона юк декларацияси тақдим қилиш йўли билан амалга ошириш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори.

*2018 йил 5 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3037.*

## II. Давлат реестридан чиқарилди:

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банк Бошқарувининг Ўзбекистон Республикаси банкларида статистик ҳисоботни ташкил этиш қоидалари (рўйхат рақами 680, 1999 йил 22 март), шунингдек унга ўзгартиришлар (рўйхат рақами 680-1, 2002 йил 5 октябрь).

*Адлия вазирининг 2018 йил 2 июлдаги 343-мх-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.*

2. Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирининг «Мактабгача таълимга қўйиладиган давлат талабларини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғи (рўйхат рақами 2898, 2017 йил 17 июль).

*Адлия вазирининг 2018 йил 3 июлдаги 345-мҳ-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.*

3. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлигининг «Ўзбекистон Республикаси Товар-хом ашё биржаси биржа савдоларида омихта ерни сотиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1884, 2009 йил 16 январь).

*Адлия вазирининг 2018 йил 3 июлдаги 348-мҳ-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.*

4. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг «Импорт қилинадиган товарларни божхонада расмийлаштиришда даврий божхона декларациясини тақдим этиш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида» қарори (рўйхат рақами 2419, 2013 йил 30 январь), шунингдек унга ўзгартиришлар (рўйхат рақами 2419-1, 2014 йил 24 ноябрь), (рўйхат рақами 2419-2, 2016 йил 7 апрель).

*Адлия вазирининг 2018 йил 5 июлдаги 358-мҳ-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.*

5. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг «Ломбард томонидан ҳисоботлар тақдим этиш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1289, 2003 йил 10 декабрь), шунингдек унга ўзгартиришлар (рўйхат рақами 1289-1, 2013 йил 20 февраль).

*Адлия вазирининг 2018 йил 5 апрелдаги 205-мҳ-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.*

6. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг «Микрокредит ташкилотлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига молиявий ҳисоботларни ва электрон маълумотларни тақдим этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2322, 2012 йил 3 февраль), шунингдек унга ўзгартиришлар (рўйхат рақами 2322-1, 2017 йил 4 декабрь).

*Адлия вазирининг 2018 йил 5 апрелдаги 206-мҳ-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.*

**Мазкур ҳужжатлар қонунчиликка ўзгартириш киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.**